O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi
Navoiy davlat universiteti tuzilmasidagi
“Qatag‘on qurbonlari xotirasi” muzeyi

“JADIDCHILIK HARAKATI VA QATAG‘ON QURBONLARI: TARIXIY HAQIQAT, VOHA XOTIRASI VA MA’NAVIY MEROS”

mavzusidagi respublika ilmiy-onlayn konferensiya



Ilmiy maqolalar to‘plami

Navoiy – 2026 yil, 14-sentabr

Ushbu to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024 yil 4 noyabrdagi 691-son qaroriga muvofiq Respublika darajasida tashkil qilindi.

Mas’ul muharrirlar:

X.Qurbonov – t.f.n., dotsent

R.Qarshiev – t.f.n., professor

Z.Tog‘ayev – t.f.n., dotsent

Навоий давлат университети Тарих факультети Кенгашининг 2026 йил 29 августдаги 1-сонли қарорига асосан нашрга тавсия қилинган.

TARIXIY HAQIQAT, VOHA XOTIRASI VA MA’NAVIY MEROS

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Turkiston hududida shakllangan jadidchilik harakati xalqimiz tarixidagi muhim ma’rifiy va ijtimoiy-siyosiy jarayonlardan biri hisoblanadi. Jadidlar jamiyatni taraqqiy ettirishning asosiy yo‘li ilm-fan, zamonaviy ta’lim, erkin fikrlash va milliy o‘zlikni anglashda ekanini chuqur anglaganlar. Ular yangi usul maktablarini tashkil etish, matbuot va adabiyotni rivojlantirish, xalqning siyosiy va ma’naviy tafakkurini yuksaltirish orqali millat kelajagini o‘zgartirishga intildilar.

Mahmudxo‘ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat, Munavvarqori Abdurashidxonov, Abdulla Qodiriy, Cho‘lpon kabi ma’rifatparvarlarning faoliyati xalqimizning ilmiy, adabiy va ma’naviy taraqqiyotida alohida o‘rin tutadi. Ularning asarlarida millat ravnaqi, yoshlar ta’limi, Vatanga muhabbat, inson erkinligi va jamiyatni isloh qilish g‘oyalari o‘z ifodasini topgan. Jadidlarning ma’rifatga asoslangan qarashlari bugungi kunda ham yosh avlodni vatanparvarlik, mustaqil fikrlash va ilmga intilish ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega.

Afsuski, XX asrning 30-yillarida kuchaygan siyosiy qatag‘onlar xalqimizning ko‘plab ilg‘or ziyolilari, olimlari, yozuvchilari va jamoat arboblari hayotiga zomin bo‘ldi. Ular nohaq ayblovlar asosida ta’qib qilindi, qamoqqa olindi va ko‘plari otib tashlandi. Qatag‘onlar nafaqat insonlar taqdiriga, balki millatning ilmiy salohiyati, madaniy taraqqiyoti va tarixiy xotirasiga ham jiddiy zarar yetkazdi. Shu sababli qatag‘on qurbonlarining hayoti va faoliyatini xolis o‘rganish, ularning nomlarini tiklash hamda ilmiy-ma’naviy merosini kelajak avlodlarga yetkazish muhim vazifadir.

Mazkur masalani tadqiq etishda hududiy tarix, xususan, Navoiy vohasi va Zarafshon hududining tarixiy-madaniy muhitini o‘rganish alohida ahamiyat kasb etadi. Arxiv hujjatlari, tarixiy manbalar, mahalliy matbuot materiallari, oilaviy arxivlar va avlodlar xotiralarini tahlil qilish orqali jadidchilik harakati hamda siyosiy qatag‘onlarning hududiy xususiyatlarini aniqlash mumkin. Bunday izlanishlar umumxalq tarixining yetarlicha o‘rganilmagan jihatlarini ochib berish, tarixiy shaxslar faoliyatiga oid yangi ma’lumotlarni ilmiy muomalaga kiritish imkonini yaratadi.

Professor M.B.Kalonov

Navoiy DU rektori

Бахтиёр ҲАСАНОВ
т.ф.д., профессор, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори

ЖАДИДЧИЛИКНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ЖАДИДЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАМДА СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Ўрта асрлар сўнгидан Европа мамлакатларида капиталга асосланган иқтисод ва янги ижтимоий муносабатлар барқ уриб ривожланиши баробарида Шарқ мамлакатлари орасида муттасил таназзулли ҳолатлар кучайиб борди. Европа маданияти янгиликларига нисбатан “жадид” атамаси илк бор Султон Салим III (1789-1802) даврида қўлланилганди. Ўз даврида машҳур ислом уламолари А.Қурсавий (1776-1813), Ш.Маржоний (1818-1889), Жамолиддин Авғоний (1839-1897), Муҳаммад Абдуҳ (1849-1905)лар ҳам эски мактаб-мадраса таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш зарур деган хулосага келган эдилар. Туркистоннинг Россияси империяси томонидан истило қилинганидан сўнгги даврда ижод қилган Фурқат, Муқимийлар жадид бўлмаган бироқ, улар миллат равнақи учун замонавий илмларни эгаллаш, ёшларни Европа мамлакатлари маданияти билан танишишга чақирган маърифатпарварлар эди.

Шубҳасиз жадидчилик ҳаракатининг пойдевори мактаб бўлган ҳамда жадидчилик ҳаракатининг отаси қрим татар фарзанди Исмоилбек Ғаспирали (1851-1914)дир. Улар эски мактаб усулидан фарқли дунёвий фанлар, дин-диёнат, чет тилларини ўргатишни йўлга қўяди. И.Ғаспирали 1884 йил Боғчасаройда илк жадид мактабига асос солди ва бу тезда кенг шуҳрат қозонди. Тошкентда биринчи ўзбек жадид мактаби 1904-1905 йилларда Мунаввар қори томонидан очилган бўлиб, унгача мавжуд жадид мактаблари Туркистонда яшаётган татарларга тегишли эди. 1917 йилга келиб уларнинг сони 92 тага етган эди.

Туркистонда Чор маъмурлари қаршилигига айрим маҳаллий уламоларнинг норозилиги қўшилиб жадидлар олдида жиддий тўсиқ юзага келди. Шундай шароитда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Авлоний, Садриддин Айний, Мирзо Хайруллоларнинг жадид мактаблари учун дарсликлари дунёга келди. Жадид тараққийпарварлари томонидан ўлкада олий таълимни ислоҳ этиш масаласи ҳам кенг мунозараларга сабаб бўлди.

1909 йил 12 майда Тошкентда жадидларнинг "Жамияти хайрия" ташкилоти тузилди. Унинг асосий мақсади талабаларни чет элларда ўқитишга раҳбарлик қилиш эди. Ташкилот кўмагида бошланғич таълимни олган ёшлар Уфадаги "Олия", Оренбургдаги "Хусайния" мадрасаларига, кейинчалик Туркия ва Германия мамлакатларига ўқишга юборилди.

1909 йилнинг мартида Бухорода "Ширкати Бухорои Шариф", 1909 йил 18 июлда Бухоро ёшларининг "Тарбияи атфол" жамиятлари ташкил этилади. Жамият ёрдами асосида 1909-1913 йилларда Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ато Хўжа, Мазҳар Бурхонов каби кўпгина талабалар Истамбулда таълим олдилар. Бундан ташқари Қоҳирага ҳам талабалар юборилган. Улар 1911 йил 15 нафар, 1912 йил 30 нафарга етган. Бу ҳаракат кейинги йилларда ҳам муттасил ривожланиб борди.

Жадид матбуоти. 1870 йил 28 апрелдан Тошкентда биринчи газета "Туркестанские ведемости", икки ойдан сўнг унинг ўзбекча иловаси чиқа бошлади. Унга Ш.Иброҳимов, Ҳ.Чанишев, Н.Остроумовлар муҳаррирлик қилиб, газета ўлкани руслаштиришга хизмат қилди.

1875 йил Озарбайжонда Ҳасан Зардобийнинг "Екинчи", 1883 йил Боғчасаройда И.Ғаспиралининг "Таржимон" газеталари нашр этилди. Улар бутун туркий дунёга ёйилиб, туркий оламни бирлаштириш Туркистондаги Чор мустамлакачилиги зулмига қарши мақолалари билан ўлкада ўзликни англашни бошлаб берди. 1905 йил октябрда "Қозон мухбири", 1906 йил Аҳмад Ҳоди Мақсудийнинг "Юлдуз", Фотиҳ Каримийнинг "Вақт", Петербургда "Улфат" газеталари чиқди.

Туркистондаги жадид матбуоти 1905 йилдан бошланади. Авлоний 1905-1917 йилларда Туркистонда 22 газета ва 8 журнал нашр этилганига гувоҳлик берса, 1927 йил Зиё Саид 1870-1927 йилларда 45 та газета ва 36 номда журнал нашр этилганини ёзади. Илк ўзбекча газета Иван Геернинг “Ўрта Осиёнинг умр гузарлиги. Тараққий” газетасидир. Илк миллий газета 1906 йилнинг 27 июнидаги Исмоил Обидийнинг “Тараққий” газетаси ҳисобланади. Газета чиқиши муносабати билан И.Ғаспирали, А.Тўқайларда табрик номаларини йўллайди. Мунаввар қори, Авлонийлар мақолалари газетанинг халқ ўртасида янада машҳур бўлишига ёрдам берди. 1906 йил 6 сентябрида Мунаввар қорининг “Хуршид” газетаси, 1907 йил 1 декабрида Авлонийнинг “Шуҳрат” газетаси, 1908 йил Аҳмаджон Бектемировнинг “Осиё”си, 1913 йилдан Беҳбудийнинг “Самарқанд” газеталари чиқди. Бу газеталар бутун Туркистон халқи томонидан қизғин қарши олинди ва Абдулла Авлонийнинг “муллалар ғазит ўқувчиларни “жадидчилар” деб атар эдилар” деган сўзи ҳам жадид матбуотининг халқ ўртасидаги мавқеидан далолат беради.

Туркистондаги илк жадид журнали 1913 йилда Беҳбудий томонидан нашр этилган “Ойна” журналидир. 1914 йил Убайдулла Хўжаевнинг “Садои Туркистон” ва О.Маҳмудовнинг “Садои Фарғона” газеталари Туркистондаги жадид матбуоти тарихидан мустаҳкам ўрин олди. 1917 йил февралдан сўнг “Нажот” (Мунаввар қори), “Шўрои Ислом” (А.Баттол), “Турон” (Авлоний), “Ҳуррият” (Фитрат), “Кенгаш” (Заки Валидий), “Ел байроғи” (Б. Солиев, А. Зоҳирий), “Улуғ Туркистон” (К. Бакир)лар чоп этилди.

Туркистонда XIX асрнинг охирида майдонга келган жадидчилик ҳаракати XX асрнинг бошларида ўз тараққиёт чўққисига кўтарилди. Жадидчилик ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат сифатида “жадид” – “янги”гина эмас, ҳақиқатан “янги тафаккур”, “янги инсон”, “янги авлод” мафкурасига айланди.

Россияси империяси мустамлакачилиги зулми остида қолган Туркистон ўлкаси халқлари орасида жадид тарққийпарварларининг мавқеи ортиб борди. Халқнинг озодликка бўлган интилиши уларни маърифатчиликдан сиёсий кураш майдонларига етаклар эди. Солиқларнинг тинимсиз ортиб бориши, ҳунармандларнинг хонавайрон бўлиши, қишлоққа капиталистик муносабатларнинг жорий этилиши билан ерсизланиш оқибатида маҳаллий аҳолининг оммавий қашшоқлашуви кучайди. Туркистонда мустамлакачи маъмурлар томонидан маҳаллий миллатларга нисбатан паст назар билан қараш, уларни таҳқирлаш авж олди. Ана шундай шароитда мустамлакачилик зулмидан қутилиш ҳар бир туркистонликни мулоҳазага чорлар ва улар ватан озодлиги учун кураш йўлларини қидирар эдилар.



Самарқанддаги озодлик намойиши. 1917-йил феврал.

Бунда биринчи йўл мустамлакачилик зулмидан куч ёрдамида қутилиш (Дукчи Эшон, 1916 йил ҳаракати, миллий қаршилик ҳаракати) эди. Бироқ, бунинг учун на иқтисодий, на ҳарбий салоҳият ва на четдан бир ёрдам кутишнинг иложи йўқ эди.

Иккинчи йўл. Муроса (И.Ғаспирали, М.Беҳбудий). Чор Россияси қонунлари доирасида ҳаракат қилиб, миллатни маърифатга чорлаш. Шунингдек, ёшларни жаҳонга чиқариш, уларнинг Европа илм-фани ютуқларини ўзлаштириш билан миллатни кўп асрлик уйқудан уйғотиш, тараққиётга юз буриш. Жадидларнинг бу йўли, гарчи ижтимоий ларзаларсиз бўлсада, анча узоқ вақтни талаб этар эди.

Учинчи йўл. Ҳамкорлик (Мунаввар қори, Ҳамза, Авлоний). Бунда ҳокимиятни эгаллаган кучлар билан мавжуд шароитда иттифоққа эришиш ва имкон қадар тарафдорлар сонини кўпайтириш ҳамда вақти келганда ҳокимиятни қўлга олиш. Бироқ, мустамлакачилар жадид тараққийпарварларининг ҳар бир ҳаракатини назоратга олиб, маҳаллий халқ ўртасида маълум манфаатдор кучлар орасида доимий равишда зиддиятларни авж олдириб турган.



Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати ва Халқ мажлиси аъзолари (1917-йил)

Мазкур тарихий шароитда жадидлар ўлкада келажаги порлоқ сиёсий куч сифатида кўзга ташлана бошлади. Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган хуфя номасида: “Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч социал демократлар (большевик ва меншевик) ёки социал инқилобчилар (эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир” – деган экан. Бироқ, ҳокимиятга ҳеч қандай қонун қоидани тан олмайдиган, ҳар қандай муаммони қилич билан ҳал қилишни маъқул кўрган большевикларнинг келиши, тарих ғилдирагини бутунлай бошқа томонга буриб юборди.

1913 йил жадидлар томонидан “Турон” жамияти тузилди ва кейинчалик унинг қошида “Турон” кутубхонаси, “Турон” клублари ташкил этилади. 1917 йил “Турон” газетасини чоп этиш йўлга қўйилди. Мазкур жамиятлар халқ маорифи ва олий таълимни ривожлантириш билан бир қаторда жадидлар тараққийпарварларига сиёсий кураш учун тажриба тўплаш, халқнинг сиёсий тафаккурини ошириш вазифасини ўтади. 1917 йил Феврал инқилобидан сўнг жадидларнинг сиёсий кураш майдонига чиқишига имконият туғилди.

“Шўрои исломия”нинг сиёсий-ижтимоий ва маданий ислоҳотчилик ғоялари. Подшо Россияси ағдарилгач, Туркистонга мухторият олиш масаласи мамлакатдаги барча мусулмонларнинг бош муаммосига айланди.

1917 йилнинг 9 мартида Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхонов бошчилигида Мустафо Чўқаев, Абдулвоҳид қори, Миркомил Мўминбоев, Аҳмадбек Темурбеков каби бир гуруҳ аъзолар “Турон” жамиятидан ихтиёрий равишда ажралиб чиқиб, мустақил сиёсий жамият – “Шўрои исломия” партиясига асос соладилар.

“Шўрои исломия” сиёсий ташкилотининг биринчи норасмий мажлиси 1917 йил 14 мартда ўтказилди ва унда ташкилий масала кўрилади. “Шўрои исломия” партияси аъзолари маҳаллий халқ орасида ташвиқот ишларини кучайтириб, бир қатор намойишлар уюштирадилар.

1917 йил 20 март куни Тошкентнинг Эшонгузар маҳалласида Қулибой Тугусов бошчилигида ўн минг кишилик, эртаси 21 март куни Тошкентдаги Эски шаҳарнинг қовун бозори яқинида Мунаввар қори раҳбарлигида беш минг кишилик сиёсий намойишлар бўлиб ўтди. Халқ бу ҳаракатни қизғин қарши олади. “Шўрои ислом”, “Нажот”, “Кенгаш” газеталари жадид тараққийпарварларининг нашр органи бўлди.

1917 йилнинг 6-7 март кунлари Маҳмудхўжа Беҳбудий раҳбарлигида Самарқандда маҳаллий миллатларнинг “Клуб исломия” сиёсий ташкилоти тузилди. Бироқ, у бор йўғи 1917 йилнинг 15 апрелигача фаолият кўрсатди. Самарқандда “Мирваж ул-ислом”, Андижонда “Мифтаҳ ул-маориф”, “Озод халқ”, “Сана ул-ислом”, Қўқонда “Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи”, Каттақўрғонда “Равнақ ул-ислом” каби қатор ташкилотлар ҳам тузилди.

“Шўрои исломия” ўлкадаги барча сиёсий ташкилотларни бир кучга бирлаштириш мақсадида ўз номини “Туркистон Шўрои исломия жамияти” деб ўзгартиради. Шу мақсадда улар очарчилик шароитида маҳаллий қози, уламолар билан биргаликда исрофгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида махсус комиссия ташкил этади. Ҳатто, қозоқларнинг “Ихтиёт союзи” (раис

И.Кутебаров), татарларнинг “Иттифоқ” (раиси Б.Шараф) жамиятлари билан алоқа боғлади. Шунингдек, европалик миллатларнинг “Уй эгалари” партияси билан ҳам сиёсий иттифоқ тузишга эришадилар.

1917 йил апрелда М.Чўқаев бошчилигида “Туркистон Ўлка Марказий мусулмон шўроси” тузилди. 1917 йил ёзида Бутунроссия Таъсис мажлисига сайловлар арафасида туркистонлик тараққийпарварлар ўзларининг сиёсий партияларини тузиш заруриятини теран тушуниб етди. Жадидлар “Турон” сиёсий жамиятини демократик тамойилларга асосланган сиёсий партияга айлантириш ғоясини илгари сурдилар. Бироқ, етарли партиявий иш тажрибасига эга бўлмаган туркистонлик ислоҳотчилар намуна сифатида Озарбайжон демократик партияси “Мусават” партиясининг дастуридан фойдаландилар.



Қўқон фожиасининг кўринишлари (1918 йил)

Бироқ, ўта муҳим тарихий лаҳзаларда халқнинг ягона сиёсий куч бўлиб уюшиши содир бўлмади. Фитна натижасида уламолар билан азалдан мавжуд бўлган “қадим” “жадид” мунозараси авж олиб кетди. Кадетлар партиясининг шовинистик сиёсати миллий тараққийпарварларнинг европалик сиёсий ҳамкорларидан юз ўгиришига олиб келди. Бу хатоларнинг барчасидан большевиклар унумли фойдаландилар.

1917 йил 12-14 июл кунлари Туркистон тараққийпарварларининг 137 вакили иштирокида Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида ўтказган Қурултойда **“Турк Адами Марказияти партияси” (Туркистон федералистлари партияси)** ташкил этилди. Қурултойда Туркистон учун миллий-ҳудудий мухторият талаб этилди ва унинг Дастурида “йигирма ёшга кирган барча миллат аъзолари жинси, синфи, динидан қатъий назар, тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланади ва ўзи ҳам сайланиши мумкин”лиги эътироф этилди. Бироқ, мусулмон аёлларининг иштироки “шариат доирасида амалга

оширилиши лозим”лиги кўрсатилди. Шунингдек, виждон эркинлиги кафолатланди ва “диний эътиқодлари учун ҳеч ким таъқиб этилмайди... ҳеч бир дин ва мазҳабга бошқаларга нисбатан ҳукумат томонидан имтиёзлар берилмайди” дейилди. Мазкур жараёнда жадид тараққийпарварлари томонидан қатор илғор ғоялар илгари сурилиб, партиянинг дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқишда Туркистоннинг барча шаҳарларидан энг таниқли мусулмон қонуншунослари, мударрислар, дунё кўрган давлатманд савдогарлар иштирок этдилар. Шу съездда партия Низоми ҳам қабул қилинди.

“Турк адами марказияти” Низомида чинакам халқ манфаатлари ва мусулмонлар турмуш тарзи асос қилиб олинди. “Турк эли” газетаси партиянинг органи сифатида фаолият юритди. Бироқ, у атиги бир ҳафта давомида чиққани учун партия фаолиятини тўла ёритиб бера олмади. Партия Дастури IX боб ва 57 моддадан иборат эди. Унинг 4 моддаси “Ҳар ким ўз фикрини, хаёлини сурмакка, матбуот ва бошқалар воситаси ила нашр ва эълон қилмоққа ихтиёрлидур” дейилган. Шунингдек, жадидларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар, шахсий даҳлсизлик, хусусий мулкка нисбатан муносабатлари Мустақил Ўзбекистон конститусияси билан мос эканлигини кузатишимиз мумкин.

Болmшевикларнинг ҳокимиятга келиши билан Туркистонда коммунистлардан ташқари барча партиялар таъқиб этилди. 1919 йилда “Турк адами марказияти” заминида “Иттиҳоди тараққий”, сўнгроқ “Миллий иттиҳод” номлари билан аталган махфий ташкилот тузилди ва улар жадид ғоялари асосида фаолият олиб бордилар. Кейинчалик “Миллий иттиҳод” Мунаввар қорининг таклифи билан номини “Миллий истиқлол” деб ўзгартиради. Бундан ташқари 1922 йилда ташкил қилинган “Кўмак”, 1923 йилдан иш бошлаган “Нашри маориф” ташкилотлари ҳам жадид маърифатпарварлари мақсадларини ифодалаб фаол иш олиб боради. Аммо ўлкада большевиклар ҳокимиятининг мустаҳкамланиб бориши билан уларнинг барчаси зўрлик асосида йўққа чиқарилди.

“Ёш бухороликлар партияси” дастури. “Ёш бухороликлар” партияси ҳам узоқ вақт сиқув остида фаолият олиб борди. 1917 йил воқеаларидан сўнг партия янада фаоллашиб ўз сафини зиёлилар ва меҳнаткашлар билан кенгайтирди. “Ёш бухороликлар” Марказий Қўмитасида Абдулвоҳид Бурҳонов - раис, Абдурауф Фитрат - саркотиб, Усмон Хўжаев – хазиначи эди. Қўмита аъзолари сафида Муҳитдин Рафъат, Мусо Саиджонов, Абдулла Отахўжаев, Файзулла Хўжаев ва бошқалар бўлган. Партия Марказий Қўмитаси мазкур сиёсий ташкилотни амир жосусларидан сақлаш ҳамда ўз сафларини яширин равишда кенгайтириш учун 12 лик усулни вужудга келтирган эди. Кўп ўтмай Бухоро шаҳрининг ўзида “Ёш бухороликлар”нинг шаҳобчалари 50 тага етгани ҳам халқ томонидан ҳаракатнинг қизғин қарши олинганлигини исботлайди. Бироқ, “Ёш бухороликлар” Чор ҳукуматининг мунофиқ ва хиёнатчи вакили Миллернинг икки тарафлама ўйинига алданиб қолади ва бу кейинчалик катта хатоликларга сабаб бўлди.



Қўқон фожиасининг кўринишлари (1918-йил)

Оғир тарихий вазиятда Фитрат партия дастурини ишлаб чиқди. Лойиҳа 1918 йил январда Марказий Қўмитага топширилди. “Ислоҳот ва Бухоро” деб номланган бу

Дастур XIII бобдан иборат бўлиб, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий масалаларда обод Бухоро ва унда ҳуқуқий давлат яратиш учун хизмат қилиши керак эди.

Дастурда Бухоро Амирлигида суд ишлари шариат асосида бўлиши ва унинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий мустақиллигини таъминлаш кўзда тутилган эди. Давлатда судларнинг мустақиллигига эришиш, шариатда назарда тутилмаган солиқларни бекор қилиш, иқтисодиётни замонавийлаштириш, бошқарувни ислоҳ қилиш, маърифий тадбирлар ва вақфларни назоратга олиш масалалари бирма-бир баён қилинган. Шунингдек,

мамлакатда 10 та Нозирлик тузиш ва 2 йиллик ҳарбий мажбурият жорий этиш масалалари кўтарилганди. Бу режаларни шакллантириша уларга “Ёш турклар”нинг “Иттиҳод ва тараққий” партияси дастури асос бўлган эди.

Жадидларнинг яна бир сиёсий ташкилоти Аҳмад Закий Валидий томонидан 1921-йил тузилган **“Жадид тараққийпарварлар партияси”**дир. Партиянинг ХИХ бандлик дастурининг 1-моддасида: “Ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётнинг асоси бўлмоғи керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, миллий ҳукумат тузишдан иборат. Миллат-тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади” дейилган эди. Унинг 10-моддасидаги “Ер масаласида ер ости ва ер юзи бойликлари, ўрмонлар, ҳавзалар, давлат мулкига ўтиши негиз ҳисобланади. Ер деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилади”, 19-моддасидаги “Қадимий маданият ўчоғи бўлган Туркистонда асрлар мобайнида юзага келган маданият ёдгорликлари ҳимоя остига олинажак. Улар миллий маданиятнинг ўсишига хизмат этажак” деб айтилган. Бу масалаларга ҳозирги Ўзбекистон қонунчилигида ҳам катта аҳамият қаратилган.

Жадидлар Туркистоннинг ўрта асрчилик жаҳолатларини очиб ташлади ва тарихан қисқа даврда миллий матбуот, маориф ва миллий театр соҳаларини дунёга келтирди. Улар ўлкада миллий уйғониш ва миллий мустақиллик учун кураш ғоясига асос солдилар. Мазкур даврда бирор бир маданий, сиёсий ҳаётдаги ижобий ўзгариш уларнинг иштирокисиз содир бўлмаган эди.

Туркистон жадидларининг етакчиларидан Абдурауф Фитратнинг “Ватан саждагоҳимдир” асарида “Юртим, Туроним! Сендан айрилмоқ менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдир... Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўлурман. Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга, нафрат сени кўмгани келганларга” – деган оташин чақириқлари ҳар қандай ватанпарвар инсон қалбига ўт соларди. Бу моҳиятан кейинги 3-4 асрлик тарихимиздаги мисли кўрилмаган ҳол эди.

Жадид маърифатпарварлари 1917 йилдан кейин ҳам социалистик диктатура ўрнатилганига қадар ўз мавқеини сақлаб қолдилар. Беҳбудий маҳв этилиши муносабати билан матбуотда эълон қилинган, унинг тилидан айтилган “Биз ўз қисматимизни биламиз... агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...” деган мулоҳазалар ҳам жадидларнинг тилагидан узоқ эмас эди.

1920 йил Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихига материаллар”, 1926 йил Файзулла Хўжаевнинг “Бухоро инқилоби тарихига доир” китобларида Туркистон жадидлари фаолияти ижобий баҳоланди. Бироқ, 1923 йилдан собиқ советлар давлати жадидларга қарши кураш бошлайди. Шу йили БХР раҳбариятидан 5 киши ишдан олиниб, А.Фитрат ва Ота Хўжаевлар бадарға этилди.

1926 йил Абдулла Қодирий қамоққа олинди, “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик” ишлари ташкил этилди. 1929 йил “Мунаввар қори ва унинг гуруҳи” устидан “иш” очилиб, 1931 йил 25 апрелда улардан 18 киши қамоққа олинди. Шундан сўнг жадидчилик ҳаракати ва унинг аъзоларига қарши оммавий қатағонлар авж олдирилди.

Собиқ советлар мамлакати ўз ҳукмронлигининг охиригача жадидларнинг фаолиятини холисона ўрганишга, уларнинг ижодий меросини тарғиб этишга изн бермади.

XX АСР 20-30-ЙИЛЛАРИДА ДИН АРБОБЛАРИНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

Зикруллаев Мурод Файзуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Собиқ совет ҳокимияти йилларида коммунистик мафкура тазйиқи, маъмурий буйруқбозлик тизимининг зўравонлиги туфайли Ўзбекистон тарихида айрим муаммоларни тадқиқ этиш чеклаб қўйилди, таъқиқланди ва оқибатда унинг саҳифаларида “оқ доғлар” вужудга келди.

Улардан бири ислом дини тарихи, шунингдек, диннинг ўлка аҳолиси ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги роли масаласи бўлиб, совет ҳокимияти динга қарши атеистик сиёсат олиб борганлиги натижасида ўзининг холис баҳосини ололмади. Шу билан бирга озодлик ва мустақиллик ғояларини ўзида мужассамлаштирган ҳамда ўзбек халқи ўтмишида ўчмас из қолдирган жадидчилик ҳаракати тарихи, тараққийпарвар зиёлилар билан бир даврда миллат озодлиги, миллий-диний қадриятларнинг софлигини сақлаш, исломий маърифат асосида ўлка мусулмонларининг маънавий дунёсини бойитиш учун интилган уламоларнинг фаолияти ҳам атрофлича ўрганилмади.

XX аср 20-30-йилларида ҳам ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида дин арбоблари, руҳонийлар алоҳида мавқега эга эди. Улар ўлка мусулмон аҳолисининг дунёқараши, маънавий ва ахлоқий қадриятларини шаклланишига, туркистонликларнинг сиёсий онги ва манфаатларига кучли таъсир кўрсатишган.

Совет ҳокимияти халқимизнинг миллий ва диний маънавиятини ўзгартирмасдан туриб бу ўлкада узоқ муддат ҳукмронлик қила олмасликларини яхши билар эдилар. Аммо ислом дини ва уламоларга қарши

қатағон сиёсатини большевиклар бирданига эмас, балки ўта эҳтиёткорлик билан аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириб бордилар. Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ХКС 1917 йил 20 ноябрда “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” мурожаатида: “Сизнинг дин ва урф-одатларингиз... Бундан буён эркин ва дахлсиз..[1]” деб эълон қилди.

Мажбурий советлаштириш сиёсатининг бир йўналиши янги инқилобий ҳукуматга нисбатан хайрихоҳлик муносабатини ҳосил қилиш эди. Шунга кўра “ислом социализми” ғояси юзага келтирилди. Бунда большевиклар халқ вакиллари, жумладан зиёлилардан ёки диндорлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди[2].

1917 йилда Тошкентда бир гуруҳ уламолар томонидан ташкил этилган “Уламо жамияти”нинг пешқадамларидан бири бўлган Шерали Лапиннинг “Уламо” жамияти номидан социалистларга ёзган Мурожаатида “ислом ва социализмнинг ўхшашлиги бир қарашда ақл бовар қилмайдиган нарсалардир. Бироқ моҳиятига қаралса уларда жуда кўп умумийликни кўрса бўлади. Ҳар икки таълимотнинг асосий тамойили меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. Уларнинг иккиси ҳам империализмнинг ашаддий душманидир. Миллатпарастлик ғояларини тан олмайдилар, миллатлараро тотувлик тарафдори бўлиб, капитализни кўра олмайдилар. Социализм барча ерлар меҳнаткашларга дейди. Ислом эса ер Оллоҳники, ким уни тирилтирса, ўшаникидир дейди. Социализм исломдан кўп фарқланмайди, фақатгина ғояни амалга ошириш йўли бошқача, холос”, деган фикрлар берилган.

Тарихшунос мутахассисларнинг фикрича бу ҳужжат ҳам мусулмонлар орасига фитна солиб, исломнинг асл моҳиятини ўзгартириб сиёсий

[1]Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. М. Жўраев.- Тошкент Шарқ, 2000. 394-б
[2]Йўлдошхўжаев Ҳ,Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2015

мақсадларга мослаштириш йўлида большевиклар томонидан қўйилган илк қадамлардан бири эди[3].

Яна бир ғояпарвар Ариф Клевлеев Туркистон компартиясининг 1-съездида билдирган “чуқур млоҳазалари”да – “Мен унга Қуръонга суянган ҳолда ёндашдим. Мусулмонларнинг пайғамбари Муҳаммад ва унинг барча таълимотини илмий ўрганиб, унда коммунистни тасаввур қилдим”,- дейди.[4]

Бундай сиёсий ўйинлар, мажбурий советлаштириш ҳаракатлари натижасида Туркистонда уламолар ва зиёлилар ўртасида зиддият туғилди. Келишмовчиликлар натижасида бориб-бориб халқни ўзига эргаштирувчи кучлар қадимчилар ва жадидарга ажралиб қолдилар. Бу эса большевиклар ўз ҳокимиятларини мустахкамлаб олишлари учун айни муддао эди.

Большевиклар ўлкадаги турли фикр эгаларидан шундай усталик билан фойдаландики, халқ ҳаракати вакиллари “босмачи” ва “Ватан хоинларига” чиқарилди. Уларга қарши жадидлар ва раҳбар кадрлардан фойдаланилди. Халқ бир неча қисмларга бўлиб ташланди, улар бир бирларига қарши чиқиб ўзлари билмаган ҳолда большевикларга хизмат қила бошладилар.

Болшевиклар бундай муваффақиятга эришгандан сўнг бирин-кетин кейинги мақсадларни амалга ошира бошладилар. Кейинги мақсад эса диний мактабларни, вақф мулкларини тугатиш, охирида эса диний эътиқодни халқ онгидан бутунлай ўчириш эди. Жамиятда яна бир тоифа – “худосиз”лар тоифаси шакллантирилди. Зеро, халқ орасида бундай одамлар кўпайса дин ва диндорларнинг таъсири пасайиб одамларни ҳукуматга тобелиги ортиши аниқ эди.

XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмига келиб советлар мамлакатининг ҳокимият бошқарув-идора тизимида ҳам кескин ўзгариш ҳоллари юз берди. Сталин аста-секинлик билан ўзининг якка ҳокимлигини бутун чоралар билан

[3] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. М. Жўраев.- Тошкент Шарқ, 2000. 394-б
[4] Йўдошхўжаев Ҳ,, Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент: Мовороуннаҳр , 2015 -18 б

қарор топтириш ҳаракатида бўлди. 20-йиллар охирларида Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган “Социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик кучайиб боради”, деган ғоя ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг авж олишига олиб келди. Сталин ва унинг атрофидагилар мамлакат ва партия ҳаётига оид ҳар бир масалада ўз иродаси, ҳукмини бошқаларга мажбур этиб, ҳар қандай мухолифатчи қарашларни, уларнинг ташувчиларини маҳв этиб бордилар.

XX асрнинг 20-30 йилларида совет ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий соҳасидаги маъмурий-буйруқбозлик тизимини қарор топтиришга қаратилган кескин ўзгаришлари жамиятда барча табақалар сингари руҳонийларга ҳам катта зарба берди. Диндорлар ва дин аҳилларига қилинган ошкора тажовуз узоқ вақт ўзларини ўнглолмайдиган даражада салбий таъсир қилди.

Ўша йилларда Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти, “Хужум” кампанияси, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ҳамда қулоқлаштириш каби катта ўзгаришлар амалга оширилди. Юқорида таъкидланган жараёнлар давомида маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғинишнинг кучайиши сабабли халқ оммасини узоқ вақт давом этган қуролли қаршилик кўрсатиши ҳаракатини келтириб чиқарган эди. Уламоларни эса “босмачи”ларга кўмаклашгани, уларни яширгани, босмачиликда иштирок этгани, жосуслиги, аксилинқилобий ташкилотларга аъзо бўлгани ва уларга ғоявий раҳнамолик қилгани каби айблар қўйилиб, жазога тортиш оммавий тус олди.[5]

Совет режимининг қатағонларидан миллий зиёлилар, халқ орасида катта нуфузга эга бўлган уламолар энг кўп азият чекди, мислсиз қурбонлар берди. Негаки, бу режим мутасаддилари ўзлари жоҳил кимсалар бўлганлигидан илму маърифат, зиё аҳлини қадрлаш, эъзозлаш эмас, балки уларни хўрлаш, таҳқирлаш, керак бўлса йўқ қилишни ўзларига касб қилиб олгандилар.

[5] Салмонов А. “Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-50-йиллар)”. Диссертация. -Фарғона-2007. 84-85 Б

Шунинг учун Марказнинг ўткир шамшири ва пўлат қалқони ҳисобланган Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ), Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) каби жазо органлари ва уларнинг жаллодлари учун илғор, тараққийпарвар зиёлиларни ҳибсга олиш, уларнинг фаолияти учун йўқ айбларни тўқиб чиқариш, уйдирмаларни "ясаш" ҳеч гап эмас эди. Ўз элини жондан севган, уни куйлаган, бой тарихи, бетакрор маданиятига мурожаат қилиб ундан асар битган, буюк аждодлар номини тилга олган ватанпарвар ижодкорлар, илм-фан аҳли биринчилар қаторида қатлиомга дучор бўлди.

1929 йилда Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳнамолигида миллат равнақи ва истиқлоли йўлида фаолият юритган, халққа зиё таратиб келган "Миллий Иттиҳод" ва "Миллий Истиқлол" ташкилотларининг 87 нафар аъзоси қамоққа олинди ва улар устидан суд уюштирилди. Уларнинг 15 нафари 1931 йилда Москвада отиб ташланди, бошқалари эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди[6]. Бўлар орасида албатта уламолар ҳам кўп эди.

Совет ҳукумати 1937 йил июл ойининг бошларида бўлажак террорнинг юз минглаб қурбонлари тақдирини аниқловчи қарорлар қабул қилинган. Улардан энг муҳими - сиёсий бюронинг 2 июлдаги "Антисовет элементлар тўғрисида"ги қарори бўлиб у "катта террор" даврининг энг кўламли қатағон operatsiясини ўтказиш учун ўзига хос старт эди.

Ана шу қарор асосида НКВДнинг 00447-сонли буйруғи ("қулоқлар тўғрисидаги буйруқ", деб ҳам аталган ўша вақтда) тайёрланган. Унга кўра 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябр ўрталаригача махсус ташкил этилган "учлик"лар камида 800000 кишини қатағон қилганлар, улардан ярмини отувга ҳукм қилганлар. 1937 йил августдан НКВД миллий operatsiялар ўтказиш бўйича яна бир неча буйруғлар қабул қилади. Бу билан 1937-1938 йиллардаги террор қурбонлари миқдори деярли 350 минг кишига кўпайтириб юборилади.

[6] Насруллаев М. (СамДУ) доцент, т.ф.н. (internet maqola)

Архив маълумотларига кўра қирғинга тортилганларнинг аксарияти имом,хўжа,руҳоний, диний хизматчи бўлганлиги аниқланди.

Профессор Р.Т. Шамсутдинов томонидан тайёрланиб нашр этилган “ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ” 5 жилдлик асарларида Ўзбекистон бўйича қатағон домига тортилган 10 минг 800 нафарга яқин кишилар рўйхати ва улар хақида маълумотлар келтирилади. Шулардан 1937-1938 йиллар “катта қирғин” ёки “қулоқлар operatsiяси” даврида қатағон қилинганлар орасида уламоларнинг 1027 нафарининг исм-шарифлари келтирилган.

Шунингдек, “1937-1938-йилларда қатағон қилинган ватандошларимизнинг хотира китоби Андижон вилояти” номли китобида 1727 нафар Андижонда истиқомат қилган қатағон қурбонлари ҳақида маълумотлар келтирган бўлиб, уларнинг орасида 98 нафари имом, руҳоний, эшон, христиан дини хизматчиларинг номи ҳам келтирилган. Афсуски 98 нафар диндорларнинг 43 нафари отувга, 55 нафари эса 8-10 йиллик меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган эди.

Шунингдек, Рустам Шасутддинов “1937-1938 йилларда қатағон қилинган ватандошларимизнинг хотира китоби Самарқанд вилояти” номли китобида Самарқанд вилоятидан 57 та имом, 7 та руҳоний ва 5 та эшоннинг номи, уларнинг жазо ҳукми ва бошқа маълумотлар архив ҳужжатлари асосида келтирилган.

Шуниси даҳшатлики, хали 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағон бошланмай туриб, НКВД органлари яқин келажакда қамоққа олинадиган кишилар рўйхатини тузишга киришган. Агар 11 жилдни ташкил этган бу рўйҳатларнинг биринчиси 1937 йил 27 февралда тасдиқланган бўлса, энг охиргиси ВКП(б) сиёсий бюроси аъзолари томонидан 1938 йил 29 сентябрда имзоланган. Яна иккита рўйхат борки, улар 1936 йилда тузилган бўсада, 1937 йилги рўйхатлар орасига тиркаб қўйилган. Бинобарин “катта қирғин” сиёсатини амалга ошириш ғояси сиёсий бюро ва унинг раҳбари Сталинда 1936 йилдаёқ пайдо бўлган.

Фақат 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида “Учлик” қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганлардан 3083 маҳбусдан 1688 киши отувга, 1369 киши 8-10 йил меҳнат тузатув лагерига (сургун қилиш шарти билан), 36 нафари қамоқдан озод қилишга ҳукм қилинган.

Унинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: диний хизматчилар (имом, эшон, домла ва бошқалар) 437 киши, шунингдек, ҳунармандлар, аравакашлар, қоровуллар, сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, хазиначилар, қассоблар, даллоллар ва бошқалар бўлган.

Партиявий жиҳатдан эса улардан 20 нафари собиқ “Шўрои ислом”чи, 91 нафари собиқ “Миллий иттиҳод”чи, 4 нафари “Иттиҳодий ва тараққий”чи, 5 нафари Мусавватчи, 2 нафари собиқ “Турон” аъзоси, партиясизлар эса 2866 кишидан иборат бўлган.

Қатағон қурбонларидан 454 нафари аввалда “босмачилик” ҳаракатида, иштирок этганлар. Ана шундай ҳолатни 1938 йилда қатағон қилинганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин[7].

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, большевиклар ўз ҳокимликларини бир оз мустаҳкамлаб олгач тўғридан-тўғри динга қарши тарғиботни бошлади. Лекин халқни ҳукуматга қарши кўтарилишга ундайдиган бирдан-бир куч бу дин эканлигини ҳисобга олиб, аввал масжидлар, мадраслар ёпилди ва вақаф мулкари мусодара қилинди. Бир қанча муваффақиятга эришгандан кейин атеистик сиёсатга урғу берилди ва ниҳоят катта қирғин амалга оширилди. Ушбу қирғин даврида уламоларга, имомлар, эшон, руҳонийлар ҳамда озгина бўлсада диндан хабардор халқ вакиллари алоҳида нишонга олинди. Иймони суст, эътиқоди бақувват бўлмаган одамларни тарбиялаб уларни бошқариш осонлигини советлар жуда яхши билар эди.

[7] M. Rustamova O‘zbekistonda sovet hokimiyatining diniy ulamolarga nisbatan yuritgan qatag‘on siyosati (1920-1930 yillar)

“Катта қирғин” ҳеч кимга раҳм-шавқат қилмади, у миллат танламади, ҳудуд танламади. Советларнинг қонхўр машинаси эса то СССР таназзулга учрагунга қадар янги қурбонлар билан янгича усул ва янгича кўринишларда шиддат билан ишлаб турди. Уларнинг “айби” совет тузумининг ўлкада олиб бораётган сиёсатига, ерли халққа нисбатан қўлланилаётган адолатсиз махаллий шароитларга мос келмайдиган советлар қонунларига қарши бўлиб, диний эркинлик, мустақилликни талаб қилган кишилар эди. Табиийки уларнинг бу хақли талаблари совет хокимиятига ёқмас эди. Шу боисдан ҳам улар 1937-1938 йиллар оммавий қатлиомнинг қурбонига айландилар.

ҚАТАҒОНГА ТЕНГ “САФАРБАРЛИК”

Хуршид Қурбонов,
Навоий давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент.

Дунё тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон уруши инсониятга мислсиз йўқотишлар, талофат ва мусибатлар олиб келган.

Айнан ана шу урушда қозонилган ғалабада ўзбекистонликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Шу жумладан, фронт ортида ва айниқса 1942-1944 йилларда Урал ҳудудларидаги саноат корхоналарида оғир ва ноинсоний шароитларда фаолият қилган “меҳнат армиячилари”нинг ўрни алоҳида.

Иттифоқ Давлат Мудофаа Қўмитасининг (ДМҚ) 1942 йил 14 октябрдаги №2414-сонли “ўта маҳфий” қарори билан Ўрта осиёдан 350 минг кишини Урал ҳудудларидаги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарига ишлаш учун сафарбар этилган. Улар орасида 150 минг киши Ўзбекистондан бўлиб, Урал ҳудудларидаги ўнлаб вилоятлардаги 15 та Халқ комиссарлигига қарашли

бўлган 111 та[8] ишлаб чиқариш объектларига оғир меҳнатга сафарбар қилинган.

Ушбу масалани таҳлил қилишда Россия Федератsiясининг Давлат архиви (ГАРФ), Россия Федератsiясининг ижтимоий-сиёсий тарихи Давлат архиви (РГАСПИ), Челябинск вилояти бирлашган Давлат архиви (ОГАЧО), Оренбург вилоятининг Янги тарихи марказий хужжатлар архиви (ЦДНИОО) ва бошқа манбалардан фойдаланилди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи меҳнат армиячилари Уралга етиб борганларидан сўнг ишлаб чиқариш ва қурилиш объектларига тақсимланганлар. Улар миллий сафарбарлик нуқтаи назаридан бригада, участка, отряд (колонна) таркибий бўлинма сифатида тақсимланган. Меҳнат армиячиларининг фаолияти умумий тенгликда ташкил қилинган бўлса-да, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарда меҳнат шароитлари турлича бўлган. Улар асосан Челябинск металлургия заводи қурилиши № 5 – сон қурилиш отряди таркибига киритилганлар[9].

Қурилиш бошқармаси ва отряд раҳбарлигига ИИХКнинг ГУЛАГ тизими ходимлари, яъни “лагерь иш тажрибасига эга бўлган энг яхши махсус ходим (чекист)”[10] тайинланган. Шахсий таркиб билан олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар сиёсий қисм бўйича инспектор, ИИХК тизимида мазкур тизим ходими, яъни “сиёсий ташаббускор” (политрук - русча) жавобгар бўлган. 1943 йилнинг баҳоридан “политрук” лавозими бекор қилиниб, “қурилиш отрядининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари” лавозими жорий қилинган.

“Челябметаллургстрой” қурилиш бошқармасининг қурилиш отрядларида мазкур лавозимларга қоида тариқасида “давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти” унвонидаги ИИХК офицерлари, ходимлари тайинланган[11]. Отряд штатида бошлиқнинг маиший хизмат бўйича ўринбосари ва комендант

[8] ГАРФ (Россия Федерациясининг Давлат архиви). 9517-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд. 28-31-варақлар.
[9] ОГАЧО. Р-1619-фонд, 1-рўйхат, 133-йиғма жилд, 56, 110-варақлар.
[10] ГАРФ. Р-9414-фонд, 1-рўйхат, 1157-йиғма жилд, 2, 21-варақлар.
[11] ОГАЧО. Р-1619-фонд, 1-рўйхат, 33а-йиғма жилд, 15, 80-варақлар.

лавозими ҳам бўлган. ИИХК тизимидаги қурилиш отрядларидаги колонналар сони ишлаб чиқариш объектларидаги топшириқлар ҳажми, бажариш муддати ва заруриятига қараб ўзгариб турган. Шунингдек, Ишга туширилаётган объектларда банд бўлган лагер аҳолисининг сони ошиши билан отрядлар сони ҳам кўпайган.

1941 йилнинг охирида ишчи колонналари Челябинск вилоятига “меҳнат армиячилари” сифатида мажбурий меҳнаткашлар бўлиб етиб боришган. Ўша вақтда немис миллатига мансуб кишилардан бутланган ва ИИХК тизимида фаолият юритган барча қурилиш батальонлари ишчи колонналари этиб қайта ташкил этилган. Челябинск шаҳрига ишчилардан иборат №779-сонли, Златоуст шаҳрига №483, №776, №793-сонли, Чебаркўл қўрғонига №765-сонли қурилиш колонналари жойлаштирилган[12].

Улар иш ҳажми нисбатан кўп ва бирламчи бўлган бўлган махсус қурилиш-монтаж қисм, қора ва рангли металлургия, кўмир саноати, машинасозлик ва бошқа халқ комиссариатларининг объектларини бунёд қилиш ишларига банд қилинган. Айниқса, саноатнинг қора металлургия халқ комиссариатининг металлургия заводи ва труба ишлаб чиқариш заводи, танк саноати халқ комиссариати тасарруфидаги Киров заводи, электростанциялар халқ комиссариати тасарруфидаги Челябинск иссиқлик электр маркази ва бошқалар фаолиятини жонлантириш муҳим аҳамият касб этган. Шу жумладан, Ўрта осиё меҳнат армиячиларидан иборат бўлган №54-бригада Челябинск металлургия заводи қурилишида том ёпиш ишларида банд бўлган.

1942 йилнинг охирида Челябинскдаги Киров заводига етиб борган “меҳнат армиячилари”нинг бир қисми танк саноатида ишлаб бошлаганлар. Колонна ишчилари таркибий жиҳатдан “Ишчи колонналари бўлими” таркибига кирган ва заводнинг мустақил тезкор бирлиги сифатида фаолият юритган[13]. Киров заводининг мазкур бўлинмаси ишчи колоннаси

[12] ОГАЧО. П-288-фонд, 4-рўйхат, 322-йиғма жилд, 28, 34-варақлар.
[13] ОГАЧО. Р-792-фонд, 5-рўйхат, 46-йиғма жилд, 77-варақ.

структурасининг 1942 йил 5 июндаги штатлар жадвали асосида тўртта отряд, етти-тўққизта ишчи бригада ва раҳбарлардан иборат бўлган. Бундан ташқари колонна штатида котиб, хат ташувчи, кунлик навбатчи, айрим ҳолларда санитар ҳам бўлган.

1943 йил охири – 1944 йилнинг бошида Челябинск металлқурилиш бошқармаси таркибидаги "Челяблаг"[14] меҳнат армиячилари тузатув лагери (МАТЛ)даги қурилиш отряди умумий 3000 кишидан иборат 8 колоннага эга бўлиб, улар "биринчи шахсий таркиб (штат - русчада)" тоифасига киритилган. Уларнинг 34 нафари раҳбарият ва 42 нафари эса мазкур бўлинма касалхонаси ходимлари бўлган. №6-сон қурилиш отряди ҳам ушбу тоифага кирган. "Иккинчи штат" тоифаси қурилиш отряди уч колоннадан иборат бўлиб умумий сони 1500-2000 киши атрофида бўлган. Жумладан №3 - ва №12 - отрядларнинг ҳар бирида иккитадан, №2 - қурилиш отряди учта колоннадан иборат бўлган.

3000-5000 киши таркибида бўлган тўрт-саккизта колоннали қурилиш отряди "бешинчи штат" тоифасига кирган. 1944 йил бошларида Челябинск металлургия заводи қурилишида биринчи навбатда кокс ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган бўлиб, ушбу объектдаги ишларни "Челябметаллургстрой" қурилиш бошқармаси таркибидаги "Коксострой" бошқармасининг "бешинчи штат" тоифасидаги №15 - отряд амалга оширган. Ишга тушириш вақтида отряддаги колонналар сони учтадан олтитага, кишиларнинг умумий сони эса: 1 нафар отряд бошлиғи ва 32 нафар раҳбарлар билан бирга, жами 3000 нафар ишчидан, шунингдек отряд касалхонасида 42 нафар тиббий ходим ҳам бўлган[15]. №7 - қурилиш отряди ҳам шу тоифада бўлиб таркибида бўлиб, 10 та колоннада ишчилар ва 47 нафар касалхона ходимлари фаолият олиб борган. Колонналар ишчи бригадаларидан,

[14] "Челяблаг" – 1943 йил 1 январдан расмий ташкил қилинган меҳнат-тузатув лагери бўлиб, у ердаги маҳбуслар қурилиш отрядларида ишлатилган ва лагер тартиб-қоидалари асосида фаолият олиб борган.
[15] ОГАЧО. Р-1619-фонд, 2-рўйхат, 23-йиғма жилд, 154-варақ.

бригадалар эса ер қазувчилар, дурадгорлар, бетончилар каби касб ишчиларидан ташкил топган. Бригадалар 35-100 кишидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш ва қурилишдаги энг кичик таркибий бирлик ҳисобланган[16].

Ўрта Осиё ҳарбий округи (ЎОҲО) меҳнат армиячилари бригадалари нафақат ишчи касблари бўйича, балки миллий тоифа бўйича ҳам тақсимланиб, бу ҳолат аксарият ўрта осиёлик аҳолига тааллуқли бўлган. Бригада бошлиғи (бригадир) лавозимига ўз касбини яхши билган, ишлаб чиқаришда тажрибаси бор ва рус тилини биладиган ходимлар тайинланган. У аниқ вазифалар тақсимотини бажарилишини бевосита назорат қилган ва иш куни охирида бригада бўйича топшириқ бажариш фоизларини расмийлаштирган. Жанубий Уралнинг ишлаб чиқариш ва қурилиш объектларида ЎОҲО меҳнатармиячилари сонининг қисқариши билан миллий ишлаб чиқариш структуралари сони камайиб борган. 1944 январ бошларида меҳнат армиячилари сонининг камайиши билан Челябинск металлургия заводи қурилишдаги биринчи миллий район қайта ташкил этилиб унинг базасида №5 - қурилиш отряди тузилган ва ИИХК “Челяблаг” МАТЛ нинг биринчи лагерь участкасида жойлаштирилган. №5 - қурилиш отрядининг бошлиғи этиб биринчи миллий районнинг собиқ бошлиғи давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Камаев тайинланган.[17]

1944 йил ўрталарига келиб ишлаб чиқаришда кам миқдорда қолган меҳнат армиячилари миллий тоифаларсиз ишчи касблари бўйича умумий ишлаб чиқариш тузилмалари бўйича: бригадалар, участкалар ва бошқа таркибга киритилганлар. Бу вақтга келиб №5 - қурилиш отряди мустақил лагер бўлинмаси сифатида тугатилган ва қолган 989 нафар ўзбекистонлик ишчилар бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари таркибига ўтказилган. Қурилиш отрядининг барча турар-жой ва коммунал-маиший хизмат фонди “Челябметаллургстрой” қурилиш бошқармаси раҳбари бошчилик қилган

[16] ГАРФ. Р-9414-фонд, 1-рўйхат, 1157-йиғма жилд, 21-варақ.
[17] ОГАЧО. Р-1619-фонд, 1-рўйхат, 25-йиғма жилд, 22-варақ.

ИИХК №18 - Вермахтнинг ҳарбий асирлари лагерига фойдаланиш учун бериб юборилган. №5 - қурилиш отрядининг собиқ №14 - ошхонаси биноси ва чойхона биноси қурилиш бошқармасида эркин ёлланиб ишловчилар учун уй-жой сифатида фойдаланиши учун бошқарманинг уй-жой-коммунал бўлими балансига ўтказилган.

Ишлаб чиқаришга борган ишчиларни жойлаштиришш ва ишга расмийлаштириш икки-беш кунда бажарилиши ва бу муддатда корхона ёки қурилиш маъмурияти томонидан кўрпа-тўшаклар, махсус кийим бош ва хўжалик анжоймлари билан ўрнатилган меъёр бўйича таъминланиши лозим бўлган. Лекин амалда бу доим ҳам бажарилмаган.

Сафарбар этилган ишчилар меҳнат қилган ишлаб чиқариш ва қурилиш объектларида меҳнат шароитлари ниҳоятда оғир ва ноқулай бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур.

1943 йил май - июль ойларида вилоят соғлиқни сақлаш бўлими комиссиялари томонидан Челябинск вилоятидаги ўн тўртта саноат корхоналарида ўрганиш олиб борилган ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича тавсиялар берилган[18].

Бир қатор корхоналарда, жумладан №701 - Киров заводида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидларга риоя қилинмаган. Ҳаво айланиш тизимининг йўқлиги, ортиқча газларнинг тўпланиб қолиши, ёритиш тизими меъёрий талабларга жавоб бермаслиги натижасида меҳнат армиячилари ўртасида касалланиш ҳолатлари ортган. Шунингдек, “Копейсккўмир” трести ерости шахталарида ёритиш тизимидаги муаммолар туфали кончилар орасида лат ейиш ва майиб-мажруҳ бўлиш ҳолатлари кўпайган.

Саноат ва қурилиш объектларида иш ҳажмининг ва режаларнинг юқорилиги сабабли иш вақти кунига 8 соатдан 10 соатгача, ҳатто айрим

[18] ОГАЧО. Р-1519-фонд, 1-рўйхат, 52-йиғма жилд, 11-варақ.

қурилиш бошқармаларида, масалан чўян-қуюв цехидаги алоҳида ишчи гуруҳлари учун иш куни давомийлиги 15-16 соатни ташкил қилган.

Кузнинг салқин, эрта қишнинг совуқ ва кучли шамоллар билан кириб келиши Жанубий Уралдаги ўрта осиёлик ишчиларнинг аҳволига кучли таъсир кўрсатган. ИИХК ҳамда ЧМҚ раҳбарияти 1943-1944 йилнинг қишки даврида ишчиларнинг яшаши ва ишлаши бир қанча чекловлар белгилаган. Жумладан, 1943 йил 17 октябрда “Музлаб қолишни олдини олишнинг чора - тадбирлари тўғрисида”ги №699-буйруқ қабул қилиниб, унга кўра лагерлардаги ишчиларнинг қишки даврдаги иш вақтининг давомийлиги об-ҳаво ҳароратига қараб белгиланадиган бўлган.

Оғир ер ишлари, бетон, юклаш-тушириш ишлари меҳнат армиячиларидан катта жисмоний чидамлиликни, саломатликни талаб қилган. Бундан ташқари, ишичилар учун “тил” билан боғлиқ муаммо ҳам бўлиб, инсон ҳаёти билан боғлиқ ташвишларга сабаб бўлган эди. Ҳужжатларнинг бирида: “...меҳнат армиячилари орасида тил билмаслик ҳолати станокда ишлаш учун чизмаларни ўқиш, технологиядан фойдаланишда, айниқса жароҳат олиш ва майиб-мажруҳ бўлишга ҳам олиб келган”[19], - деган жумлаларни ўқиш мумкин. Бу каби ҳолатлар деярли барча саноат корхоналарида, жумладан, Киров заводининг оғир, металл қуюв цехларида ҳам кузатилган.

Бу каби бахтсиз ҳодисаларни олдини мақсадида 1943 йилнинг ўрталаридан Челябинск вилояти “Копейсккўмир” трестига қабул қилинган айрим меҳнат армиячилари билан кончилар учун йўл-йўриқлар ва қоидалар юзасидан миллий тилда суҳбатлар ўтказиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Аммо, бу каби тадбирларнинг бироз кеч бошланганлиги сабабли, бу вақтга келиб кўплаб ишчилар ногирон ва ҳатто вафот этиб бўлгандилар. Шу сабабли ишчи касбларига эга бўлмаган меҳнат армиячилари кўпинча касбий ўқувни талаб қилмайдиган ишларга жалб этилган. Жумладан, Магнитогорск

[19] ОГАЧО. П-124-фонд, 1-рўйхат, 359-йиғма жилд, 127-варақ.

металлургия комбинатидаги меҳнат армиячиларининг катта қисми бу каби малакага эга бўлмагани сабабли юк ташувчилар ва ёрдамчи ишчилар сифатида ишлатилган[20].

Кейинчалик, саноат ва хўжалик объектларининг кўплаб раҳбарлари сафарбар қилинган ишчиларни иш жойларида ишлаб чиқариш кўникмалари ва ишчи мутахассисликлари бўйича техник ўқув-курслари ташкил қилинган. Бу каби касбий тайёргарлик эса меҳнат сифати ва самарадорлигини ошишига, яроқсиз маҳсулот миқдори ва меҳнат сарфини пасайишига олиб келди. Режаларнинг сифатли ва ортиғи билан бажарганларга қўшимча нон бериш, асосий patsionга эса қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари туринининг орттириш амалиёти ҳам иш сифатига ижобий таъсир кўрсатган.

1943 йил давомида Кўмир саноати халқ комиссарлиги тасарруфидаги “Челябкўмир” трестига қозоқ, қорақалпоқ, тожик ва ўзбеклар миллатига мансуб ишчилар 903 нафар ишчилар меҳнатидан фойдаланилган.

Жанубий Урал шахталари ва кўмир конларига сафарбар қилинган ишчилар учун режали иш миқдори ҳамда муддатлари белгилаб берилган эди. Жумладан, шахта ишчи касби бўйича ишлашнинг биринчи ойида бир ходимнинг ишлаб бериш амалдаги нормаси 60%, иккинчи ойда 80% - кейинги ойларда 100% га етказиш белгиланган.

Ер остида меҳнат қилиш нафақат билим ва кўникмаларни, балки жисмонан қувват ва соғликни ҳам талаб қилган. Ўрта осиёлик меҳнат армиячилари орасида тўлақонли соғлом бўлганлар етишмаслиги сабабли шахтёрлар орасида ҳар ойлик белгиланган топшириқларни 110-150% бажарадиганлар кам бўлган. Жумладан, 1944 йилнинг февралида “Копейсккўмир” трестининг №201-шахтасида ишловчидан бор-йўғи 6 нафар кишининг меҳнат самарадорлиги 110-140% фоизни, трестдаги уюм итқитувчилар ва кон қазувчиларнинг меҳнат унумдорлиги эса 99,5% фоиздан

[20] ОГАЧО. П-234-фонд, 17-рўйхат, 64-йиғма жилд, 19-варақ.

ошмаган. Бунинг натижасида “Челябкўмир” трести кўмир қазиш бўйича давлат режасини уддалолмаган.

Конларда махсус мутахассислиги бўлмаган электрослесарларнинг етишмаслиги, техник механизмаларнинг ишдан чиқиши ва носозликлари[21], бундан ташқари трестларда ишчи кучининг етишмаслиги ҳам бу ҳолатларга сабаб бўлган. Бу каби ҳолатлар асосан трестнинг №1 ва №22 – сон шахталарида кузатилган.

Бу даврда ишлаб чиқариш режаларини кўмир қатламларида 55,2% фоиз, шахталарда 50,07% фоиз, уюм итқитувчи ва кон қазувчилар эса 38,23% фоизга етказа олганлар, холос.

Ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида ўрта осиёлик ишчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва малака ошириш ишлари ҳам йўлга қўйилган бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими техник ўқувидан ўтказилиб, ишлаб чиқариш билан тўлиқ танишганларидан кейингина цехларга юбориш амалиёти жорий қилинган. жумладан, №701-заводга ишга юборилган ва рус тилини билган ўзбеклар миллатдошлари учун таржимон сифатида, кейинчалик устоз сифатида ўз юртдошларига кўмак берганлар.

Ўрта осиё республикаларидан сафарбар қилинган ишчилар Жанубий Урал ҳудудидаги саноат ва қурилиш объектларида тегишли техник ва хавфсизлик қоидаларини билмасликлари сабабли ишлаш жараёнларида қатор муаммоларга дуч келган эдилар.

Ҳам иқлим, ҳам маиший турмуш, ҳам шароитларнинг ноқулайлиги, бегона юртлардаги оғир ва синовли меҳнат натижасида 350 мингданортиқ ўрта осиёлик, жумладан 150 мингдан ортиқ юртдошларимиз ўтмишнинг не-не зарбаларига бардош беришга мажбур бўлдилар. Фидойи ва заҳматли меҳнатлари туфайли ишлаб чиқариш фақат ва фақат фронтга қаратилди ва

[21] ОГАЧО. П-288-фонд, 8-рўйхат, 122-йиғма жилд, 51, 53-варақлар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган эдилар.

Сафарбар қилинган меҳнат армиячиларининг Жанубий Уралда жойлашиши ва турар-жой масаласи доимий муаммолигича қолган. Қурилиш ва саноат объектларида ишлашга юборилган ишчилар учун маиший шароитлар ва тартиб-қоидалар, уларни қабул қилиш ва жойлаштириш масалалари ДМҚнинг №2414-сон қарорда белгилаб қўйилган эди.

Шунингек, қарорда меҳнат армиячиларини ишчи колонналари сифатида тегишлилиги бўйича халк комиссариатлари масъуллигида ўз вақтида қабул қилиш, кутиб олиш ва жойлаштириш, тегишли маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг меҳнатидан ишлаб чиқариш ҳамда қурилишда фойдаланиш вазифалари юклатилган[22].

Ишчилар ҳар бири 200-250 киши сиғимидаги казарма ҳолатидаги баракларга ёки кўплаб ертўлаларга жойлаштирилган. Ертўлалар ёғочларни жуфтлаштирилган ҳолатида ясалган бўлиб, ёғочлар ораси тупроқ билан тўлирилган бўлиб, ер қаърига 1 – 1,5 метр чуқурликда, ер сатҳида деразали турар-жойлар тайёрланган. Мазкур турар жойларнинг томлари ёғочдан бўлиб, лойсувоқ қилинган тўл қатламидан иборат бўлган. Ертўлаларда яшовчилар сони унинг ҳажмига қараб тақсимланган, аммо ётоқхоналардаги аҳвол ва шароитлар талаб даражасида бўлмаган.

Жумладан, Орскда жойлаштирилган иссиқлик электромаркази қурувчилари ертўлаларга жойлаштирилган бўлиб, ётоқхона ифлос, ҳатто деворлари сувалмаган, ётоқхона биноси қишки мавсумга умуман тайёр бўлмаган. Бундан ташқари бир гуруҳ қурувчилар 1943 йил баҳорига қадар мослштирилмаган подвалларга жойлаштирилган ва кейинчалик эса яшаш шароити бироз яхшироқ бўлган ертўлаларга кўчирилганлар.

[22] ГАСПИ. 644-фонд, 1-рўйхат, 64-йиғма жилд, 39-варақ.

Ўқ-дорилар халқ комиссариатига қарашли 257 - сон заводи маъмурияти 1943 йил баҳорида сафарбар қилинган ўрта осиёлик ишчиларни 60 кишидан тақсимлаб ертўлаларга жойлаштирганлар. Фақатгина кузга келиб завод маъмурияти ишчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш чораларини кўрганлар. Меҳнат армиячилар янги қурилган уйларга кўчирилиб, "....кўрпа-тўшак жилдлари, ички кийимлар билан таъминланиб, улар ҳар ўн кунда алмаштириладиган бўлган. Ертўлалардаги икки қаватли наралар ўрни кроватларга алмаштирилган"[23].

1943 йилнинг ёзида алоқа йўллари халк комиссариати тасарруфидаги 24-сон қурилиш бошқармасига юборилган ишчилар 2 та участкага тақсимланиб, 1-участкадагилар бошқа ишчилар билан бирга учта барак ва иккита ярим ертўлага, 2-сон участкадагилар эса иккита барак ва бешта матоли палаткаларга жойлаштирилганлар.

Шу йилнинг декабрига келиб ушбу корхона таркибига 20-сон қурилиш бошқармасидан 5, 6, 7-сон қурилиш участкалари қўшилган. Бу участкалар темир йўл станциялари атрофида жойлашган бўлиб айримлари матоли палаткаларда, айримлари эса вагонларга жойлашишга мажбур бўлганлар. Ачинарлиси, ўрганишлар натижасида аниқланган маълумотларга қараганда ушбу участкалардаги яратилган шароитлар қониқарсиз топилиб, қаҳратон қишда совуққа чидамсиз матоли палаткаларда яшаётган меҳнат армиячилари учун ҳатто ҳаммом ҳам бўлмаган. Фақатгина ертўлада яшовчилар учун иккита ҳаммом бўлган, холос.

Бунга ўхшаш шароитлар Киров заводининг 5-сон участкасида ҳам кузатилиб, ишчилар жойлаштирилган бараклар ва ертўлалаларда ёқилғи йўқлиги ва ички нобоблиги сабабли қишки даврда иситиш имконияти бўлмаган. Баракларнинг ҳар бири 360 кишига мўлжалланган бўлиб, ертўлалар 120 ҳамда 220 кишига мослаштириб ковланган. Ишчилар икки ярусли ёғоч ва

[23] РГАСПИ. 17-фонд, 122-рўйхат, 50-йиғма жилд, 70-варақ.

ярмиёғоч ўринларда ётишган. Бундай ҳолатлар норозиликлар ва касаллар миқдорининг ортиб боришига сабаб бўлган.

Қора металлургия халқ комиссариатининг Чебаркўл қўрғонидаги 701-сон завод маъмурияти ўз ишчилари яшаши ва дам олишлари учун нисбатан яхши шароит яратишган. 1943 йилнинг апрели таҳлилига кўра, ётоқхоналардаги ишчилар учун 50 та стол, 200 та тоғора, 200 та челак, 50 та сув идишлари, 25 та чойнак ва 50 та кийим илгич билан таъминланган. Шу ернинг ўзида ювиниш учун 15 та қўл-бет ювгич ва душ ускуналари ўрнатилган[24]. Аммо ётоқхона бинолари ва ертўлаллар санитария-гигиена талабларига жавоб бермаган, яъни томидан чакка ўтган, шифт ва деворлари захлаган, баъзи бир ертўлалларнинг полларига грунт сувлари чиқиб қолган эди.

1943 йил “Челябкўмир” трестида объектларида ишга қабул қилинган 903 нафар меҳнат армиячилари умумий ишчилар миқдорининг 65,7 % фоизини ташкил қилган.

Худди шундай оғир шароитлар, “Коркинокўмир”нинг 1-сон кони ва “Коркиншахстрой”нинг 5-сон конида ишлаётган ишчилар ички қисми сувоқ қилинмаган ва печлари йўқ бўлган баракларда истиқомат қилишган. Кончилар ишлаётган 30-сон шахтада ҳатто ичимлик суви бўлмаганлиги натижасида “...одамлар кичик кўлмаклар сувини истеъмол қилган”ликлари манбаларда қайд этилган[25].

Бунинг оқибатида, касаланишлар, ишдан қочиб кетишлар ва ҳатто, ўлим ҳолатлари кузатилган. 1943 йилда “Челябкўмир” трестига ишга ёлланган 2968 нафар ишчининг 2813 нафари, яъни 95 % фоизи иш жойини ташлаб кетган. Қочиб кетган ишчиларнинг аксариятининг тақдири фожиали тугаган. Кўмир ортиш учун тўхтаган бўш вагонларда меҳнат армиячиларининг жасадлари топилган.

[24] ОГАЧО. Р-1659-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 112-варақ.
[25] ОГАЧО. Р-1595-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғма жилд, 14-варақнинг орқа томони.

“Челябинсккўмир” комбинатида ходимлар сонининг камайиши сабаблари (1943 йил 31 декабр ҳолатига)[26]

Кўрсаткичлар/ тоифа	**Келган ишчилар**	**Кетган ишчилар/%**					
		Бўшатилган	**Қочиб кетган**	**Вафот этган**	**Бошқа сабаблар**	**жами**	
						киши	**%**
ЎОҲО м/а	4857	789 (16,25 %)	1075 (22,13 %)	371 (7,64 %)	---	2235	**46,02**
Совет немислари	16866	896 (5,31%)	2456 (14,56 %)	951 (5,64 %)	6255	10558	**62,60**
Жами:	**21723**	**1685**	**3531**	**1322**	**6255**	**12793**	**58,89**

Ушбу миқдорларда меҳнат армиячилари ҳамда немис меҳнат армиячиларига нисбатан фарқларни кўриш мумкин.

Сафарбар этилган ўрта осиёлик ишчиларнинг бир қисми ДМҚ Комиссиясининг тақсимоти бўйича Ички ишлар халқ комиссарлигига қарашли қурилиш ва ишлаб чиқариш объектларига ҳам жўнатилган. 1943 йилнинг май ойида сафарбар қилинган Ўзбекистонлик ишчиларидан 120 нафари ИИХКнинг “Челябметаллургстрой” лагерь ва қурилиш бошқармаси таркибидаги “Доменстрой” қурилиш бошқармасига жўнатилган[27]. “Челяблаг” МАТЛнинг 4-сон лагер участкасида ишловчи Ўрта Осиёликлар махсус бараклар ва ертўлаларга жойлаштирганлар.

Ҳудудида ЎОҲО меҳнат армиячилари яшаган лагер участкаси ИИХК ГУЛАГ (Лагерлар бош бошқарамси) тизимида бўлган. Ҳудуд тиканли симли девор билан ўраб олинган, девор бўйлаб қўриқчи минораси ўрнатилган,

[26] ОГАЧО. П-288-фонд, 8-рўйхат, 261-йиғма жилд, 73-варақнинг орқа томони.
[27] ОГАЧО. Р-1619-фонд, 2-рўйхат, 15-йиғма жилд, 32-варақ.

кириш-чиқиш учун вахта биноси бўлган. Участкани ИИХК ҳарбий қўриқчи аскарлари қўриқлаган.

Ўрта осиёлик ишчилар ишга бориш ва қайтишларида лагернинг бошқа вакиллари, яъни совет немислари, маҳбуслар ва Вермахт ҳарбий асирлари сингари қуролланган аскарлари конвойи кузатувида бўлганлар. Металлургия заводининг қурилиши объектлари қуролланган ҳарбийлар томонидан муҳофаза қилинган ва ишлар икки сменада олиб борилган.

Яшаш жойи ва ишлаб чиқариш ҳудудидан рухсатномасиз якка ҳолда чиқиш нафақат лагер аҳолиси, балки сафарбар қилинган ишчиларига ҳам таъқиқлаган.

Отряд, колонна, бригада каби алоҳида лагер бўлинмалари ва жамоалари, шунингдек колониялар ичида жосуслик тармоғи мавжуд бўлиб, 1944 йилнинг июл ойи маълумотига кўра мазкур тармоқ орқали 97780 та хабар етказилган[28].

Ишдан бўйин товлаш, лагер ёки иш жойидан қочишга уриниш учун "Челяблаг" МАТЛда меҳнат армиячилари ва маҳбуслари учун 5-10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва олий жазо - отувга ҳукми жорий қилинган.

Тергов ишлари 1943 йилнинг кузига қадар Челябинск вилоят суди қошидаги Доимий комиссия омонидан, кейинчалик эса фаолият бошлаган ИИХК қўшинлари Ҳарбий трибунали томонидан олиб борилган ва жазо белгиланган[29].

Корхонадаги усталар, ўнбошилар меҳнат армиячиларининг жисмоний, ахлоқий-руҳий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатганлар. Ишчиларга нисбатан менсимаслик, қўпол муносабатда, ҳатто калтаклаш ҳолатлари кузатилган. Жумладан, Магнитогорск шаҳрининг ишчи қўрғонларида яшовчи ишчилар партия органларига мурожаатларида уларга қилинган қўпол муносабатлар ҳақида таъкидлаганлар. Шунингдек, "Сантехстрой" ва "Магнитстрой" трестининг 5-сон қурилиш бошқармаларида катта бригадир ва ўнбоши ўрта

[28] ГАРФ. Р-9414-фонд, 1-рўйхат, 68-йиғма жилд, 33-варақ.
[29] ОГАЧО. Р-1619-фонд, 2-рўйхат, 15-йиғма жилд, 43-варақ.

осиёлик ишчиларни калтаклаганлиги, “Магнитстрой” трестининг ишчилар қўрғонидаги ётоқхона коменданти ишчиларга нисбатан қўпол муносабатда бўлгани, ҳатто вафот этган ўрта осиёлик ишчиларнинг пулларини ўзига олганлиги, Челябинскда 24-қурилиш взвод командири ишчиларнинг миллий ғурурига тегадиган ҳақоратли сўзларни ишлатганлиги, мазкур бошқарманинг механизатsiялашган колоннаси ўнбошиси сафарбар қилинган ишчини иш вақтида калтаклагани[30] манбаларда акс этган.

“Магнитстрой” трести раҳбарияти 1943 йилнинг ёзига қадар ЎОҲО меҳнат армиячиларини кийим-кечак таъминоти масаласини тўласинчи ҳал эта олмаганларликлари сабабли ишчиларининг бир қисмига пойафзал ва ички кийимлар етишмаган. “Магнитстрой” трестининг 5-сон қурилиш бригадасига юборилган 218 нафар меҳнат армиячиларига атига 127 та ички кийим, 5 та қалин шим, 10 та фуфайка, 25 жуфт пойафзал, 47 та пахтали костюм ажратилган, холос.

Челябинск вилоятидаги саноат корхоналаридаги ҳолат ўрганилганда, 1943 йилнинг ёз ва куз ойларида кўплаб корхоналарда ўзбек, қозоқ ва бошқа миллат ишчиларига моддий-маиший хизмат кўрсатишга хўжалик ва партия раҳбарларининг етарлича эътибор бермаганликлари қайд қилинган.

Ўрта Осиё республикалари ишчиларининг ишлаб чиқариш-маиший шароитларини, озиқ-овқат ва кийим-кечак таъминотини яхшилашга ҳаракат қилинган бўлса-да, таъминотда етишмовчиликлар давом этган.

Жумладан, 1943 йилнинг бошларида Автомобил йўллари халқ комиссарлиги (АЙХК) нинг 24-сон қурилиш бошқармасида ўрта осиёлик ишчиларнинг маиший шароитлари ҳолати ўрганилганда, уларга кийим-кечак таъминотида нохолисликлар бўлганлиги ва аксарият ишчилар махсус кийим ва кўрпа-тўшаклар билан таъминланмаганликлари аниқланган. Шунингдек, 5-сон ишлаб чиқариш участкаси ишчиларининг бир қисми иссиқ кийим ва

[30] ОГАЧО. П-288-фонд. 8-рўйхат, 261-йиғма жилд, 22-варақ, 73-варқнинг орқа томони.

пойафзалга эга бўлмаган, атиги 30% фоиз ишчиларнинг кўрпа-ёстиғи бўлган. Айни зарур кунларда, ишчилар учун 300 жамланма (комплект) ички кийим, иссиқ шим, пинжак ва бир жуфтдан кигизли этик (пийма) лар етишмаган[31].

1943 йилнинг тўртинчи чорагида иссиқ кийим етишмаслиги сабабли 308 киши, касаллик сабабли 451 нафар киши ишга чиқмаган. Бунинг натижасида 24 - сон қурилиш бошлиғи ўринбосарини жазолар мақсадида судга берилган.

Ишчиларнинг моддий, кийим-бош таъминотидаги бу каби ҳолатлар Челябинск вилоятининг бошқа корхоналарида кузатилган. Аммо, ВКП (б) Челябинск вилояти партия қўмитасига берган барча ҳисоботларида меҳнат армиячиларига боғлиқ барча масалалар муваффаққиятли ҳал қилингани тўғрисида маълумотлар бериб борилган. Бу каби ҳолатлар ва ёлғон ахборотлар 1944 йилнинг баҳоригача ҳам кузатилган.

Шунингдек, хужжатларда 5-сон участкадаги ертўлаларда яшовчи 291 нафар ЎОҲО меҳнат армиячиларидан бирортасига ҳам ётиш учун чойшаблар ва кўрпа берилмаган[32]лиги, ўрганишлар натижасида, ишчилардан 400 нафари ҳақиқатда жулдур кийимда (“ички кийимлари йўқ, қўринишидан тўлиқ емирилгани) етарли миқдорда совун билан таъминланмаган ва махсус кийимлар ювилмасдан фойдаланилаётганлиги”[33] аниқланган.

“Челябинсккўмир” комбинатининг 7 - ва 8 - сон шахталарида 992 нафар киши иссиқ пойафзал билан таъминланмаган. Келтирилган 500 жуфт миқдоридаги пойафзал кончиларнинг оёқ кийими таъминоти учун етарли бўлмаган эди[34].

1942-1943 ва 1944 йилларнинг қиш мавсумида, ҳаво ҳароратининг ўта пастлиги, совуқ ва ишлаш учун маиший шароит ва таъминотнинг йўқлиги сабабли ишга чиқмаслик ҳолатлари кўпайган. Меҳнат армиячилар яшаган бараклар ва ертўлаларда кийим ва пойафзал қуритиш хоналари йўқлиги,

[31] ОГАЧО. П-234-фонд, 8-рўйхат, 261-иш, 11, 12, 17-варақлар.
[32] ОГАЧО. П-288-фонд, 8-рўйхат, 261-иш, 92-варақ.
[33] ОГАЧО. П-288-фонд, 42-рўйхат, 23-иш, 335, 336-варақлар.
[34] ОГАЧО. Р-1595-фонд, 1-рўйхат, 55-иш, 31 (орқа томони)-варақ.

исиниш учун ёқилғи келтирилмаганлиги, пойафзал ва кийим етишмаганлиги сабабли цехларда ишлар тўхтаб қолган. Шундай ноинсоний ҳолатлар кузатилган бўлса-да, Челябинскдаги Киров заводи маъмурияти иш қолдирганларга нисбатан жазолаш чораларини кўришни сўраб, судга мурожаат қилиб улгурганлар.

Қурилиш майдонларидаги айрим ҳолатларда ишчиларнинг оёқ яланг ҳолда мажбуран ишлатилган ҳолатлари ҳам кузатилган. Жумладан, Чкалов паровоз таъмирлаш заводида ишчиларнинг кўпчилигида кўрпа-тўшак жилдлари бўлмаган бўлса-да, ғишт терувчи-қурувчиларнинг оёқ кийимлари эскириб, уларга янги пойафзаллар берилмасдан қурилиш майдонларида оёқяланг ишлашга мажбур қилинганлар.

1943 йилнинг ёз, айниқса қиш фасли ойлари давомида Чкалов вилоятининг қурилиш саноат корхоналарининг раҳбарлари ўзларининг назоратида бўлган ётоқхоналардаги ходимларнинг, шу жумладан ЎОҲО меҳнат армиячиларининг маиший шароитларини яхшилаш чораларини тўлиқ ўнгламаганлар, етарли миқдордаги иссиқ кийим ва пойафзал, кўрпа-тўшаклар олиш учун буюртмаларнинг бажарилишини назорат қилмаганлар.

Бундан ташқари, “Коркинокўмир” трестида участка бошлиғи ва “Коркиношахтстрой” 1-сон очиқ конининг сиёсий раҳбари сафарбар қилинган ишчиларни бошқа ишчилар олдида изза қилиб, калтаклаганлари, қўпол ҳатто, шафқатсиз муносабат қилганликлари “...испанларнинг Американи ўзлаштириш вақтида қулларга бўлган муносабатидан ҳам ёмон” бўлганлигини англаш мумкин. Бундай ҳолатлар, Киров заводининг чўян-қуюв цехида, 5 - сон қурилиш отрядида ҳам кузатилган.

Тиббиёт ходимларининг ўрта осиёлик бетоб ва беморларга нисбатан хушмуомала, шафқатли, ғамхўр бўлишлари ўрнига, қўпол муомалада бўлиб, тиббий хизмат кўрсатишдан бош торган ҳолатлари ҳам кузатилган[35].

[35] ОГАЧО. П-288-фонд, 8-рўйхат, 261-йиғма жилд, 68-варақ.

Шундай қилиб, Жанубий Уралнинг саноат ва қурилиш объектларига сафарбар қлинган ўрта осиёлик меҳнат армиячиларини сақланиши шароитлари фақатгина у ёки бу халқ комиссариатига тааллуқлиги билан боғлиқ бўлмаган. Кўп муаммоларнинг ечими маҳаллий ҳокимият органлари, корхона раҳбарлари ва маъмуриятининг имкониятлари ва хоҳишларига боғлиқ эди. Меҳнат армиячиларининг ишлаб чиқаришдаги аҳволини таҳлил қилишга бағишланган партия ҳужжатларининг бирида таъминот масалалари, ишлаб чиқариш фаолиятидаги ва яшашнинг санитария-маиший шароитларидаги муаммолари бўйича қуйидаги хулосага келинган. Яъни, "муаммоларнинг қуйи турувчи алоҳида хўжалик ва партия раҳбарлари томонидан ҳал этилмаслиги бир гуруҳ ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар орасида, нима бўлса ҳам уйга қайтишга интилишлари каби носоғлом кайфиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.... Улар орасида партия-сиёсий ишларининг кучсизлиги бу носоғлом қарашларнинг чуқурлашишига олиб келган ва ишчиларнинг сиёсий-маънавий ҳолати ҳамда ишлаб чиқаришига фавқулодда салбий таъсир қилган"[36] деб қайд этилган.

Умуман олганда сафарбар қилинган ишчиларнинг самарли меҳнатлари ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланмаган ва рағбатлантирилмаган. Оддийгина ишлаш шароитларини яратиш бўйича қанчадан-қанча муаммоларга дуч келган ватандошларимизнинг қисмати шонлидир.

Уларнинг озиқ-овқат таъминоти, кийим-бош таъминоти, тиббий хизмат таъминотидаги етарлича муаммолар орасида юрт соғинчи ва ортга қайтиш қайғусининг кучлилиги маънавий зарарларнинг беҳад эканлигидан далолат беради.

ДМҚ нинг №2414-сонли қарори билан ЎОҲО меҳнат армиячиларини мамлакат иқтисодиёти учун сафарбар қилиш бўйича амалга оширилган ишлари тўлақонли, яъни режа 351 750 нафар кишига бажарилганлиги билан

[36] ОГАЧО. П-234-фонд, 17-рўйхат, 64-йиғма жилд, 17-варақ.

исботланади. Бу ҳолатда 1942-1944 йилларда Урал ва Жунабий Уралдаги саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман миллатиша мансуб кишилар фидокорона меҳнат қилганликларини ва Иккинчи жаҳон уруши ғалабаси учун муносиб ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаш лозим.

1944 йилларнинг ўрталагига келиб меҳнат армиячиларининг сафарбарлиги тўхтатилиши сабаби Ўрта Осиё республикаларининг ўзида янги иқтисодий объектлар, қурилиш майдонларининг кенгайганлиги билан белгиланади.

Умумий хулоса шуки, ўрта осиёлик “меҳнат армиячилари” кўп сонли совет халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабасига, шунингдек ҳарбий даврда ва ундан кейин Уралнинг иқтисодиёти ривожланишига муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Дилнавоз РАҲМАТОВА

Қарши давлат университети тузилмасидаги

Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори

АГАР ЭШИКНИ ИЧКАРИДАН КИМДИР ОЧМАСА...

Мустабид советлар мамлакати қарор топганига қадар юртимиз чоризм исканжасида ярим аср яшади, ундан сўнг шўролар эгалик қилишди. Оқ ва қизил империя деб аталмиш манфур кучлар 130 йил давомида халқимиз бошига не-не қора кунларни солмади?! Абдурауф Фитрат сўзлари билан айтганда, "Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қонади. Еримиз

босилди. Молимиз таланди. Шарафимиз емирилди. Номусимиз ғасб қилинди. Инсонлигимиз оёғлар остига олинди..."[37]

Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти жамоаси томонидан тайёрланган фундаментал асарда: “кейинги 130 йилдан ортиқ давр мобайнида маданиятимиз бошидан кечирган фожиаларни бутун теранлиги билан тасаввур қилиш қийин. Бу тубсиз жарликка ўхшайди. Лекин бу фожиалар ўз тарихчиларини даъват этмоқда, ўз тарихининг ёзилишини талаб қилмоқда”, деб асосли баҳолаб берилган.

Чоризмнинг босиб олинган ерлар халқига қаратилган машъум сиёсати, қабиҳ ишлари 1917 йил октябрь инқилобигача давом этди. Таълим ва маориф тизимини барпо этиш, эскиларни “қайта тарбиялаш” ва социалистик зиёлиларни тайёрлаш, социалистик адабиёт ва санъатни, янги ахлоқ ва дунёқарашни шакллантириш, коммунистик мафкуранинг ҳукмронлигини қарор топтириш оқ империя ўрнига келган қизил империя томонидан амалга оширилган 20-30-йиллардаги “маданий инқилоб”нинг асосий мазмунини ва йўналишларини ташкил этар эди. Бундай сиёсатнинг асосий мақсади совет давлати ва коммунистик партияга содиқ янги инсонни шакллантиришга қаратилганлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди.

Ўша даврдаги ҳукмрон тузумнинг маъмурий буйруқбозлик усулларига, буюк давлатчилик шовинизмига асосланган фаолияти XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистон халқининг юксак маданияти, маънавиятини камситиш ва миллий манфаатларига зид бўлган амалиётни авж олдириш билан боғлиқ бўлди. Бироқ, совет ҳокимияти маҳаллий аҳолининг маданий, маънавий ҳаётида салбий таъсир ўтказганлигига қарамай, энг муҳими, унинг маънавий қадриятлари асосини йўқ қила олмади.

Совет ҳокимияти 1917 йилнинг охиридан маҳаллий аҳоли вакилларини бошқарув тизимига қўймасликни, эски ва усули жадид мактабларини ёпишни,

[37] Мўмин Азизов Зулм ва Бедодлик исканжаси. Қашқадарё газетаси.30.08.2019//http://qashqadaryogz.uz/read/zulm-va-bedodlik-iskanzhasi

миллий зиёлиларни “исломпараст”, “туркпараст”, “миллатчилик” ғоясига берилиб кетган деб ҳисоблаб, уларни синфий табақалаштиришни, ўзининг томонига жалб қилиш амалиётини бошлаб юборган эди. Бу борада биринчи навбатда дин уламоларининг мавқеини заифлаштиришга, уларнинг аҳолига, жамиятга бўлган таъсирини йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўтказа бошлади. 1918 йилдаёқ “Мактабни черковдан ва черковни давлатдан ажратиш тўғрисида”ги декретнинг қабул қилиниши, вақф ерлари ва бошқа мулкларни мусодара этиш, босмахоналар, миллий маданий-маърифий ташкилотлар мулкини давлат мулкига айлантириш авж олди. “Ҳуррият”, “Улуғ Туркистон” газеталари бироз вақт советлар нашр органлари сифатида фаолият кўрсатгач, ёпиб қўйилди. Масжид ва мадрасалар бузиб ташланди ёки бошқа мақсадларда фойдаланилди (омборхона, дўкон).

XX аср 20-йилларининг охирларида Қарши шаҳридаги мадрасалар қамоқхонага айлантирилди. Хусусан, Қаршидаги Одина масжиди 1930 йиллардан то мустақилликка эришилгунга қадар қамоқхона вазифасини ўтаган. 1929-1939 йиллар орасида фақат биргина Қарши шаҳрининг ўзида 105 та масжид ва мадраса фаолияти тўхтатилиб, бинолари бузиб ташланган. Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси ва хонақоси авахтага айлантирилиб, ҳибсга олинганлар аёвсиз қийноқларга солинган. Қиш чилласида мадраса ҳовузининг музини ёриб, бандиларни сувга солиб қийнар эдилар.

Тоталитар тузумнинг ўтмишга қаратилган зарбаси биринчилар қаторида исломга йўналтирилди. Советларгача бўлган даврда ислом халқнинг ахлоқий устунларини сақлашда, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиб келганлиги маълум. 30-йилларда динга қарши террор эълон қилинди. Қувғин ва қатағонларга нафақат дин арбоблари ва мусулмон идоралари ходимлари, балки ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Сўфи Оллоёр каби буюк ислом ҳуқуқшунослари, файласуфлари ҳам дучор қилинди ва уларнинг ижодий мерослари бутунлай тақиқлаб қўйилди.

“Маданий инқилоб” сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири эски зиёлилар фаолиятини чеклаш ва янги социалистик зиёлиларни шакллантириш эди. Большевиклар миллий ватанпарварликни намойиш этаётган ва маҳаллий аҳоли сиёсий фаоллигини оширишда ташаббус кўрсатаётган ўлка зиёлиларини асосий рақиб деб ҳисоблар эди. “Маданий инқилоб” йилларида эски зиёли кадрлар қисман маъмурий усуллар билан совет давлати билан ҳамкорлик қилишга тортилди, қисман хорижга чиқиб кетди, ватанпарвар ва большевикча қарашларга қарши бўлганлари эса қатағон қилинди.

Биргина 1937 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 5758 нафар зиёли: илм-фан намояндалари, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, тил ва адабиёт усталари, педагоглар озодликдан маҳрум қилинди, улардан 4811 таси отиб ташланди. 20-йилларнинг охири - 30-йилларнинг бошларида миллий зиёлиларнинг бир қисми “Ўн саккизлар гуруҳи”, “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик”, “Бадриддиновчилик” ва бошқа “миллий-оғмачилар” гуруҳларига мансуб деб айбланиб, қатағонга учраган эдилар. 30-йиллар охирига келиб эса миллий зиёлиларга қарши қатағон оммавий тус олди. Партия-совет етакчилари қаторида ўқитувчилар, ёзувчилар, ишчилар, олимлар, жамоатчилик раҳбарларининг катта қисми, яъни миллатнинг интеллектуал элита қисми қатағон қилинди. Расмий маълумотларга кўра, 1937-1939 йилларда Ўзбекистонда республика Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги” томонидан 41 мингдан ошиқ одам қамоққа олиниб, жавобгарликка тортилган, шундан 6 минг 920 киши отиб ташланган. Буларнинг барчаси халқни ўзлигини англашдан айиришга қаратилган эди. Энг ачинарлиси, бу қатағонларнинг барчасининг ортида ўзимиздан чиққан баъзи ҳайбаракаллачи, сотқин, ғаламиз кимсалар турди. Қўлингиздаги китобда номлари зикр этилган оташқалб ўғлонларнинг қатағон қурбонига айланишларида айнан ўша кимсаларнинг турли миш-миш ва бўҳтонлари сабаб бўлди. Акс ҳолда, халқимиз таъбири билан айтганда, “Агар ичкаридан кимдир эшикни очмаса, ташқаридан душман киролмас” эди.

Ўша бебурд кимсалар боқадиган қўлларни тишлаб, ўзларини тепадиган этикларни яладилар. Натижада эса халқимиз ўзининг ўн минглаб мард, танти, маърифатпарвар, эркпарвар, ҳур фикрли фарзандларидан айрилди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб қатағон ва қонундан чекинишлар яна бўй кўрсата бошлади. Галдаги қатағонлик тўлқинига нафақат ижод аҳли, балки хўжалик ходимлари ва давлат арбоблари ҳам тортилди. Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибларни тиклаш, партия давлат органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш деган ниқоблар билан Марказдан катта ваколатга эга бўлган масъул ходимларнинг "десант" гуруҳлари кела бошлади. Уларга партия, совет ва суд органларидан муҳим аҳамиятга эга бўлган лавозимлар берилди. Уйдирма, тўқиб чиқарилган "пахта иши" ва "ўзбеклар иши" деб ишларга сиёсий тус берилди. Оқибатда гўёки бутун Ўзбекистон жиноятчилар маконига айланиб қолгандек тасаввур уйғотишга ҳаракат қилинди. Иттифоқнинг Гдлян ва Иванов бошлиқ эмиссарлар гуруҳи республикадаги турли соҳаларда ишлаётган бир неча минглаб раҳбар ходимларни тергов жараёнига тортдилар. Уларга порахўрлик, кўзбўямачилик ва жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидаги айблар қўйилди. Маҳбусларни "ўз айбига иқрор қилиш" учун жисмоний зўравонликлар, руҳий азоблар қўлланилди. Энг ёмони, бунга ҳам ичимиздан чиққан балоларнинг бўҳтонлари муҳим аҳамият касб этди.

Шукурки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг 20-асрда оқ ва қизил империялар томонидан халқимизга қарши амалга оширилган қатағонлар қурбонларининг пок номи тикланди. Меҳнаткаш ўзбек халқининг юзи ёруғ эканлиги асосланди. Мустабид тузум даврида қатағон қилинган шаҳидлар хотирасига бағишлаб Тошкент шаҳрида ўрнатилган ёдгорлик мажмуи бугунги миннатдор авлоднинг аждодларимиз олдидаги чуқур эҳтироми рамзи бўлди.

Эл-юртимиз озодлиги, эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган кўп йиллик машаққатли курашларни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириш,

мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган, инсонийлик шаъни, қадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилди.

Қарши давлат университети қошида ташкил этилган музейимиздан бугунги кунда “Совет давлати қатағон сиёсатининг бошланиши (1926–1936)”, “1937–1938-йиллардаги “Катта қирғин” оқибатлари”, “1940–1950-йилларда Ўзбекистон жанубида амалга оширилган сиёсий қатағонлар”, “1980-йиллардаги қатағон. “Пахта иши” кампанияси” даврида қатағонга учраган юртдошларимизнинг фотосуратлари ва улар ҳақида маълумотлар (таржимаи ҳоли, ҳужжатлари) ҳамда буюмлар ўрин олган. Жамоамиз томонидан юрт тинчлиги учун жонларини аямай курашган ватандошларимиз номини абадийлаштириш мақсадида кенг кўламли изланишлар олиб борилмоқда.

ҚЎҚОНЛИК ЖАДИДЛАР МУАЗЗАМ АЯ ВА ХЎЖАХОН ДОМЛА

Гулистон Давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, Тарих фанлари номзоди, доцент Эрбўтаева Ўғилой

Ахмеджанова Покиза Шавкатовна, ҳозирда Гулистон шаҳридаги Халима Худойбердиева номидаги ижод мактаби раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда. Қарийиб қирқ йиллик меҳнати туфайли, “Халқ таълими аълочиси”, “Халқ таълими фидоийси” нишонлари, “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби.

Покиза Шавкатовнага бу эътиборлар бежизга берилмаган. Бу юксак мукофотлар аждодлари қонидан ўтиб келаётган меърос десак муболаға бўлмайди.

Покиза Шавкатовнанинг ўтмишни эслаб ҳикоя қилишича дадаси Ахмаджонов Шавкатхон ва амакиси Ахмадхонов Фуатхонлар уруш йиллари туфайли ўқий олишмаган ва оғир меҳнат қилишга мажбур бўлишган. Оиласида фақат аммаси Ахмадхонова Рисолатхон қарийиб 50 йил Тошкентдаги мактабларда она тили ва адабиётдан дарс берган, уларнинг қизлари Хожиева Ғолибахон 40 йилдан ортиқ Янгиер шаҳридаги 1-мактабда она тили ва адабиётидан дарс берган. Учинчи авлод сифатида Покиза Ахмаджонова аждодлари изидан бориб таълим-тарбия йўлида ҳизмат қилиб келмоқда.

Асли Марғилонликман, деб ҳикоя қилган муаллима Муаззам ая, 1967 йилнинг ноябр сонидаги Совет Ўзбекистони газетасида берилган мақолада тўрт қиз ва бир ўғил ота-онадан ёш қолдик. Рўзғор тебратиш акамнинг бошига тушди. Мени холам ўз тарбиясига олиб, эски мактабга берди. Бу ерда ўқиган талабалар буйра кигиз пули беришади, пайшанбалик, хафтиякка солиш учун дасурхонлар келтириш мажбур эди. Бизнинг оила эса бунга қодир эмасди. 13 ёшга етганимда Қўқонлик қариндошимиз Аҳмадхон деган ўқимишли киши онамизнинг вафот этганини эшитиб, Марғилондан Қўқонга олиб келди. Умр йулдошим Хўжахон Бешқовоқ маҳалласидаги Салоҳиддни масжидидаги татар мактабида халифа бўлиб ишларди. Мен у кишининг ёрдамида мустақил равишда ўз саводимни чиқардим. Қайинсинглим эски мактабда ўқирди. Мен унинг саводини синаб кўрдим. Бироқ у ҳеч нарсани билмасди, йиғларди, холос. Унга жуда ачиндим, ўшанда мурғак қалбимда муаллима бўлиш орзуси туғилган эди.

Покиза Шавкатовнанинг боболари Хўжахон домла Ахмаджонов инқилоб давригача Қўқондаги жадид мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаган мадрасада мударрислик қилган. Хўжахон домла инқилобдан кейин Қўқондаги

етим ва оиласи ночор болалар учун очилган мактабига раҳбарлик қилган. Бу мактабда Тамарахоним, Ҳалима Носирова каби санъат дарғалари сабоқ олган. Кейинчалик жадид мактабларида ислоҳотлар олиб бориб, дунёвий ҳисобланган астрономия, биология математика, география каби фанларнинг ўқитилиши кераклиги бўйича таклифлар киритишда хизматлари катта бўлганган. Хўжахон домла ва Муаззам аялар турмуш қурганларидан кейин, у кишидан саводхонликни ўрганган. Ўзлари билим олиб бўлгач, қариндош уруғлар, маҳалладошларга қизлар учун очилган жадид мактабида дарс берган. Кейинчалик Қўқондаги илк қизлар жадид мактабига раҳбар этиб тайинланган.

Ўша даврда инқилоб ғалабаси мамлакат халқларини озодликка чиқарди. Туркистон ўлкасининг қишлоқ ва шаҳарларида, шунингдек, Қўқонда ҳам совет мактаблари тузила бошланди. Муаззамхон ая оризқиб кутган кунлар келган бўлса ҳам, кураш ҳамон давом этарди. 1924 йил Рафаил деган бой ҳовлисида 2 та ўзбек қизлар мактаби ташкил этилди. Бу мактабга ҳам муаллима, ҳам раҳбар этиб Муаззамхон ая тайинланди.

1917-йилда Туркистонда 100 га яқин жадидлар мактаби бўлган ва улардаги ўқитиш муллалар ва мусулмон руҳонийлари қаршилигига учраб турган. Аввалбошданоқ бу мактаблар Европа мактабларига яқин ва таълимни ривожлантиришга ёрдам беради деб қаралган, лекин тез орада бундай янги мактаблар омма онгига янгиликлар олиб кираётгани ва ёшларнинг саволлари кўпайиб кетаётгани, жумладан, миллий онг уйғонаётгани фаҳмланган. Бундай жадид мактаблари жуда кўп ижобий натижаларга эришаётган эди. Албатта, аҳоли аста-секин ота-она савод чиқариш учун фарзандини 40 кун ўқитиши кераклигини тушуна бошлади, оддий мактабда эса бола 10 йил ўтиради, мадрасада эса 10-15 йил ўқийди ва фақат Қуръонни ёд олади.

Эски усул мактабларида хивич билан савалаш тизими мавжуд эди. Албатта, улар айни мактабларни устувор аҳамият бериши зарур бўлган муассаса деб тушунган, жадидлар ҳаракатини кенг миқёсли бўлган дейиш хатодан бошқа нарса эмас, чунки аҳолининг аксарият қисми мусулмон

руҳонийлари таъсирида бўлган, жадид мактабларида тафаккури ривожланган ва бу мактабларнинг истиқболини тушунган кишиларнинг фарзандлари таълим олган. Жадидлар мактабларини Европа мактабларига бевосита ўхшаш бўлган, дейиш қийин, лекин уларда ўша мактабларнинг дастлабки намуналари бор эди. Биринчидан, улар парталар билан жиҳозланган, бу мактаблардаги болалар мусулмон мактабларидаги сингари ерда ўтирмаган ва ўқитувчилар уларнинг боши устида калтак ўйнатиб турмаган. Жадид мактабларида китоблар, кейинчалик эса хариталар ёрдамида машғулотлар ўтказилган.

Жадидлар одамлар онгида ўзига хос ўзгариш ясашнинг уддасидан чиқа билди. Жамиятни ўзгартириш концепциясини ярата олди ва концепция барча масалаларни қамраб олди ҳамда таълимнинг янги шаклларини яратди. Улар кичик кўринишда бўлса ҳам бутунлай янги маданият яратди. Қизлар учун ташкил этилган жадид мактаблари одамлар онгида аёлларга нисбатан кичик бўлса-да, ўзгариш ясай билди.

Пири-бадавлат, ували-жували хонадоннинг бошлиқлари 85 ёшли Хўжахон ота ва 73 ёшли Муаззам аялар хонадонига қўни-қўшни ва маҳалладошлар бот-бот келишиб, қўша қариган нуроний отахон ва онахонни зиёрат қилиб кетишарди. Уларнинг ҳаёт йўли билан танишар экансиз чиндан ҳам Хўжахон ота ва Муаззам аялар бундай ҳурматга лойиқ кишилар эканликларига қатъий ишонч ҳосил қиласиз. Ота-онадан тўрт ўғил ва бир қиз етим қолган фарзандларни холаси ўз қарамоғига олган. Қамбағал яшаган холасининг уларни ўқитишга қурби етмаган. Қариндошларидан бири уни 13 ёшида Марғилондан Қўқонга олиб кетган. Қизчанинг ўқиш, ёзишга чанқоқлиги, зеҳни тийранлигини кўрган Аҳмадхон ака уни “Бешқовоқ” маҳалласидаги татар мактабида халифалик қилаётган ўғли Хўжахон домлага ўқишга топширади. Иболи андишали бу қизни Аҳмадхон ака ўғли Хўжахонга олиб беради. 1909-йилда ўз ҳовлисидан очилган қизлар мактабида “Ҳафтияк” эмас балки Абдулла тўқай тузган “Муаллим аввал”, “Муаллим соний”, “Устод аввал” дарсликлари ўқитди. Бу китоблар алифбенинг илк намуналари эди.

Янги усул мактабининг довруғи Қўқоннинг бошқа маҳаллаларига ҳам тарқалди. Қуръондан бошқа нарсани ўргатмайдиган эски мактаб талабалари бу ерга илм истаб келишарди.

Ҳозир ҳаммамиз ўрганиб қолган парталарнинг илк намунаси ҳам шу мактабда дунёга келган. Бу мактабда ўқиш учун “Мисгарлик”, “Ёғ бозори” ва “Арғамчи” маҳаллаларидаги қизлар ҳам кела бошлаган. Таниқли журналист Собира Холдорова, қўшиқчи Ҳалима Носировалар ҳам илк ҳарфларни Муаззам аядан ўрганишди. Ўша вақтда қоғоз ўрнига тош тахта, тош қалам ишлатишни Хўжахон ота ва Муаззам аялар биринчи бўлиб амалда қўллашган.

Аввал қайнотасининг ташқи ҳовлисида мактаб очиб, кейинчалик ўз ҳовлисида ўқитувчилик қилган. Бундан дарғазаб бўлган қайнонам мени бир неча марта уйдан хайдамоқчи бўлган. Боз устига “Отин”лар рашк қилишиб, фнтна-иғволар уюштирган. Ўша даврдаги шу маҳаллада яшаган Холиқжон қози “Бул ўқитувчилар мусулмон динидан қайтибдурлар улар бандаликни бажо келтирганида мусулмон мозорига қўйилмасун” деб фатво чиқарган.

Дин тақводорлари, босмачилар машғулот устига бостириб кириб, ўқувчи ва муаллимни калтаклаш бир неча бор такрорланарди. Кўршерматнинг ўзи бир неча бор дағдаға солиб келган, лекин ҳеч қандай дўқ-пўписа маърифат тарқатувчиларни ниятидан қайтаролмади. Октябрь инқилобидан сўнг хусусий мактаблар ўрнига янги услубдаги мактаблар келди. Муаззам аянинг мактаби асосида олтинчи синфгача бўлган янги мактабга асос солинди. Маърифатпарвар бу оила ҳар соҳада халққа йўл кўрсатиб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Ер-сув ислоҳоти, паранжини ташлаш, хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга қатнаштириш сингари ҳаракатларда фаол иштирок этишда намуна бўлди. Советларнинг “Ҳужум” кампанияси даврида муаллима ая биринчилар қатори 1926-йилларда паранжи-чачвонни улоқтирди.

Хўжахон домла ва Муаззам аялар маърифатпарвар инсонлар сифатида жадидчилик харакатида фаол иштирок этиб, халқнинг маърифатли

бўлиши йўлида иш олиб боришган. Халқнинг илғор кишилари қаторида уларга ҳам янги ҳукумат одамлари томонидан тайзиқлар бошланган. Хўжахон домлани бир неча бор НКВД ходимлари олиб кетиб, қийноқларга солган ҳолда сўроқ қилишган. Айб тополмагач, мачитларда, чойхоналарда одамлардан гап йиғиб, ким нима ҳақида гапираётганлигини етказиб турасан деган тайзиқларни қилишган. Хўжахон домла бундай шармандаликдан бош тортганликлари учун, кўплаб тўсиқлар ва тайзиқларга дучор бўлган.

Шундай жадид маърифатпарвардан бири 1877–йилда Қўқоннинг "Эски аравабозор" маҳалласида туғилган, 1901-йилда Қўқоннинг "Қаландархона" маҳалласида янги усул мактабига асос солган, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Боту, Элбек, Абдулла Раҳматзода, Шариф Ризо, Саидсултон Сайдалиев, Ашурали Зоҳирийларни ўз атрофига жипслаштирган Фарғона ўлка халқ маорифи шуъбасининг мудири, ўлка ҳарбий-инқилобий кенгашининг раиси, ажойиб маърифатпарвар ва инқилобчи Маҳмудхон Аҳмадхонов ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар билан дўстона ҳамкорликда фаолият олиб борган ҳамда ўтган асрнинг бошида шаҳарнинг қалдирғоч маърифатпарварларидан бири Абдуваҳобжон домла Ибодиев эди. Уни ғайрати ва ташаббуси билан ташкил этилган дастлабки янги услуб мактабининг ибтидоси "Мактабивахия" негизида кейинчалик, яъни 1914 йилга келиб "Урфон" мактаби очилди ва унда Ҳамза, Маҳмудхон Аҳмадхонов, Муҳаммаджон Холиқий, Носир Махсим Муҳаммадиев ва бошқалар очган янги услуб мактабларига қараганда анча илғорлиги билан ажралиб турарди. 1919 йили халқ маорифи шўъбасининг қарорига мувофиқ "Урфон" мактаби биринчи намуна сифатида ўзбек мактабига айлантирилган, унга Абдуваҳоб домла Ибодиев мудир ва етакчи ўқитувчи қилиб тайинланган.

Хўжахон домланинг ана шундай энг яқин дўсти, маслакдоши, маърифатпарвар жадид Абдувахоб Ибодиев 1937 йил 10–сентябрда "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси сифатида қамоққа олинади. Жаъзо муддати 1937 йил 17 ноябридан ҳисоблансин деб қарор қилинади. Абдувахоб Ибодиев икки

кишининг кўрсатмаси билан “учлик” томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукум қилинганидан сўнг, Хўжахон домлани ҳам “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси, шунингдек аксилинқилобий ташвиқотлар олиб борганликда айблайдилар.

Инсон руҳига кучли таъсир кўрсатувчи ана шундай ҳолатлардан ва оиласи хавфсизлигини ўйлаган Хўжахон домлани НКВД ходимлари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортса, оила аъзоларига тазйиқ ўтказиш билан қўрқитилган. Бундай дўқ-пўписалар унинг аксилинқилобий фаолиятини тасдиқлашга қаратилган эди. Даҳшатли тузум бундай ваҳшийлик билан ҳам чекланган эмас. Бундай асоссиз айбловлар ўша даврда одат тусига айланган эди. Ана шундай асоссиз айбловлар ва туҳматлардан қутулиш мақсадида Хўжахон домла оиласи ва барча қариндош уруғлари билан яширинча Тошкентга кетишга аҳд қилади ва 1937-йилнинг кузида Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасига кўчиб келади. Йиллар давомида Хўжахон домла ва Муаззам аялар Қўйлиқ мактабларда дарс беришган ҳамда раҳбарлик лавозимларида ишлаган. У 1967 йилгача Оқ уйдаги 14-мактабда ишлаб, ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшди.

Улуғ Ватан уруши йилларига қадар 5, 8, 15-мактабларда бошлағич синфларга дарс берди, илмий бўлим мудири ва директор лавозимларида ишлади. Хўжахон домла ва Муаззам аянинг икки фарзанди Ахмадхонов Рашодхон ва Ахмадхонов Жаводхон 2-жаҳон урушининг Белоруссия фронтларида ҳалок бўлишган. Улар Москвадаги МГУнинг математика йўналишида ўқишган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида эвакуatsiя қилинган гўдаклардан икки ярим ёшли Элла исмли қизчани ўз қарамоғига олди. Кўп йиллик меҳнатлари қадрланиб “Шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун” медаллари хамда Ленин ордени билан тақдирланди. Ёш авлодга билим беришдаги беқиёс хизматлари учун Муаззам Тўражоновага 1939 йили 23-декабрда Йўлдош Охунбобоевнинг имзоси билан “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони берилди. Орадан икки ой ўтиб

худди шундай унвон Хўжахон ота ҳам тақдирланган. Ўзларининг шонли меҳнат ҳаётларида ёрқин из қолдириб, маърифатпарвар инсонлар Хўжахон домла 1969-йилда, Муаззам ая эса 1973-йилда вафот этган.

Биз юқорида бутун умрини қалб қўрини шижоатини, бор билимини муаллимлик касбига бағишлаган, маърифат курашчиси Қўқонда биринчи қизлар жадид мактаби очиб, хотин-қизларни ўқитган Муаззамхон ая Тўражонованинг босиб ўтган йўлини ҳикоя қилдик.

Ўтган асрнинг бошларида Муаззамхон ая Тўражонова каби юртпарвар, миллатпарвар момоларимиз „жадидчилик“, яъни, янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиқдилар. Бу улуғ зотларнинг мақсади жаҳолат ва қолоқлик гирдобида қолиб келаётган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат эди. Жадидлар томонидан ташкил этилган янги усулдаги мактаблар, Туркистон халқини неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотди, миллий озодлик ҳаракати учун беқиёс куч берди.

Шўролар даври сиёсати янгича шаклда давом эттирилгани маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади. Лекин уларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қонида, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамоқда. Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон“ ғояси замирида ана шундай улуғ аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда учинчи ренесанс даврига асос солган аллома ота-боболаримиз ва момоларимизнинг орзу-интилишлари ва армонлари мужассамдир.

XIX аср охири XX аср бошларида тарих силсиласида рўй берган жадидлар ҳаракати мамлакатимиз ҳаётидаги, давлатчилигимиз тараққиётидаги таълим, ил-фан ва маданиятимиз ривожи йўлида олиб борган

саъй-ҳаракатлари Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини яратишимиз учун ҳамда учинчи ренесанс даврини бунёд этишимиз борасидаги янги пойдевор асосини қуриб берди. Ҳозирги ёшларимиз келажак пойдеворини бунёд этиш борасида жадид боболаримиз ва момоларимиз ҳаёти ҳамда фаолиятини чуқурроқ ўрганиб, биз бугун барпо этаётган инсон капитали, илм-фан, инноватsiя шунингдек янги кашфиётлар яратмоғи, ўзбек номини яна бир бор дунёга таратмоғи лозим.

ЖИЗЗАХЛИК МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

Бахтигул Эргашева
А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори

Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: - “Жиззах деганда аввало Зарафшон воҳасида жойлашган, ўзининг гўзал ва бетакрор табиати, қадимий тарихи, сервиқор тоғлари, бепоён дашту далалари, энг муҳими, оққўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлари билан одамни ўзига мафтун этадиган бир диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади.”

Жиззах шаҳри Буюк Ипак йўли чорраҳасида, табиий ресурсларга бой, деҳқончилик ва чорвачиликга қулай ҳудудда, Нурота ва Туркистон тоғларини ажратиб турувчи, кенглиги 120-130 метрга тўғри келувчи Илонўтди (Темур дарвозаси) дарасининг шимолий қисмида Сангзор водийсида шаклланган қадимий шаҳардир.

1916 йилги “Жиззах қўзғолони”да бошчилик қилган Назирхўжа Абдусаломов, Зиёқори Абдуллаев, Муҳаммадраҳим Абдураҳимов, Комил қори Бобожонов, Абдураҳмон жевачи Абдужабборов, Исмоил

Рўзимуҳаммедов, Нуриддин ҳожи Маьруфхўжаев, Муҳаммадхўжа Ҳамроев каби ватанпарвар инсонлар юрт учун курашганлар.Тошкент шаҳри Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги марказига айлантирилиб, галдаги босқин Бухоро амирлигининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Жиззах беклигини босиб олишга қаратилган эди. М.Черняев қўшинлари 1865 йилнинг феврал ойида Мирзачўл бўйлаб Жиззахга йўл олди. Босқинчилар шаҳар химоячилари томонидан қаттиқ зарбага учрайди. Икки ўртада бўлиб ўтган жангда босқинчилардан 8 киши ўлдирилади, 19 киши жароҳатланади. Жиззах ҳимоячиларидан эса юздан ортиқ киши ҳалок бўлади.[38]

Шунга қарамасдан мустамлакачиликнинг дастлабки йилларида Жиззах музофотида халқ таьлими ривожланган. Аҳолининг илм фанни ўрганишга қизиқиши кучли бўлган. 1880-1888 йилларда 20 га яқин эски мактаб ва масжидларда бошланғич таьлим билимлари берилган. Унда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва ҳаттотлик касблари ўрганилган. “Совунгарлик” маҳалласида Очил қори, Бурхон қори, Эгамберди домла, Мулла Тошпўлат домла, “Ўратепалик” маҳалласида Мирзо Содиқ, Зиё Қорилар ёшларга мусулмончилик ҳуқуқи, шариат қонунчилигидан таьлим берган.[39]

Жиззахда дастлаб 1910 йилдан янги усул мактабини очган тараққийпарвар Мирзиё қори Мирабдулла ўғли бўлиб, янги усул мактабини Жиззахнинг от бозори яқинидаги масжидда очади. Бу ўқитиш усули бироз таъқибга учрайди. Ўқитишни ўз уйида олиб боради. Мирзиё қори Самарқандда янги усул мактабини очган Абдулқодир Шакурий, Сиддиқий, Азжий билан яқин алоқада бўлиб тургани боис улар ёрдами билан тилга оид китоб чоп қилишган.

[38] Ҳамид Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва зўравонлигига қарши кураш.-Т. “Шарқ,” 1998, 218-бет.
[39] Шарипов Б, Пардаев А. Маьрифат маскани. Жиззах, 1987,5-6 бет.



Нуриддин хожи Маъруфхўжаев

Асли жиззахлик Шайх Нуриддин ҳожи Маъруфхўжаев “Тошкентлик” маҳалласида (1850-1916) таввалуд топган. Ёшлигидан билимга чанқоқ Нуриддин Бухоро мадрасасида 15 йил таҳсил олиб, Қуръони Каримни, ислом дини фалсафаси, мусулмончиликнинг ҳуқуқлари, шариат қонунчилиги ва дунёвий фанлардан пухта билим олган. Араб ва форс тилларини қунт билан ўрганган. У Жиззахнинг кўзга кўринган уламолари, янги усул жадид мактабларидан “Совунгарлик” маҳалласидаги Мулла Ҳусан домла, Очил қори, Мулла Эгамберди, Мулла Тошпўлат домла, “Ўратепалик” маҳалласидан Мирзо Содиқ, Зиё қори, “Тошкентлик” маҳалласидан Муҳаммад қори, Садриддин Махсум ва Комил қорилар томонидан ташкил қилинган жадид мактабларида биргаликда ёшларга сабоқ берган.[40]

Бу мактабларда арабий ўқиш, ёзиш, ҳисоб, “Ҳафтияк” ва ҳадис илмини ўргатади. Дунёвий билимлардан ҳам баҳраманд этган. Нуриддин Маъруфхўжаев 50 ёшларида ҳаж сафарига боради. Бир неча йил Саудия Арабистонидаги шаҳарларда, Туркия, Қора денгиз бўйлаб саёҳат қилади. Россиянинг жанубий ҳудудидаги Одесса,Сочи,Кисловодск шаҳарлари билан ҳам танишади. Ҳаждан қайтгач Файзулла, Убайдулла, Муҳиддин, Ғулом(хўжа) исмли фарзандлар кўради. 1898 йили Нуриддин хожи шахсий маблағи ҳисобига қўли гул меьмор-уста Ахмад Юнус Самарқандий лойиҳаси асосида ва бошчилигида Эски шаҳар мавзесида мадраса қурилишини бошлайди. 1902- йили қурилиш ишлари тугалланади. Шунингдек қурилишда Мирзараҳим ҳожи ўзи ишлаб чиқарган ғиштлари билан, уста Ўктам, Ҳикмат бобо ва Жиззах аҳли баҳоли қудрат маблағ тўплаб уста-мардикорларга ҳафталик озиқ-овқат билан ёрдам кўрсатишади, мадраса эшик деразалари Уста

[40] Шарипов.Б. Прдаев.А.Маьрифат маскани.Жиззах -1987.5-бет.

Олим бобо томонидан тайёрланган. Мадрасада ўқиш 1912 йилгача подшо хукумати буйруғи билан ёпилгунча давом этади.

Жиззахда мустамлакачилар томонидан олиб борилган зулм ва зўравонлик бўлишига қарамасдан маҳаллий халқ ўзлигини ва миллий қадриятларини, маданияти ва урф-одатларини сақлаб қолдилар. Халқнинг эркинликка, тараққиётга интилиши ва ҳаракати сўнмади.



(Нуриддин ҳожи мадрасаси, ҳозирги кунда Зулфия ва Ҳамид Олимжон музейига берилган.)

ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ БЎЛГАН УЧ БУЮК СИЙМО

Азралшоҳ Ҳамраев

Бухоро давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори

Мустақиллик халқи, ватани учун курашиб жон фидо қилган инсонларнинг номини тиклашга катта имкониятлар яратиб берди. Истиқлол туфайли тарихнинг кўпгина ўқилмаган саҳифалари қайта кашф этилмоқда. Тарих, халқ ва Ватан юртидан етишиб чиққан инсонпарвар, миллатпарвар фарзандларининг муборак номларини ҳеч қачон унутмайди.

Ана шундай тарихимизнинг зиддиятли, оғир, мураккаб, синовли ва ғоятда Ватан мустақиллиги учун сиёсий кураш кескинлашган бир даврида яшаб, халқининг озодлиги ва эркинлиги учун курашган уч давлат арбоби, миллат фидойиси, юртпарвар инсонлар Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Атаулла Хўжаевларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритмоқчимиз.



Файзулла Хўжаев (1896-1938).

У қисқа, лекин мазмунли, масъулиятли, синовларга тўлиб-тошган бир даврда ҳаёт кечирдики, бунга тарих гувоҳ. У халқи ва юртини ўйлаб,

замонавий мамлакат қуриш ва халқини дунёга танитиш йўлида ҳатто жонини ҳам аямай, ўзини қурбон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 16 февралда Бухоро вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда Бухоро заминида туғилиб вояга етган Файзулла Хўжаевнинг табаррук номларини тилга олиб, бугун бу инсонга муносиб бўлиб, бу шахснинг ҳурматини жойига қўйишга барчани даъват этдилар.

Президентимизнинг даъватларига жавобан Бухоролик олимлар оммавий ахборот воситаларида қатор чиқишлар уюштириб, Бухоро Давлат университетида (2018 йил 12-13 майда) халқаро илмий-назарий анжуман ўтказдилар. Бугун ҳам вилоятда бу инсоннинг номини шарафлаш учун қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Чиндан ҳам Файзулла Хўжаев тарихнинг суронли, мураккаб ва алғов-далғовли даврида собитқадамлик билан халқини, ватанини ҳимоя қила олишга ўз умрини бағишлаган ватан ўғлонидир.

Файзулла Хўжаев Бухорода жаҳонга машҳур қоракўлчи савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжаев оиласида таваллуд топди. Дастлабки маълумотни амакиси Усмонхўжа ўз уйида ташкил қилган мактабда, сўнг Ғозиён мадрасасида ўқишни давом эттирган. Ғозиён мадрасасида ўқиётган даврда Файзулла Хўжаевга Ғуломқодир Изомий (Изомов) халфалик (репетиторлик) қилиб домла берган сабоқларни амалий машқ қилдирган.41 1907-1912 йилларда Файзулла Хўжаев Москвада отаси ёллаган ўқитувчилардан якка тартибда таълим олди. 17 ёшдан жадидлар, 20 ёшидан бошлаб ёш бухороликлар ҳаракатида иштирок этди ва уларга раҳбарлик қилди.42

Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхон унга икки марта сиртдан ўлим

41 .Алиев С. Бухорода битилган байтлар: (Адабий мақолалар ва хотиралар) –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992, 46-47-бетлар.

42 . Қаранг : Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев (Тарихий эссе) Т.: “Абу Матбуот-консалт”, 2011.

жазосини тайинлади. 1918 йили Оренбургдаги оқ гвардиячилар ҳарбий суди уни отувга ҳукм этди.

1920 йил сентябрида амирлик тузуми ағдарилиб, Туркфронт қўмондони М.В.Фрунзе бошчилигида Бухорода амалга оширилган ваҳшийликларни кўрган Файзулла Хўжаев “Биз бундай инқилобни кутмаган эдик” деб қаттиқ ўксиниб, хато қилганини сезиб, адашгани учун пушаймонлар қилди.

Файзулла Хўжаев 1920-1924 йилларда БХШЖ Кенгашининг раиси (шунингдек, ҳарбий ишлар, ташқи ишлар, ички ишлар нозири) вазифаларида ишлади.

Файзулла Хўжаев отасидан қолган бойликларини ўз ихтиёри билан давлат хазинасига топширди. Булар қуйидагича: 410 кг олтин, 4,8 млн дона олтин танга, 82 кг кумуш танга, кўп миқдорда қимматбаҳо буюмлар ва ер мулкларидан иборат.

Амирликдан мерос бўлиб қолган 200 пуд (3 тонна 200 кг) олтин, 9600 пуд (153 тонна 600 кг) кумуш, гавҳар, олмос, қимматбаҳо тошлар қадалган кимҳоб-тўнлар БХР иқтисодиётини йўлга қўйиш, тиклаш, аҳолидан икки йил солиқ олмаслик, ёшларни хорижда ўқитиш, замонавий саноат ва ўқув муассасаларини очиш учун сарфланиши устидан назорат қилишни Файзулла Хўжаев шахсан ўз зиммасига олди.43

Файзулла Хўжаев ёшларни замонавий билимлар билан суғормасдан муваффақиятларга эришиши мумкин эмаслигини тасаввур қилиб, бухоролик ёшларни Германия, Туркия ва Россияга ўқишга юборишнинг ташаббускори бўлди. Унинг бевосита раҳбарлигида Россияга юборилган болалар учун Москва марказида фабрикант Сова Морозовдан қолган уй сотиб олиниб, “Бухоро маориф уйи” ташкил этилди. Бухоро халқ Республикаси ҳар йили бу мактабнинг эҳтиёжи учун 25000 (йигирма беш минг) олтин сўм миқдорида пул

43 .Хайитов Ш.А. Файзулла Хўжаев – миллат фидойиси, юртпарвар инсон, донишманд сиёсатчи // “Файзулла Хўжаев – инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. Бухоро – 2018, 6-7 бетлар.

жўнатиб турган.44

Германияга юборилган талабалар учун Берлин банкига ҳар бир талаб ҳисобига катта миқдорда яъни 125 минг доллар жойлаштирилганлиги тарихий манбаларда келтирилган.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Халқ Комиссарлари совети раиси (1925-1937) сифатида Республикадаги ҳукумат ва партия раҳбарлари орасида энг обрўлиси ва халқ ишонган шахс сифатида фаолият кўрсатди.

Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси ва унинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистон Республикасида 400 дан ортиқ саноат объектлари қад ростлади. Унинг раҳбарлигида Республика иқтисодий ва маданий равнақи учун қатор тадбирлар амалга оширилди.

Кўп қиррали фаолият соҳиби бўлган Файзулла Хўжаев давлат арбоби, тарихчи, иқтисодчи олим, публицист-журналист сифатида ҳам танилган эди. Унинг 30 дан зиёд китоб ва рисолалари, 500 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Унинг китоб ва мақолаларида Ўзбекистон тарихининг XX аср биринчи чорагида муҳим ва ўта жиддий, долзарб ҳисобланган муаммолари ёритилган.

24 ёшида Бухоро Халқ нозирлар шўросининг раиси, 29 ёшида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ва СССР МИҚ раисларидан бири бўлган фидойи инсон ўзи хизмат қилган, бойликларини ихтиёрий топширган мафкура номидан ўлимга ҳукм қилинди. Бу ҳукм Файзулла Хўжаев эътиқод қилган жаллодлар томонидан 1938 йил 15 мартда Москва атрофидаги “Коммунарка” қатлгоҳида ижро этилди.

Ф.Хўжаевнинг авлодлари унинг қаерда отилиб, қайси жойда дафн этилганлигини сўраб турли ташкилотларга мурожаат қилиб, аниқ жавоб ололмай юрган эдилар. Унинг қатл этилган жойи Бутово, Лефортово ҳибсхоналари деган маълумотлар тарқалган эди. Ва ниҳоят 2018 йилнинг ноябрь ойида ижтимоий тармоқдаги Podrobno.uz сайти тарқатган маълумотда

44 .Ўзбекистон МДА. 48 жилд, 1-рўйҳат, 79-иш, 51-варақ.

қуйидаги хабар барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Унда кўрсатилишича, Россия Президенти Владимир Путин ўзининг чиқишларидан бирида 1937-1941 йиллардаги “катта террор” даврида “репрессия” (қатағон) қилинганларнинг номини тиклаш тўғрисида гапириб “Ўтмишнинг бу даҳшатли ҳолатини халқ хотирасидан ўчириш мумкин эмас. Мудҳиш даврнинг ҳодисаларини такрорланмаслиги учун унга тўғри, адолатли баҳо беришимиз зарур. Биз ва келажак авлод бу трагедияларни келиб чиқарган сабабларни аниқлаб, ҳеч қачон бундай ҳодисалар рўй бермаслиги учун курашмоғимиз ва уларнинг хотираларини тиклаб, ҳурматини жойига қўйишимиз керак” деган фикрни айтган.

1937 йил 2 сентябридан 1941 йилнинг 24 ноябригача Москванинг Новомосковская маъмурий округига қарашли Сосенское шаҳарчасида жойлашган “Коммунарка” қабристонида 6,6 (олти минг олти юз) минг киши отилган. Булар орасида Литва, Латвия, Эстония, Германия, Руминия, Франция, Туркия, Болгария, Финляндия, Польша, Буюкбританиянинг фуқаролари билан бир қаторда Собиқ Иттифоқнинг барча республикаларининг қатор давлат ва сиёсий арбоблари бўлган. Москвада жойлашган ФСБ (Федаральная служба безопасности) нинг архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида уларнинг исму фамилиялари ва отилган саналари аниқланиб, В.Путиннинг топшириғи билан 2018 йил бошидан бошлаб “Махсус “Коммунарка” тарихий хотира майдони” (Памятник истории спец. обьекта “Коммунарка”) ташкил этилиб, уни қайта таьмирлаш ва қатл этилган қатағон қурбонларининг номини тиклашга киришилган.

Биз Бухоро Давлат университетининг бир гуруҳ олимлари – мақола муаллифи Сулаймон Иноятов, Баҳодир Маьмуров, Обиджон Жумаевлар 2018 йил декабрь ойининг бошида Москва шаҳридан 50 км узоқликда жойлашган шу хотира қабристонига бориб, уни топиб, зиёрат қилдик. Қабристон 30-40 гектар ердан иборат ўрмонзор. Катта магистрал йўлдан кираверишда симёғочлардан бирида “Памятник истории спец. обьекта “Коммунарка”

(узунлиги 1,5м.., эьни 1 метрлик ёғоч) кўрсаткич ўрнатилган. Кираверишда тахминан (20м. Х 10м жойда) бўлажак кириш биносининг пойдевори ташланган. Мозорга дарвоза ўрнатилиб “Коммунарка қабристони” деган ёзув мавжуд.

Дарвоза ичкарисида қора мармардан тикланган тахтада “Памятник жертвам репрессии 1937-1941 г.г.” деган ёзув ўйиб ёзилган. Унинг орқасида эса 64 та тахта (доска) ўрнатилиб, ҳар бир тахтага икки қатор қатағон қурбонларининг номи ва отилган саналари ёзилган темир тахта варақлари ўрнатилган. Ҳар бир тахтачада 80-100 кишининг номи ва отилган санаси кўрсатилган. Улар кирилл алифбосида ёзилган. Шулар орасида Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва юзлаб таниш исму фамилиялар борлигини аниқладик.

Бухоролик олимлар Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев номлари битилган жойларга гулчамбарлар қўйиб, уларнинг хотираларига қуръон тиловатларини амалга оширдик.

Бизлар шу қабристондан - Файзулла Хўжаев қатл этилган жойдан бир кафт тупроқ олиб қайтдик. Имкони бўлса, бухороликлар ташаббуси билан унинг туғилган заминида Файзулла Хўжаевга рамзий қабр ўрнатилиб, шу тупроқ қўйилса, нур устига аъло нур бўлар эди.45

Маълумки, “Файзулла Хўжаев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” (1967 йил 1 март), “Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1996 йил 22 февраль) қарорлари қабул қилинган. Бу қарорлар асосида маълум ишлар амалга оширилиб келинмоқда. 1990 йили 1937 йилгача Файзулла Хўжаев номи билан иш юритган Бухоро педагогика институтига С.Орджоникидзе номи берилган. 1990 йил 1майда бу олийгоҳга Файзулла Хўжаев номи қайтарилди.

45 .Қаранг: Иноятов Сулаймон. Эл ботирин унутмайди! Бухоронома, 2019 йил 30 январь;
С.Иноятов. Жасорат ҳеч қачон унутилиайди (Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида). Бухоро адабиёти ва санъати, 2019 йил 30 январь.

1992 йил февралида Бухоро давлат педагогика институтига Бухоро давлат университети мақоми берилиб, Файзулла Хўжаевнинг номи тушириб қолдирилган.

Файзулла Хўжаев туғилиб ўсган Бухородаги уй-ҳовли, 1925 йилда у оиласи билан Самарқанд (Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти)га кўчиб кетгач, 1937 йилда давлат ҳисобига топширилади. Бу уйдан 1980 йилгача мактаб, педагогика билим юрти, архив, поликлиника, болалар музика мактаби сифатида фойдаланиб келинади. 1989 йилдан бошлаб уй Бухоро давлат музейи ихтиёрига ўтказилиб, 1991 йилдан бошлаб "XIX аср охири ва XX аср бошларидаги бухоролик савдогар Убайдулло Хўжанинг уй-музейи" номи билан юритилади.46

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 фералдаги "Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш" тўғрисидаги қарори асосида Бухоро вилоят ҳокимлиги Файзулла Хўжаевнинг ҳовлисидаги музейда янги экспонатлар ташкил қилиб, унга "Файзулла Хўжаев уй-музейи" номи берилади.47 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сон қарорига биноан "2017-2027 йилларда қайта ташкил этиладиган давлат музейлари" рўйҳатида Бухоро давлат бадиий-меъморий музей қўриқхонасининг Файзулла Хўжаев уй-музейи "Бой савдогар хонадони уй-музейи" номи остида қайта ташкил этиш режалаштирилган.48

Бугун бу уй-музейнинг атрофлари шахсий уй- участкаларга бўлиб берилиб, уй-музей хароб, таъмирталаб ҳолга келиб қолган.

2021 йилда Файзулла Хўжаев таваллуд топганига 125 йил тўлади. Шу табаррук санани нишонлашгача бўлган даврда биз бухороликлар Бухоро


46 .Қаранг: Болтаев А.А. Файзулла Хўжаев уй-музейи // Файзулла Хўжаев – миллат фидойиси, юртпарвар инсон, донишманд сиёсатчи // "Файзулла Хўжаев – инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси" мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция (Халқаро миқёсдаги олимлар иштирокида) материаллари тўплами. Бухоро – 2018, 127-130 бетлар.

47 .Халқ сўзи, 1996 йил 23 февраль, Бухоро вилоят ҳокимининг 62-сон қарори, 1996 йил 20 март.

48 . WWW/Lex.uz

Давлат университетига унинг асосчиси Файзулла Хўжаевнинг номини тиклашимиз, миллат фидойисининг уй музейини тиклашимиз, асарларини янги нашрларини чоп эттиришимиз, унинг қатор сафдошлари номини тиклаш ва абадийлаштиришимиз, у томонидан қурилган Бухородаги “Халқ уйи” (“Нардом”) номи билан машҳур бўлган биринчи театрни таъмирлаб, ундан фойдаланишни йўлга қўйишимиз, шунингдек, театр олдидаги боғ (сквер) да унинг бюстини қўйиш масалаларини амалга ошириш учун фаол ҳаракат қилишимиз лозим.

Бу ишларни амалга оширишда, албатта, Республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги, Республика ва Бухоро вилоят “Қатағон қурбонлари хотираси” музейлари, барча мутасадди ташкилот ва муассасалар жамоаси ва халқимизнинг беғараз ёрдами ҳамда кўмаги зарур.



Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878-1968)

Таниқли давлат арбоби, Бухородаги жадидлар ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири, миллатпарвар ва Ватан, унинг мустақиллиги учун бир умр курашган инсонлардан бири – Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлидир.

Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритгунга қадар барча тарихчи-тадқиқотчилар Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғлининг фаолиятига “ватан хоини”,

“инглиз жосуси”, “сотқин”, “буржуа миллатчиси”, “инқилоб душмани”, “туркпараст”, “исломпараст” каби ўнлаб тамға-ю ёрлиқларни ёпиштириб келдик. Кечагидек эсимда, энг йирик Ўзбекистон тарихчилари ҳам ўз асарларида шу туҳмат ёрлиқларини қайта-қайта такрорлар ва ҳамма асарларига ҳам киритган эдилар. 1950-1960 йилларда чиққан О.Эшоновнинг асарларини варақланг, 1983 йилда Ҳ.Турсунов ва А Макашовларнинг рус тилида чоп этган “Бухоро коммунистик партиясининг ташкил топиши ва фаолияти” китоби, Ҳ.Ш.Иноятовнинг Москва “Мысль” нашриётида 1984 йилда чоп этилган “Ўрта Осиё халқлари интервентларга ва ички онтрреволюцияга қарши курашда” монографияларида Шарқий Бухородаги воқеалар таҳлил қилинар экан, Усмонхўжа Пўлатхўжанинг сотқинлиги, ватанга хоинлик қилиб босмачилар томонига ўтиб кетганлиги, жумғурият ҳукумати ҳамда марказий ҳукумат ташкилотларини фавқулотда заифлаштиргани, қишлоқларда тузилаётган ревкомлар раҳбарларига бойлар, қўрбошилар, амир амалдорларини қўйишга интилиб, халқ орасида советларга қарши миллатчилик ишлари олиб борганлиги, ҳатто Шарқий Бухорога жўнатилган укаси Отахўжаев орқали тор-мор қилинган амир қўшинлари қолдиқларидан тузилган босмачилар тўдаси билан алоқа ўрнатганлиги ҳақидаги хабарлар билан уни қоралашга уринганлари сир эмас.

Мустақил Ўзбекистон тарихини ёритишга, тарихий ҳақиқатни тиклашга уринган касбдош дўстларимиз, бугуннинг йирик тарихчилари Рустам Шамсуддинов49, Қаҳрамон Ражабов, Шодмон Ҳайитов50 каби қатор муаррихлар Усмонхўжа Пўлатхўжанинг пок номи ва халқ, Ватан олдидаги хизматларини қатор мақолалари, рисола ва тадқиқотларида тикладилар. Бу буюк инсоннинг ҳаётини ва фаолиятини илмий асосда ўрганиш ва ёритиш давом этмоқда.

Усмонхўжа Пўлатхўжаев йирик савдогар, Бухорои Шарифда машҳур

49 .Шамсуддинов Р. Усмонхўжа Ватан хоини эмасди. Халқ сўзи, 1991, 15 октябрь.
50 . Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмонхўжа (рисола) Т.: “Абу матбуот-консалт”, 2011.

Пўлатхўжа оиласида 1878 йилда Ош шаҳрида туғилиб, дастлабки саводини Бухоро мадрасаларида олди. У 1908 йилдан 1912 йилгача Истанбулда таҳсил олди. У дўсти Ҳомидхўжа Меҳрий билан бирга Анвар Пошо (1881-1922) билан мулоқотда бўлганликлари манбаларда кўрсатилган.

“Усмонхўжа, - деб таъкидлайдилар Қ.Ражабов ва Ш.Ҳайитовлар, - XX аср бошларида Туркияга илм олиш мақсадида биринчилардан бўлиб сафар қилган илғор фикрли ёшлардан эди. У Туркия сафаридан қайтгач, 1912 йилда яна 30 нафар бухоролик ёшларни Истанбулга таҳсил олиш учун юборилди. Хуллас, 1911-1913 йилларда Усмон Хўжанинг туғишган укаси Отаулла Хўжаев (1880-1937) ва Мазхар Махсум, Бурхон Махсум, Абдурауф Фитрат, Муқимбеклар ҳам Туркияда ўқиб қайтдилар”.51

Усмонхўжа Туркиядан қайтгач жадидчи, сўнгра эса ёш бухороликлар ҳаракатининг кўзга кўринган арбобларидан бирига айланади. Бухорода унинг ташаббуси ва бошчилигида янгича услубдаги бир қатор мактаблар очилади. У ташкил этган мактабда ўқувчилар дунёвий фанларни ўрганадилар. Бу мактабда глобус, хариталар ҳам мавжуд бўлган. Хатто Файзулла Хўжаев Усмон Хўжа ташкил қилган мактабда биринчи таҳсилни олган.

Усмонхўжанинг Бухорода ўз уйида очган мактаби ҳақида Файзулла Хўжаев кейинчалик “Хотирамда”52 деб номланган мақоласида алоҳида маълумот беради. Бу мактабда форс-тожик тилида дарслар олиб борилган. Мактабда ўқувчилар замонавий, дунёвий билимларни эгаллагач, ота-оналар иштирокида имтиҳон топширганлар. Ўқув йили 1октябрдан бошланиб, таълим ва тарбия қўшиб олиб борилган.53 1916-1917 йилларда Бухорода жадидчилик ҳаракати кучаяди. Усмонхўжа ёш бухороликлар партиясининг энг обрўли аъзоларидан бўлиб, у хазиначи

51 . Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмонхўжа (рисола) Т.: “Абу матбуот-консалт”, 2011, 8-б.
52 . Файзулла Хўжаев. Хотирамда. Бухоро ахбори, 1921 йил, 1 сентябрь, 48-сон.
53 .Қаранг: Ҳайитов Ш. Усмонхўжа Пўлатхўжаев – миллий истиқлол курашчиси. Бухоро-2006

вазифасини бажарган. 1918-1920 йилларда Усмонхўжа Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида яшаб, Бухоронинг озодлиги учун курашган.

Бухорода амирлик тузуми ағдарилгач, Усмонхўжа бу ҳукуматда Молия нозири (1920-1921), Давлат назорати нозири вазифаларини бажаради.

1921 йили августда бўлиб ўтган Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти II иккинчи қурултойида Усмонхўжа Пўлатхўжаев БХШЖи Марказий ижроия қўмитаси раиси, яъни президенти этиб сайланади. У бу лавозимда 1922 йил январигача фаолият қўрсатди.

1922 йил бошларида муҳожирликка кетишга мажбур бўлган Усмонхўжа қолган 46 йиллик умрини хорижда яшади .У аввал Афғонистонда бироз истиқомад қилиб, Туркия Республикасига кўчиб ўтди. Туркия президенти Мустафо Камол Отатурк, Усмонхўжа Пўлатхўжаевни давлат органларида ишлашга таклиф этди. Бироқ, Усмонхўжа ўз умрини Туркистон тарихи , маданиятини ўрганиш, истиқлол учун курашишга бағишлашни айтиб ушбу таклифни рад этди. Отатурк Усмонхўжага салмоқли миқдорда шахсий нафақа белгилади. Туркияда Пўлатхўжаев турк тилида, араб имлосида “Йени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журналини чоп эттирди. Ушбу журналнинг 1927-1932 йилларда 24 та сони нашрдан чиқди. “Янги Туркистон” атрофида Туркиядаги ўзбек муҳожирларнинг зиёли қисми жипслашди. Туркиядаги “Туркистонликлар жамияти”ни тузишда, “Туркистон озодлиги куни” тадбирларини ўтказишда Усмонхўжа Пўлатхўжаев фаол иштирок этди.

Усмонхўжа Пўлатхўжаев ватанпарвар ва истиқлол учун толмас курашчи бўлганлиги учун ҳам Шўро ҳукуматининг махсус идоралари хорижда ҳам уни таъқиб қилишни бир дақиқа тўхтатганлари йўқ. Тақдир тақозоси билан унга Польша, Ғарбий Эрон, Шарқий Туркистон (ХХР), Покистон каби мамлакатларда ҳам яшашга тўғри келди. Усмонхўжанинг 1947 йилда Истанбулда таваллуд топган ўғли Темур Хўжа адабиётшунослик ва бадиий ижодиёт, сиёсатшунослик ва журналистика соҳалари билан шуғулланиб, у биринчи марта 1991 йилда ота-боболари юрти Ўзбекистонга ташриф буюриб,

250 дан ортиқ қавм-қариндошлари билан дийдор кўришди. “Ўзбек ва қозоқ романчилигида миллий онг масаласи” мавзусида филология фанлари доктори илмий даражасини олган. Темур Хўжа Бухорода бўлганида отаси Усмонхўжа ҳаётининг сўнгги дақиқасигача Ватан ишқи ва меҳр-муҳаббати билан яшаганлигини, фарзандларига ҳам Ватан меҳрини қолдирганлигини қайта-қайта таъкидлади. Усмонхўжа Пўлатхўжаев совет мафкураси асосида ёзилган китоблардаги сингари “айғоқчи”, “хоин”, “ватанфуруш” эмас, аксинча ҳақиқий ватанпарвар, озодлик ва мустақиллик учун курашган жасур инсон, маърифатпарвар, йирик сиёсатчи ва давлат арбоби бўлганлиги бугун кўпчиликка аён эканлигига Темур Хўжа ҳам ишонч ҳосил қилди. Усмонхўжа ўғли Темур Хўжа сўнгги йилларда Ўзбекистонга яна тўрт марта ташриф буюриб, кейинги ташрифи 20-23 июнь 2019 йилда бўлиб, у ота юрти Бухорода бўлди. Бухоро давлат университети ва Бухоро муҳандислар технологияси институтида ва Бухоро шаҳрининг музейлари ҳамда тарихий жойларида бўлиб, кейинги йиллардаги ўзгаришларни кўриб чексиз қувонди. У қатор учрашувларда иштирок этиб, телеканалларда интервьюлар бериб, бугунги Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятидан муҳим ўрин эгаллаётганига алоҳида урғу берди. Усмонхўжа Пўлатхўжаев сингари умрбоқий шахсларнинг ибратли ҳаёт йўли истиқлолимиз учун курашлар солномасидан мустаҳкам ўрин олганлигига шубҳа йўқ.



Атаулло Хўжаев (1880-1937)

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, амирлик

Бухоросини демократик Бухорога айлантиришни мақсад қилган, Бухоро Халқ Республикасининг фаолларидан бири, ўз ғоялари учун жонини ҳам аямаган, Файзулла Хўжаевнинг сафдошларидан бири – Атаулла Хўжаевдир.

Таниқли тарихчи олим Қ.Ражабов Атаулла Хўжаев ҳақида қуйидаги фикрларни баён этган: “Атаулла Хўжаевнинг номи XX аср биринчи чорагидаги архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва бошқа расмий ҳужжатларда Отаулла Хўжаев, Ота Пўлатович Хўжаев, Ота Хўжа Пўлат Хўжаев, Отахўжа Пўлатхўжаевич Хўжаев, Атаулла Хўжаев каби номлар билан тилга олинади. У таниқли давлат арбоби Усмон Хўжа (1878-1968)нинг укаси эди. Атаулла Хўжаев бухоролик йирик савдогар Қори Пўлатхўжа оиласида 1880 йилда туғилган, Бухорода мадраса таҳсилини олган. Сўнгра акаси Усмон Хўжа, Фитрат ва бошқалар билан биргаликда Истанбулда таҳсил олган (1909-1913). “Тарбияи атфол” ташкилоти ва Ёш бухороликлар партияси фаолиятида қатнашган.”54 Ўзбек адабиётшунос олими Ҳамидулла Болтаев бир неча марта Туркияда бўлиб, Истамбул университетида таҳсил олган бухороликлар, Ўрта Осиёликлар ҳаётини ўрганган. У киши билан суҳбат жараёнида аниқладикки, Атаулла Хўжаев Истамбулда юртдошлар учун тайёрлов курси очиб, Бухоро ва Туркистондан келганларни ўқитиб, турли ўқув юртларига киришга тайёрлаган. Бу жараён “Низомнома”да ва Закий Валидий асарларида ёритилган.

1913 йилнинг баҳорида Туркияда ўқиётган Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ҳамидхўжа қатори Атаулла Хўжаев ҳам Бухорога қайтиб келдилар. Улар Бухорода “усули жадид” мактабларини Усмонхўжанинг ҳовлисида (бугунги Бухоро шаҳридаги Пойи Калон гузари, Хўжа Гулрез 13-уй) очишга, ёшларни маърифатли қилишга ҳаракат қила бошладилар. Уларнинг ташаббуслари билан “Маърифат кутубхонаси” ва “Баракат ширкати” тузилиб бу кутубхоналарни китоблар, дарсликлар билан таъминлаб

54 Ражабов Қ. Унутилган сиймо // Бухоро мавжлари, 2010. №3, 45-Б.

турдилар. Бу кутубхоналарга Туркия, Татаристон, Қрим, Озарбайжондан зиёли жадидларнинг китоблари, дарслик ва қўлланмалар келиб турди. Шу даврда Усмонхўжа ва Ҳамидхўжалар Бухорода, Атаулла Хўжаев ва Фитрат Шаҳрисабзда янги мактаблар очдилар.55 Айниқса, 1914 йилдан бошлаб амир таъқиби асосида Бухорода жадид мактаблари ёпила бошлагач, Фитрат ва Атауллахўжалар бошчилигида Ғиждувон, Кармана, Нурота, Чоржўй, Карки каби манзилларда янги усул мактабларини очишга муваффақ бўлдилар. С.Айний 1914 йилги Бухорода юз берган воқеалар тафсилотини баён қилар экан: “Бу орада Фитрат билан Атаулла Хўжаев Бухорога қайтиб келиб, мактаблар ислоҳида бош бўлиб, мактаблар очиш йўлида қатор ишларни амалга ошириб, ёшлар ва муаллимлар билан маслаҳатлашган ҳолда мактаблар атрофида бирлашдилар”,56 - деб ёзган эди.

1917 йил апрель ойида амир томонидан ислоҳот манифестини тайёрлаш ва эълон қилишда бошқа тараққийпарвар зиёлилар қатори Атаулла Хўжаев ҳам фаол қатнашди. Ана шу маросимдан кейин намойиш ўтказилди. Намойишда кўнгилсиз воқеалар бўлмаганлиги ва у тинч ўтганлиги тўғрисида амирнинг вазири Қушбегини хабардор қилмоқ учун унинг ҳузурига Марказий Комитет аьзоларидан Атаулла Хўжаев, Мирбобо ва Юсуфзодалар вакил қилиб юборилади. Аммо Аркка етиб келган вакиллар ҳибсга олинадилар. Кўп вақт ўтмай ҳукумат жадидларнинг қудратли кучини ҳис қилиб, уларни озод қилади.

Атаулла Хўжаев ва унинг дўстлари амирликда конституцион монархия ўрнатиш ҳамда меҳнаткашлар оммасининг фаровонлигини ва маданиятини ошириш учун Бухорони иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ғоясини илгари сурдилар. Шунинг билан бир қаторда, улар деҳқончилик ва ер-сув масалаларига ҳам катта эътибор бердилар. Маьрифатпарварлар қишлоқ хўжалик мактабларини очиш ҳамда агрономия билимларини омма орасига ёйиш каби илғор фикрларни ҳам илгари сура бошладилар.

55 Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. Т.: “Университет”, 2006. 70—Б.
56 Айний С. Таьрихи инқилоби Бухоро. –Душанбе, 1987, 118б

1918 йилнинг мартида туркистонлик “инқилобчи” Колесов амирга қарши юришда кенг халқ оммаси бизга эргашади, деб кўпчиликни ишонтирган эди. Колесов амирлик устидан ғалабани осонлик билан қўлга киритиш мақсадида маҳаллий шароитларни ҳисобга олмай, Бухорога юриш қилди. Унга ёш бухороликлар ташкилотининг алданган баъзи бир аъзолари фаол ёрдам бердилар. Бироқ, Колесов юриши кутилган “натижа”ни бермади. Пировардида ёш бухороликлар ташкилотининг фаол намояндалари қаттиқ қувғин қилиндилар. Файзулла Хўжаевнинг ёзишича, бу урушда Бухорода бегуноҳ 3000 (уч минг) киши ҳалок бўлган.57

Ёш бухороликларнинг қирғиндан қутулиб қолган 150-300 кишилик гуруҳи Туркистон АССРга қочиб бориб, у ерда икки сиёсий марказ тузди. Бу марказларнинг бири Самарқандда, бири эса Тошкентда эди. Самарқанд марказига Раҳмат Рафиқ ва Атаулла Хўжаев, Тошкент марказига эса И.Акбаров, А.Бурҳонов ва Ф.Хўжаевлар бошчилик қилдилар. Марказнинг асосий вазифаси ташкилот аъзоларига моддий ёрдам бериш, уларни иш билан таъминлаш, маблағ тўплаш ва уни тақсимлашдан иборат эди. Атаулла Хўжаев 1920 йилнинг сентябр ойигача ёш бухороликлар партиясининг сафида бўлди. Маълумки, ёш бухороликлар ўша вақтда Бухорони мустақил давлат сифатида кўришни орзу қилар эдилар.

Бухоро партархивидан топилган бир ҳужжатда 1920 йил июлида ёш бухороликларнинг Туркистондаги марказий бюроси Атаулла Хўжаевни Москвага коммунистик интернатсиональ конгресига қатнашиш учун вакил қилиб жўнатадилар. Конгресс йиғилишида Атаулла Хўжаев шахсан ўзи Ленинга ёш бухороликларнинг дастури ва унга илова сифатида ўзининг хатини топширади. Хатнинг мазмуни қуйидагича: “Ўртоқ Ленинга ёш бухороликлар партияси аъзоси Атаулла Хўжаевдан ариза. Ёш бухороликлар партияси Бухорода энг кучли ва оммабоп партия ҳисобланади. У 1908 йилда

57 Қаранг: Ходжаев Ф. Избранные труды. Т.1. – Т.: «Фан», 1970. С 71.

ташкил топган ва бу партия фаоллари икки марта амирни тахтдан ағдариб ташлашга уриниб кўрди. Партия жанговор отрядлар тузган. Амир армиясида ҳам ёш бухороликларга хайрихоҳлар анча. Биз Россия коммунистик партиясининг ёрдамисиз ғалабага эриша олмаймиз. Шунинг учун бизни III Коммунистик Интернatsионал секцияларидан бирига қабул қилишингизни сўраймиз. Қолган барча муаммоларни тушунтириш учун мени шахсан қабул қилишингизни сўрайман.” Ленин бу хатни Шарқ ҳалқлари коммунистик ташкилотининг раҳбари И.Сталинга йўллайди. Маьлумки бу пайтда Москва Бухоро устига “юриш”га ва бу жараён яқин кунларда амалга ошиши учун тайёргарлик кўрилаётган эди. Хат эътиборсиз қолдирилди. Аммо бу хатдан бир неча масалага аниқлик киритиш мумкин. Биринчидан, ёш бухороликлар гуруҳи 1917 йилда эмас, 1908 йилда ташкил этилганлиги, иккинчидан, ёш бухороликлар болшевикларга, айниқса, унинг “доҳийси”га жуда катта ишонч билдирганлар, учинчидан, бухоролик зиёлилар Бухорони мустақил давлат сифатида кўришга қатьий ишонч билан қараганлар.58

Файзулла Хўжаевнинг сафдоши бўлган, Бухорода амир ва унинг амалдорлари юритаётган сиёсатдан қаттиқ норози бўлган, Бухоро халқини озод қилишга киришган, миллатнинг жонкуярларидан бири бўлган Атаулла Хўжаев Бухоро амири томонидан 1915 йилда 45 кун зиндонда сақланган. 1917 йилда иккинчи бор Бухоро амири уни қамоққа олган.

Файзулла Хўжаев ўзининг “Бухоро инқилобининг тарихига доир материаллар” китобида сафдоши Атаулла Хўжаевнинг Бухорода демократик тузум ўрнатиш учун қилган саью-ҳаракатларини саккиз жойда тилга олади.59

Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, 1920 йил 6 октябрда Ситораи Мохи-хоса саройида икки мингга яқин делегат иштирокида қурултой ўтказилиб, унда Атаулла Хўжаев Ички ишлар нозири лавозимига тайинланади. Орадан озгина фурсат ўтгач, Атаулла Хўжаев Қарши вилояти

58 Қаранг: Воҳидова М., Эргашев Б. Ёш бухороликларнинг Ленинга хати. Советская Бухара, 1990, 27 декабря.
59 Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига доир материаллар. Т.: “Фан”, 1997, 61-174 бетлар.

инқилобий қўмитаси (ревкоми) раиси вазифасига ишга юборилади. 1921 йилда Файзулла Хўжаевнинг топшириғи билан Шарқий Бухоро-Душанбега “босмачилик ҳаракатини” ўрганиш ва “чора” кўриш учун Атаулла Хўжаев бошчилигида Содиқ Муҳаммадиев ва Наимжон Ёқубзодалардан иборат комиссия юборилади. Комиссия аьзолари у ердаги Қизил армия қисмлари қўмондонлиги билан “келишиб”, Кўлоб вилоятининг Балжувон туманида ҳаракат қилаётган босмачи гуруҳларининг қўрбошилари Давлатмандбий, Комилбой ва Қаюм Тўқсаболар билан учрашади. Олдиндан келишилган тавсияларга кўра бу ерда битим-келишув тузилади ва имзоланади. Битим-келишувда айрим маьлум талаблар қўйилади:

“Битим-келишув:

Оллоҳ ва Ислом динига чексиз ҳурмат билдириб, Бухоро аҳли – фуқаросининг тинчлиги ва осойишталиги йўлида тубундаги шартлар асосида келишиб олдик:

Биз – Шарқий Бухоро халқи розилиги билан Мустақил Бухоро Республикасини тан оламиз ва унинг қонунларига оғишмай амал қиламиз;

Муборак Бухорони босиб олган Русия қўшинлари дарҳол олиб чиқиб кетилиши ва давлатда тартиб ўрнатиш Мустақил Бухоро ҳукумати қўлида, ўз армияси кучидан фойдаланиш орқали бўлиши керак;

Бирорта ҳам хорижий мамлакат табаррук Бухоронинг ички ишларига аралашмасин;

Ҳамма бўғинларда раҳбар ходимлар фақат аҳли Бухоро орасидан танланиши керак. Улар бизнинг дин, урф-одат ва анъаналаримизни билиши, ҳурмат қилиши шарт.

Тўнтаришдан сўнг Русия армиясининг махсус отрядлари халқни қириб, мулкларини талади, Шарқий Бухорони шип-шийдон қилиб кетишди. Бу талаб кетилган мулк ва бойлик Русия ҳукумати томонидан Бухорога қайтарилсин;

Ушбу шартларга риоя этилса, биз ўз ислом армияларимизни тарқатиб юборамиз ёки ҳукумат ихтиёрига ўтамиз. Лозим бўлса табаррук Бухоро

давлати вакилларига қуролларимизни топширамиз. Бухоро душманлари – бизнинг душманимиз, дўстлари – дўстимиз бўлиб қолажак;

Русия давлатини ҳурмат қиламиз, агар бизга ўз ҳукмини ўтказиш сиёсатини тўхтатса;

Ички ишларимизга аралашишга уринаётган инглизларни миллат, давлат ва динимиз душмани деб биламиз.

Халқимиз тазйиқ ўтказган, миллат олдида жиноят қилган (12 киши рўйҳати бор)лар жазога тортилиши керак;

Булар амалга оширилмаса, ҳамма уринишларимиз бекор кетади ва кураш давом этаверади.

Бухоро вакили Ота Хўжаев: - Давлатмандбий Камолиддин ўғли.”

Бу битим-келишувга Атаулла Хўжаев ва Давлатмандбий Камолиддин ўғли имзо чекканлар. Кейинроқ бу ҳужжат Москвада муҳокама қилиниб ташқи ишлар нозири Чичерин Ф.Хўжаевни, ўзбекистонликларни қаттиқ койиб, кўпчилик бухороликларни советларга қарши чиқаётганликда айблаган ва айримларни ишдан четлаштиришни талаб қилган.

1922 йилнинг январь-май ойларида Атаулла Хўжаев Россия давлатида БХСРнинг мухтор вакили бўлиб хизмат қилади. 1923 йил май ойидан эса Халқ Нозирлар Кенгаши Раиси лавозимини вақтинчалик бажара бошлади. Архив материалларида келтирилишича, 1922 йил 21 августда Ф.Хўжаев ўз касаллиги тўғрисида ариза ёзиб, Россия ёки Германияда даволаниш учун уч ойга рухсат беришларини сўрайди. Ф.Хўжаевнинг аризаси қондирилиб, унга уч минг тилло даволаниш учун ажратилади ва чет давлатлар билан иқтисодий ва ташқи алоқалар ўрнатишга ижозат берилади.60

“Бухоро ахбори” газетасининг 1922 йил 19 октябрдаги 103-сонида берилган “Туркларнинг ғалабаси муносабати ила Бухорода байрам” сарлавҳали хабарда Бухородаги масжиди Калон жомъе мсжидида 12 октябрь куни Халқ Нозирлар

60 Ўзбекистон МДА 14 жилд, 1-рўйхат, 168-иш, 2-варақ.

Шўросининг муваққат раиси Ато Хўжа ва Марказий Ижроия Қўмита раиси биринчи муовини Аминов ва Муқим Каримовлар турк аскарларининг инглизлар бошлиқ юнонлар устиданғалаба қозонганларига шарафига турк биродарларини қутлаш мақсадида катта митинг ўтказдилар деб хабар берилган. Митингда Ато Хўжа катта нутқ сўзлаб, туркларнинг ғалабаси билан табриклаб, Туркия ҳукумати номига иштирокчилар ва Бухоро ҳукумати номидан табрик йўллашни таклиф этади.61

Файзулла Хўжаев даволанишда бўлган 4 ой давомида Нажим Ҳусаинов бошчилигидаги бир гуруҳ сўл коммунистлар ҳокимиятни эгаллаш учун кураш бошлайдилар. 1923 йил июн ойида РКП(б)МК Ўрта Осиё бюроси раиси Рудзутак бошчилигидаги комиссия Фитрат, Атаулла Хўжаев ва бир қатор масьул ходимларни ишдан четлаштириб, Бухоро худудидан сургун қилишга қарор қилади. Файзулла Хўжаев Германиядан қайтгач, Бухоронинг мустақил давлат сифатида иш кўриши учун курашган ўз сафдошларини қутқаза олмайди. Большевиклар ўз мақсадларига эришиш ва БХСРни давлат сифатида йўқотиш учун Ўрта Осиёда миллий чегараланишни амалга оширадилар.

Атаулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг ногиронларнинг Бутун ўзбек уюшмаси (Всеузбексоюз) раиси ўринбосари(1925), 1930-1933 йилларда Хоразм округи ва Тожикистон АССРда турли лавозимларда ишлаган. Кейинчалик Кисловодскдаги “Ўзбекистон” санаторийси директори, “Ўзбекбирлашув” тизимида масьул ходим (1935-1936), Бухоронинг Лаби ҳовузида жойлашган биринчи гастрономнинг ташкилотчиси ва директори (1935-1937) лавозимларида ишлаб эл-юртга муносиб хизмат қилиб келди.62

61 .Бухоро ахбори, 1922 йил 19 октябрь

62 Ражабов Қ. БХСР собиқ раҳбарларининг 1937 йилда қатағон қилиниши// Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожеали оқибатлари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент-2012, 67-68 б. Шунингдек қаранг: Эргашов Б., Муҳаммаджонова Л. Озодлик учун курашчи. Бухоро ҳақиқати. 1995, 11 январ; Наимов Н. Атаулло Ходжаев. Бухарский вестник, 2000, 9 августа; Наимов Н. Фитрат фожеаси. Т.: “Фан”, 2005.

1937 йил Собиқ Иттифоқда бошланган маьмурий-буйруқбозлик сиёсатининг авж олиши, шахсга сиғинишнинг кучайиши оммавий-сиёсий қатағонликларга йўл очиб берди.

Файзулла Хўжаевни бадном қилиш мақсадида унинг барча сафдошлари қатори Атаулла Хўжаев ҳам 1937 йил 17 январида Бухорода қамоққа олинади. У 57 ёшга кирган бўлиб, ташвишлардан вақтли кексайган, сочларига оқ оралаган бир ҳолатда Бухоро шаҳридаги гастрономда ишлар эди.

Ўша даврнинг ўлим машинаси ҳисобланган “учлик”нинг қарори билан Атаулла Хўжаев БХСРнинг 17 раҳбарлари қатори 14 октябрда отувга ҳукм қилинади. Тошкентда 25 октябрда 1937 йилда ҳукм ижро этилади. Атаулла Хўжаев 1965 йил 2 декабрда вафотидан сўнг оқланган.

Файзулла Хўжаевнинг сафдошларидан бири, халқимизнинг оташин фарзанди, эрк ва озодлик курашчиси Атаулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятини янада мукаммал ўрганиш биз тарихчиларнинг олдимизда турган вазифадир.

Хулоса

Ҳар уччала қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканмиз, бугунги мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётининг дунёвий мавқеини ҳисобга олиб, айрим мулоҳаза ва хулосаларни таклиф этмоқчи эдим:

Биринчидан, Файзулла Хўжаевнинг 2021йилда 125 йиллик юбилейини Халқаро миқёсда ўтқазиш ва бу соҳадаги тадбирларни давлат даражасида тайёрлашга эришиш;

Иккинчидан, Файзулла Хўжаев ва унинг кўпгина сафдошлари, жумладан, Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва Атаулла Хўжаевларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб Республика, вилоят миқёсидаги тадбирларни ўтказиш;

Учинчидан, ҳар уччала қатағон қурбонларининг асарларини тўплаб нашр эттириш ва улар ҳақидаги китобларни чоп эттиришни ташкил этиш;

Тўртинчидан, ҳар уччала қатағон қурбонларинг туғилган замин –

Бухорои шарифда уларнинг рамзий қабрларини ўрнатиш ва уларнинг номларини абадийлаштириш лозим деб ҳисоблайман.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВДАН ПАТИФОН ВА МИЛТИҚ СОВҒАСИНИ ОЛГАН, ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ ҒОЗҒОНЛИК САНГТАРОШ УСТА АБДУРАҲИМ ТУРДИЕВ ҲАҚИДА

Баҳром Ирзаев, тадқиқотчи

Тоштарошлик: кўҳна анъаналар акс этган қадим санъат.

Бугунги Ғозғон халқини ўз аждодлари билан боғлаб турган жиҳат узоқ ўтмишга бориб тақалувчи тарих ришталари билан бирга ўтмиш аждодларнинг анъана ва эътиқодлари ҳамдир. Тоштарошлик касбини олиб қарайдиган бўлсак, айни пайтда Ғозғондаги ҳар бир оила учун бу касб бегона эмас. Сангтарошлик ота-боболардан мерос бўлиб келаётган миллий ва маънавий қадриятларнинг узвий бир қисмидир. У касб-қунар даражасида шаклланиб, сангтарошнинг маҳорати туфайли санъат даражасига кўтарилган. Бинобарин гўзал мамлакатимизнинг қайси бир сарҳадига борманг, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ёки Шаҳрисабз каби қадим шаҳарларни қай биридаги тарихий обидалар ёки замонавий бинолар билан танишманг, мармарий санъатнинг хос ва мос ифодасини кўрасиз.

Айниқса, Ғозғон усталари томонидан ясалган, тайёрланган мармарий ашёлар олий санъат намунаси сифатида кишини лол этади. Ғозғонликлар учун сангтарошлик бобомерос санъат. Шу ўринда мармар санъатида эъзоз топган сангтарошлар хусусида эслаб ўтиш жоиз. Улар XIX ва XX асрларда яшаб ўтган Маҳмуд Ғозғоний, Олим Ғозғоний, уста Тўхтамурод, уста Умр, уста Бобомурод, уста Рустам, уста Йўлдош, уста Ғофурбой, уста Сафар, уста Ҳайитмурод, уста Абдираҳим (муҳандис), уста мулла Бақо, уста Бобоназар ва

бошқалар саналади. Улар томонидан ясалаган, жилоланган санъат намуналари халқ орасида катта эътибор қозонган. Мармарга битилган кўҳна битиклар. Ғозғон мармарий санъатининг асосий ифодаси асрлар оша мармар товоқларда намоён бўлиб келаётир. Қадим-қадимдан дид билан нақшланган, байтлар ўйилган, жилоланган бундай товоқлар харидоргирлиги билан ҳамиша эътиборда бўлган. Ўтмишда бобокалон устозлар энг оддий: ибтидоий асбоблар, теша, темирқалам, қайроқ ва қумтош, намат ҳамда ипак матолар билан фақат қўл кучи воситасида маҳсулотлар ишлашган.

Уста Абудараҳим Турдиев ва унинг фаолияти.

Нурота тоғлари бағрида жойлашган мўъжаз ва қадимий Ғозғон неча минг йиллик тарихи давомида кўп бор ободлик ва вайронагарчиликларни кўрди. Ҳар гал унинг заҳматкаш халқи қийинчиликларни ўз елкасига олиб, элни ёруғликка чиқараверди. Бу юртнинг асл хазинаси унинг иймони бут, илм ва санъатга ошуфта инсонлари эди. Дарҳақиқат, Ғозғон элининг мана шундай ифтихорларидан бири мулло Абдураҳим Муҳандисдир. Мулла Абдураҳим 1877 йилнинг 19 декабрида Бухоро амирлигида шайх мақомида қадр топган эшон Турдимурод ҳожи Умар ўғли хонадонида дунёга келган. Онаси Очилой мулло Охун қизи ҳам илмли аёл бўлиб, таниқли сангтарош усталар сулоласи вакили эди. Абдураҳим аввал илмни ўз отасидан ўзлаштирди, тоғалари машҳур сангтарош уста Мўмин ва имом мулло Олим Ғозғонийларга шогирд тушиб, тошга ишлов бериш санъатини мукаммал ўрганишга киришади. Шундан сўнг акаси Абдурасул изидан Бухорои Шарифга йўл олиб, таҳсилни Мир Араб мадрасасида давом эттиради. Мадраса даврида диний илмлар билан бир пайт да ҳандаса илмини чуқур ўрганиб, моҳир муҳандис сифатида

шаклланди. Садриддин Айний билан дўстлашиб тараққийпарварлик ғоялари билан танишади. Домла Ҳалим Ибодий билан дўстлашиб мақом санъатини мукаммал эгаллайди. Хуш овози сабаб қисқа вақтда ҳофиз сифатида ҳам ном қозонади. Мир Арабни муваффақиятли битирган акаси Абдурасул Ғозғонга қайтиб, Шоҳимардон масжидида имомлик қилади ҳамда масжид қошидаги мактабда қишлоқ болаларига таълим беради. Айни пайтда нақшбандийлик тариқати вакили сифатида ўз хўжалигини юритиш учун тоштарошлик билан шуғулланади. Мулло Абдураҳим эса мадрасани тугатиши билан Амир Абдулаҳадхоннинг таниқли муҳандислари қаторидан жой олади.



У 1900–1905 йиллар Россияда бўлиб, Санкт Петербургдаги Абдулаҳадхон масжиди, Қримдаги амирнинг Дилкушо саройи ҳамда Железноводскдаги саройларнинг қурилишида иштирок этади. Ватанга қайтгач, Бухорода Ситораи Моҳи Хосса, Чилустун масжидлари қурилишида усто Ширин Муродовлар билан бирга меҳнат қилади.

1910 йилда Абдулаҳадхон вафот этиб, тахтга ўғли Амир Олимхон ўтиради. Амир Олимхон отасини Қосим шайх азизон масжид мақбарасига тупроққа қўяди. Даҳма қурилишига усто Абдураҳим раҳбарлик қилади, Ғозғон мармаридан тайёрланган даҳма ҳамда қабр тошга битилган марсиялар унинг томонидан ишланади. Амир Олимхон даври қурилишларида бош бўлган Абдураҳим Турдиев қўли остида Ғозғон ва Нуратодан йиғилган 70 га яқин сангтарошлар меҳнат қиларди.

Зарафшон дарёси бўйида қурилган мирзо Чорбоғ сарой лойиҳаси ҳам, бунёдкори ҳам мулло Абдураҳим Турдиев эди. Моҳир сангтарошнинг хизмати муносиб тақдирланган. Унга шахсан Амир Олимхон томонидан қоровул беги лавозими, “Муҳандис” мақоми ва ҳозирги Навбаҳор тумани маркази Бешработдан 50 гектар узумзор берилганди. Мулло Абдураҳимнинг бинокорлик ва тоштарошлик санъати ҳамон инсонларни ҳайратга солиб келмоқда. Жумладан, Нурота шаҳридаги бугунги кунда ҳам фаолиятда бўлган мармар ҳаммом, 1910 йил Деҳибаланд қишлоғига бунёд этилган масжид, маҳаллий ва хорижий музейлардан ўрин олган кўплаб мармар товоқлар, пиёлалар, қошиқлар, ҳовонча ва бошқа санъат намуналарини келтириш мумкин. Айниқса, 1906–1915 йиллар тўлиқ мармардан қурилган “Шоҳимардон” мақбара мажмуаси Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Тошмасжид Абдураҳим Муҳандис лойиҳаси асосида шу ердаги мармартоғни кесиб қурилган ва қибла тарафи қисман тоғга уланган. Ўзини-ўзи ёритиши, акс-садо берувчи деворлар, кичик кўзга ташланмас панжаралар орқали кирувчи тоза ҳаво кабутархоналар орқали ташқарига чиқиб, масжиднинг доимий мусаффолигини таъминлаб турган. Деворлардаги оят ва ҳикматли сўзлар эса тош ҳаттотлиги санъатининг бетакрор намунасидир. Тўрт устунли, тўққиз гумбазли морокко услубида қурилган масжидга мўъжиза сифатида қаралади.

1920 йил сентябрь. Инқилобий тўлқинлар даврида жаҳон тамаддунидан ортда қолаётган амирликка тараққиётни келтиришдан бошқа нияти бўлмаган “Ёш бухороликлар” большевиклар фитнасига алданади. Гўёки, ёрдамга чақирилган қизил армия амирликни ағдариш баҳонасида асрлар давомида сақланган Бухорои Шариф асори-атиқаларини ердан ва кўкдан тўпга тутиб тарихдан супириб ташлашга киришади. Мислсиз қон тўкиб, халқнинг бир қисмини Ватанни ташлаб, хорижга қочиб кетишига сабабчи бўлади. 1920–23 йиллар давомида мулло Абдураҳим Муҳандис ҳам Файзулла Хўжаев ҳукуматида тиклаш ва ривожлантириш ишларида жавлон урди.

Афсуски, шўро тузуми Бухоро ҳукумати учун ҳеч қандай имкон қолдирмади. Аксинча, унинг зулм ва талончилик сиёсати халқнинг бошига чексиз кулфатлар келтирди. Миллий зулмга қарши халқнинг мард ўғлонлари қўлларига қурол тутиб, шўро тузумига қарши миллат ва дин учун ҳаёт-мамот жангига киришдилар. 1923 йил шундай бир шароитда мулло Абдураҳим она қишлоғига қайтади. Бу даврда Ғозғон ҳам гоҳ “босмачилар”, гоҳ “қизил аскар”лар қўлига ўтиб турарди. Кунлардан бирида Ғозғонга Абдуқаҳҳор қўрбоши йигитларидан бирининг зотдор оти келиб қолади. Бу отни Баҳриддин деган киши тутиб олади. Бундан хабар топган мулло Абдураҳим унга “бу бировнинг мулки, қўйиб юбор” дейди. Баҳриддин “мулло, қўяверинг энди шўролар замони келди, босмачилар қочиб кетди”, дейди. Шунда мулло Абдураҳим “агар от босмачиларга тегишли бўлса, янаям эҳтиёт бўл, бу хиёнатдир. Ўзингга ҳам қишлоққа ҳам балони чақирма”, дейди. Баҳриддин “майли, мулло қўйиб юбораман” дейди-ю, отни яшириб қўяди.

Шу кунлари мулло Абдураҳимнинг бир оқсоқ оти пичоққа келади ва уни сўйиб халққа тарқатади. Орадан вақт ўтиб қўрбоши йигитлари отини излаб Ғозғонга келишади. Улар Сарбозорда чойхоначи бўлган Баҳриддиндан от ҳақида сўрашади. У эса хабари бўлмаганини, бироқ яқинда мулло Абдураҳим бир от сўйиб сотди, деб туҳмат қилади. Унга лаққа ишонган ва мулло одамнинг бундай хиёнатидан дарғазаб бўлган йигитлар кечга яқин унинг уйини босади. Мулло Абдураҳим бегона кишиларнинг яқинлашаётганини кўриши билан катта қизи Ҳамидани девордан қўшни ҳовлига улоқтиради. Эшикни тамбалаб, аёли ва бошқа фарзандларини ариқ қувури орқали қўшнисиникига чиқариб юборади. Бешикдаги қизининг устини ёпади-ю, эшикни очади. Улар эшикдан кириши билан ҳеч нарсага қулоқ тутмай уриб кетади. Шу тишларинг билан отни едингми, деб милтиқ қўндоғи билан муллонинг тишларини уриб, тўкиб ташлайди. Сўнг дарахтга бойлаб, ўзлари уйни тинтишга киришадилар. Мулло Абдураҳим жони омон қолганига шукр қилиб, арқонни ечиб қўшни уйга сакраб қочади. Босмачилар чиқса мулло

жойида йўқ. Шу пайт шошилинчда қолиб кетган катта ўғли 8 ёшли Аҳмаджон чиқиб қолади. Йигитлардан бири Аҳмаджонни ушлаб пешонасига милтиқ тирайди ва мулло қизилларни чақиришга кетди. Мана ўғлини отаман бир умр ўғли доғида адо бўлсин, деб қичқиради. Шу пайт воқеаларни жимгина ўз хонасида кузатиб ўтирган 80 ёшли ҳожи Турдимурод шайх хонадан чиқади ва келиб милтиққа кўксини қўяди. Уларга қараб ўғлимни калтакладиларинг майли айби бордир-ки ургандирсиз, дедим. Уйни таладингизлар боши омон бўлса мол топилар. Лекин, бу гўдакни отманг. Уни мен тарбиялаганман, мен отасиман. Мени отинглар, шу дард ўғлимга етади, дейди. Йигитлар тўхтаб, ҳожи бобо ўғлингиз отимизни ўғирлади, майли сизнинг ҳурматингиз биз ҳеч кимга тегинмаймиз. Мана бу олган молларимизга рози бўлиб дуо беринг, дейдилар. Ҳожи бобо дуо беради ва улар кетишади. Эртаси куни халқ бу воқеадан лол қолади. Мулло Абдураҳимнинг олдига келган қишлоқ бойларидан мулло Жумабой ҳолатни эшитиб, собиқ мадрасадош дўсти мулло Абдуқаҳҳорнинг олдига йўл олади. У мулло Абдураҳимга нисбатан туҳмат бўлганини айтиб, уни хоин эмас, бир умр ҳалол меҳнат қилиб, фақирларга ёрдам қилган сахий инсон эканини айтади. Шундан сўнг қўрбоши Баҳриддин чойхоначини сўроқ қилади ва отни унинг ертўласидан топишади. Баҳриддин қўрбошининг буйруғи билан Сарбозорда қатл қилинади ва мулло Абдураҳимга барча нарсаларини беришади.

Бироқ, ҳожи Турдимурод шайх мен бу нарсаларга дуо берганман. Ҳаммаси ўғлимнинг бошдан садақа, деб қайтариб олмайди. Шўро томонидан барча қийинчиликларнинг боиси, деб таърифланган босмачилик ҳаракати йўқ қилинди. Бироқ, халқнинг маиший аҳволи кундан-кунга ёмонлашаверди. Халқнинг осойишта ҳаётига путур етди, очарчилик авж олди. Қулоқ қилиш, бойларнинг мулкларини тортиб олиш бошланди. **1932 йил** ер ислоҳоти баҳонасида мулло Абдураҳимнинг 30 гектар ери, 150 қўй, 2 туя, 1 от, сигирлари колхоз фойдасига мусодара этилди. Унинг ўзини ҳақсизлар сафига қўшиб қўйишди. Ҳатто, ўз ҳунари билан ҳам шуғулланишига қаршилик

қилинди. Бир замонлар Бухоро амири бош меъмори бўлган мулло Абдураҳим Муҳандис шўролар даврига келиб, ҳунармандлар ширкати аъзоси сифатида қишлоғидан анча олис Нурота шаҳрида, Чашма ёнидаги тош ҳаммом олдида абгор устахонасида тонгни тунга улаб тош қиртишлар эди. Шу ҳолида ҳам ибодатини ташламади, вақт топиб бозор айланар экан муҳтожларга ёрдамини асло аямади. Қишлоқдошларининг эслашларича, бир куни Нурота бозорида бир ғозғонлик йигитнинг уйидаги гиламчасини сотаётганини кўриб қолади. Унинг ёнига бориб, нега шолчангни сотаяпсан дейди. У киши болалари учун уйида нон йўқлиги ва ночор аҳволда қолганини айтади. Мулло Абдураҳим гиламчани сотиб олиб эгасига қайтаради ва яна қўлига пул бериб, мана бунга сигир ол, соғиб сутини болаларингга ичир, ўзингни хор қилиб бу ерларга ҳеч қачон қайтиб келма, дейди. **1936 йил** ***Тошкентда Файзулла Хўжаевнинг укаси Ибодулла Хўжаев ўз жонига қасд қилади. Мулло Абдураҳим воқеадан хабар топиб, унинг учун қабр тоши ясаб Тошкентга элтади. Бунинг эвазига Ф.Хўжаев патифон ва милтиқ совға қилади.*** Мулло Абдураҳим Ғозғонга бориши билан уларга бир кун ҳам эгалик қилмади. “Мен мулло одам бўлсам, бу нарсалар нима керак”, деб уларни колхозга топшириб юборади.

У Тошкентдан қайтиши билан қаттиқ хавотирга тушиб, катта қизи Ҳамидани турмушга беради, ўғли Аҳмаджонни уйлантиради, иккинчи қизи Ҳакимани ҳам ёш бўлишига қарамай Бухорога, қариндоши, Мир Араб мударриси мулло Абдурауф Ҳаким ўғлига никоҳлаб бериб юборади.

1937 йил. “Катта қирғин”. Ўзбекнинг сара фарзандлари қонини дарёдек оқизган НКВД жаллодларининг совуқ қадами кўҳна Ғозғон тупроғига кириб келди. Бундай пайтда ичи кин ва адоват билан тўлган жирканч кимсалар даври келиши сир эмас. Уларнинг Ғозғонда Файзулло Хўжаевни танийдиган одам борми, деган саволига бир киши Абдураҳим Турдиев ҳақида сўзлаб беради. Ана шу материаллар асосида 1937 йил 14 ноябрь куни 60 ёшли нуроний инсон, уста Абдураҳим Турдиевни 1920–1923 йиллар жадидлар сафида бўлган,

“Шоҳимардон” масжиди шайхи, деб қамоққа олишга қарор қилишади. Шу куннинг ўзида уни Нурота шаҳридаги устахонасидан қамоққа олишиб, Каттақўрғон турмасига йўллашади. Бундан хабар топган турмуш ўртоғи Пўлотой ая гўдаклари Раҳматуллоҳ, Ҳалима, Амина ва Моҳималар билан дод деганича қолиб кетади. 1937 йил 22 ноябрь куни ўтказилган ягона сўроқ вақтида мулло Абдураҳим ўзига қўйилган айбловларнинг бирортасини тан олмади. Шунга қарамай 1937 йил 28 декабрь санасида машъум “учлик” **Абдураҳим Турдиевни 10 йил меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этади.**

Пўлотой ая одамлардан мулло Абдураҳимнинг Хатирчи тумани, “Зарафшон” колхози 1-бригадасига келтирилгани ҳақида хабар топади. У ўғли Аҳмаджон ва унинг амакиси Муҳаммад Абдурасул ўғлини олиб, эшакда “Зарафшон” колхозига йўл олади. Улар эрта тонгда манзилга етиб бориб, ҳеч ким кўрмасин, деб пахтазорга яширинади ва ариқда ётиб вазиятни кутадилар. Тонг ёришганида маҳбуслар қуролланган ҳарбийлар назорати остида ишга кета бошлайди. Улар орасида мулло Абдураҳим кўриниши билан Пўлотой ая, Аҳмаджон ва Муҳаммаджонлар унинг олдига югуриб боришади. Пўлотой ая қўлидаги тугунни топшириб, ҳаммаси йиғлашиб кўришадилар.

Мулло Абдураҳим болаларнинг юпун уст-боши ва яланг оёқларига қараб эзилар экан, “***Муҳаммаджонни қийнаб қўйибсизку, бўлди энди бошқа келманглар, мени яқинда олиб кетишади. Сизларни Худонинг паноҳига топширдим***”, дейди. Мана шу мулло Абдураҳимнинг яқин инсонлари билан охирги учрашуви эди.

Мулло Абдураҳим қамоққа олинганида акаси Абдурасул сўфи юмуш билан Шофирконга кетганди. Уйга келиши билан бўлган воқеликлардан хабар топади ва кичик қизи Салима билан қадимий китобларни тандирхона дудбўронига яширади. Бироқ, унинг изини пойлаб юрган қўшниси бу хабарни НКВДга етказади. Улар етиб келиб китобларни топади ва сўфини ҳам қамоққа олишади. Мулло Абдурасул Тошкентга Зангиота қамоқхонасида бўлиб, ҳеч бир айби бўлмаган ҳолда 5 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинади. У

азоб-уқубатлар ортидан фақат 1944 йилга келибгина қишлоққа тирик қайтиб келишга муваффақ бўлади. Шу тариқа Ғозғон элининг таниқли инсонлари мулло Абдураҳим ва мулло Абдурасуллар шўро қатағон сиёсати қурбонига айландилар.

Бири бутунлай маҳв этилди, иккинчиси таҳқир ва тазйиқлар остида мажруҳ ҳолатига келтирилди. Абдураҳим Муҳандис фарзандлари шўролар ҳукумати томонидан қора тамғага учради. Бир вақтлар уларга тегишли ҳовлига колхоз раислари келиб жойлашдилар, катта меҳмонхонада эса мактаб очилди. Шайх Турдимурод ҳожининг ҳовли боғларига колхоз клуби ва истироҳатгоҳи қурилди. Уйнинг ҳақиқий эгалари бўлса ҳовли четидаги бир вақтлар омборхона бўлган вайрона кулбага жойлашдилар. Аҳмаджон ва Раҳматуллоҳ колхозга ишга кириб, туну-кун ишлаб деҳқончилик орқасидан оилаларини тебрата бошлайдилар. 1941 йил собиқ Иттифоқ жаҳон урушига тортилгач, Аҳмаджон "***халқ душмани***"нинг ўғли деган тамғани йўқотиш мақсадида фронтга кетиш учун ариза беради. Рад этилгач, орият учун Бухоро вилоятидан рўйхатдан ўтади ва урушга кетади. Орадан олти ой ўтиб оёқларидан оғир яраланиб, ногирон бўлиб уйга қайтади.

Пўлотой ая Ҳалима қизини мулло Абдураҳим дўстининг ўғлига турмушга беради. Бироқ, фарзанд кўргач, кўп ўтмай Ҳалима касаллик туфайли фарзанди билан бирга вафот этади. Пашшот (қўрғон, қишлоқ) ўша вақтда деҳқончилик учун қулай ва булоқларга мўл жой эди. Аҳмаджон оиласи, укалари, сингиллари ва онаси билан шу ерда деҳқончилик қилиб, оғир шароитда кун кечиришади. Амина Пашшотда ишлаётган пайтида тинкаси қуриб ҳушидан кетади. Қишлоқдан 10 километр бўлган тоғлар орасидан Аҳмаджон ва Раҳматжон уни йиғлаб-йиғлаб елкаларида опичлаб қишлоққа олиб келадилар.

Афсуски, сочлари ер супирадиган, чиройда тенги йўқ фариштагина қиз ҳали 17 баҳорни кўрмай жон таслим қилади. Орада кичкина Моҳима ҳам касал бўлиб қолади ва бир йилга борар-бормай вафот этади. Бу азоблар Пўлотой момонинг соғлиғига путур етказиб, адо қилди. 1948 йил Аҳмаджон ўғил

кўради ва унга Ҳомид, деб исм қўяди. Аввалги фарзандларини тупроққа қўйгани учун уни еру кўкка ишонмайди.

Сталин вафотидан сўнг шўролар мамлакатида ҳукм сура бошлаган илиқлик йилларида Пўлотой ая турмуш ўртоғининг қисмати ҳақида суриштириб тинимсиз аризалар ёза бошлайди. Хусусан, 1959 йил 18 апрель санаси билан Бухоро шаҳридан қизи Ҳакима номидан Самарқанд вилояти ижроқўми номига ариза ёзади. Унда Пўлотой ая турмуш ўртоғи ***Абдураҳим Турдиевнинг ноҳақ қамоққа олингани ва 1937 йил декабрдан буён ундан ҳеч бир хабар йўқлигини,*** 4 нафар фарзанди отасининг тақдири ҳақида ҳамон хабар кутаётганини маълум қилади. Шу ариза ортидан иш қайта кўриб чиқишга топширилди. 1960 йил 27–28 апрель кунлари собиқ гувоҳлар чақирилади. Қайта сўроқлар жараёнида мулло Абдураҳимнинг ҳеч бир айбсиз мавҳ этилгани маълум бўлди. 1960 йил 19 май куни Самарқанд вилоят суди мулло ***Абдураҳим Турдиевни оқлаб ҳукм чиқарди...***

Дарҳақиқат, мулло Абдураҳим Турдиев нафақат қори, йирик уламо, шайх, балки буюк меъмор, моҳир муҳандис, машҳур ҳаттот, хушовоз ҳофиз ҳам эди. Халқимизнинг асрлар давомида жилоланган тоштарошлик санъати анъаналарининг билимдони мулло Абдураҳим томонидан яратилган бино-иншоотлар, Ситораи Моҳи Хоса саройи ва Аркдаги Ғозғон мармаридан тайёрланган шерлар, мармар устунлар, қабр тошлар ва улардаги ҳаттотлик санъати каби кўплаб асарлари ҳамон санъатга ошуфта инсонларни ҳайратга солиб келмоқда.

ШОҲИДЛАР ХОТИРАСИДАГИ ҚАТАҒОНЛАР

(карманалик юртдошлар қисмати)

Дилшод Саибов,
Навоий давлат педагогика институти тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси музейи ходими

Ўзбекистон ўз миллий мустақиллиги қўлга киритгандан сўнг холис ва ҳаққоний тарихни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кейинги йилларда совет ҳукмронлиги даврида амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, қатағон сиёсатларини ўрганиш ва холис тарихни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги "Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги фармони[1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги "Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори[2] ҳуқуқий асос бўлди. 2001 йил 1 майдаги Президент Фармонига асосан, 31 август куни "Қатағон қурбонлари хотираси куни" деб белгиланди ва бунинг илк тантанаси "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги **"Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Ф-5598-сон фармойиши асосида Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳурриятга чорлаган, халқимиз эрки, озодлиги, мамлакатимиз мустақиллиги ва миллий тараққиёти учун курашларда шаҳид бўлган, Россия империяси мустамлакачилиги ҳамда

[1] Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // Халқ сўзи, 1999 йил 13 май.
[2] Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Халқ сўзи, 1999 йил 23 июль.

совет тузуми йилларида жабру зулм чеккан, қатағон этилган фидойи ватандошларимиз номини тиклаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишлари янада жадаллашди.

Бугунги кунда биргина Навоий вилоятининг Нурота, Хатирчи, Кармана, Қизилтепа туманларида XX асрнинг 30-йилларида қатағон қилинган 4000 дан ортиқ юртдошларимизни анилашга муваффақ бўлдик.

Совет ҳукумати оммавий қатағонларни Сиёсий бюро ва партия раҳнамолигида бевосита НКВД органларига таянган ҳолда ўтказган. Давлат-партия идораси ва манфаатлари билан уйғунлашиб кетган совет қонунчилиги муҳолиф кучларга давлат билан олишишга ҳеч бир имкон қолдирмаган. Сиёсий бюронинг 1937 йил 2 июлдаги "Севетларга қарши унсурлар тўғрисида"ги қарори "катта террор" даврининг кенг кўламли қатағон operatsiясини ўтказиш учун ўзига хос "старт" бўлган.

НКВД комиссари Н.Ежов томонидан 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли мутлақо маҳфий оператив буйруғи қатағоннинг оммавий тус олишига бош омил бўлди. Унга мувофиқ, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа олинган, улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган[1].

Аслида буйруққа асосан, Ўзбекистондан биринчи тоифа бўйича 750 киши, иккинчи тоифа бўйича 4000, жами 4750 киши қатағонга тортилиши кўрсатилган[2] бўлса-да, амалда бу "топшириқ" ортиғи билан бажарилган. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Республикалар, ўлкалар, вилоятлар ҳудудларида маҳаллий шароитлар ва юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар ташкил қилинган. 1937 йил августда бошланган террор 1938 йилнинг

[1] Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. - Т.: Шарқ, 2007. – Б. 6.
[2] Репрессия 1937-38 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост: Шамсутдинов Р., Каримов Н., Юсупов Э. – Ташкент: Шарк, 2005. – С. 35.

ноябрида, айнан В.И.Сталиннинг террорга чек қўйиш тўғрисидаги кўрсатмаси билан тўхтаган. Бу эса “катта террор”нинг марказдан бошқарилганлигидан далолат беради.

Қатағон қилинадиганларнинг рўйхатлари турли ташкилот ва бўлимлардан қабул қилинган. Ана шу машъум йиллардаги қатағонлар ҳудуд, жой, миллат, ирқ, мансаб танламаган. Бутун иттифоқдаги сингари Ўзбекистоннинг ҳам ҳар бир бурчагида “қатағон қиличи” ўз кучини кўрсатаверган.

ХХ асрнинг 30 - йиллари охирида бошланган коллективлаштириш сиёсатининг мажбурийликка асосланганлиги, унинг оқибатида амалга оширилган қулоқлаштириш сиёсати, сургун амалиёти 40 - йилларга келиб оммавий сиёсий қатағонларга асос бўлди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳукуматнинг навбатдаги қатағон сиёсати авж олаётганлигидан дарак берди.

“Қулоқларни тугатиш оқибатида, - дейди проф. Р.Шамсутдинов, - қишлоқ энг тадбиркор, эпчил, ўзига тўқ, мустақил иш кўрувчи, хўжалик юритувчи деҳқонларидан маҳрум бўлди... Ва бу сиёсат бошдан охиригача зўравонлик, жабр-зулм ҳолатида олиб борилди.”[3]


Кармана районида қулоқлаштириш сиёсатининг жабрини тортган бир инсон тақдири хусусида:

Кармана райони Варқ қишлоғида истиқомат қилган, коллективлаштириш даврида хўжалиги қулоқлаштирилган Нурназар Абдуназаровнинг фарзанди **Муқим ота Нурназаров** шундай эслайди: “Хўжаликда 20 таноб ер, 8 хонали уй, бир неча бош қорамол, от, эшак, қўй-қўзилар бўлган. Отамнинг айтишича, уйимизга қишлоқ совети раиси билан бирга бегона кишилар келиб, уни

[3] Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 64.


идорага олиб кетишган. Ноҳақ ва уйдирма айбловлар натижасида хўжалик қулоққа тортилган ва район ташқарисига, аниқроғи ҳозирги Самарқанд вилоятининг Пахтачи районига сургун қилинган. Аламли томони шундаки, мол-мулклар мусодара қилинаётган вақтда, ҳатто ҳаво совуқ бўлганлигига қарамай, менинг эгнимдаги камзўлчани ҳам отамнинг кўз олдида устимдан ечиб олиб кетишган экан."[1]

Дарҳақиқат, коллективлаштириш жараёнларида ихтиёрий равишда колхозга кирмаган, хўжалиги "юклатилган" солиқни ўз вақтида тўлай олмгана хўжаликлар қулоққа тортилган.



Сургун амалиёти оммавий қатағоннинг бошланишининг яна бир асосий бўлган омиллардан эди. Кўплаб оилалар қатори Кармалик бир оила ҳам сургун азобларини чеккан.

Навоий вилоятининг Кармана тумани Мир Саид Баҳром кўчаси (илгари Менжинский)да истиқомат қилаётган Бўриева Мунаввара (1933 йили Қарши шаҳрида туғилган, 6 ойлигида ота – онаси ва оила аъзолари билан Қаршидан Карманага кўчиб келган. Отин буви.) ая отаси **Ғаффор Бўриев ҳамда бобоси Бўри Шукуровлар**нинг Қарши сургунини



[1] Дала материалларидан. Варқ қишлоғида истиқомат қилган (оламдан ўтган) Муқим ота хотираларидан ёзиб олинди. 2008 йил 18 август. Кармана.

бошларидан кечирганликларини қуйидагича эслайди:

“Бобом Шукуров Бўри 1870 йили Карманада туғилган, зиёли, диндор, бой бўлган. Шу билан бир қаторда амирликда косиблик қилган. Болаларга диний ва Қуръондан таълим берган. 1938 йили 68 ёшда вафот этган.


Отам Бўриев Ғаффор 1901 йилда Карманада туғилган. Унга отасидан бир қисм мол-мулк қолган. Диний таълим ва Қуръони Каримни билган, намоз ўқиган. У кишининг 3 нафар: Бўриев Зиёдулла, Бўриева Каромат ва Бўриева Мунаввара (мен) исмли фарзандлари бўлган. 1931 йилда отам ва бобомнинг хўжалиги қулоқ қилиниб, бор мол-мулки мусодара этилган ҳамда мажлис қарори билан Қарши шаҳрига, 2 йилга сургун қилинган. Сургун вақтида бобом Б.Шукуровни 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар. Аммо, 60 ёшли отасига жазони лозим кўрмаган ўғли Ғ. Бўриев ўз отасининг ўрнига 3 йил қамоқ жазосини ўтаган. (Бир амаллаб йўлини топган бўлса керак, – М.Б.). 1932 йил ёз ойларида, ўшанда мен 6 ойлик бўлган эканман, оиламиз Карманага қайтарилган. Отам 1983 йилда вафот этди”[2].

Бугунги кунгача эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламларидан[3] шу нарса аёнки, қатағонлар даврида, яъни 1937-1938 йилларда Бухоро вилоятидан 872, Навоий вилоятидан 249, Самарқанд вилоятидан 569, жами 1690 киши қатағон қилинган. Миллий таркибнинг 78 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Агарда ушбу қатағонларга шу йилларда узоқ ўлкаларда сургунда бўлган юртдошларимизни қўшиб ҳисобласак, бу миқдор янада кўпайиб кетади.

[2] Дала материалларидан. Бўриева Мунаввара ая хотираларидан ёзиб олинди (ҳозирда ҳаёт). 2008 йил 26 август. Кармана.

[3] Репрессия 1937-38 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Сост: Шамсутдинов Р., Каримов Н., Юсупов Э. – Ташкент: Шарк, 2005. – 286 с; Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 496 б; Репрессия 1937-38 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. 1937 год, ноябрь. Сост: Шамсутдинов Р., Юсупов Э, Мамажонов А, Дусматов Э. – Ташкент: Шарк, 2007. – 496 с; Репрессия 1937-38 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. 1937 год, декабрь. Сост: Шамсутдинов Р., Абдуллаев М., Дусматов Э., Курбанов Х. – Ташкент: Шарк, 2008. –574 с; Қатағон қурбонлари. 1938 йил февраль, сентябрь. Бешинчи китоб. Тузувчилар: Шамсутдинов Р., Қурбонов Х., Расулов Ж., Эгамбердиев Ф., Бекимметов У. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 414 б.

Қатағон қилингаларнинг аксарияти, яъни 70-74 фоизи “собиқ қулоқлар” ва деҳонлар бўлганлигини таҳлиллар исботлади. Бухороликларнинг 595 нафари, навоийликларнинг 180 нафари, самарқандликларнинг 305 нафари коллективлаштириш даврида “қулоқ” қилинган кишилар эди. Улар ва қолган 25-30 фоиз аҳолининг ижтимоий таркиби таҳлил қилинганда, 100 турдан ортиқ касб – кор эгалари бўлганликлари маълум бўлди. Собиқ қулоқ, қулоқнинг ўғли, бой, савдогар, амир амалдори, ўқитувчи, диндор (имом, эшон, руҳоний, мулла), талаба, колхоз раиси, ҳарбий аскар, жандарм, дворян ва помешчик, собиқ босмачи, юрист, ҳисобчи, техник, механик, трест бошлиғи, машинист, комендант, кутубхоначи, кассир, таржимон, илмий ходим, табиб, соқчи, тегирмончи, қурувчи, архитектор, ферма мудири, ветеринар, агроном, ёзувчи, артист, бригадир, фотограф, шофёр, лаборант, база бошлиғи, темирчи уста, косиб, нонвой, боғбон, уй бекаси ва бошқалар шулар жумласидан.



Бухоро сектори РМБ (Район милиция бўлими) томонидан ўтказилган йиғилиш қарори асосида “учлик”нинг 1937 йил 10 декабрдаги № 62-рақамли баённомасига кўра 205 киши устидан ноҳақ ҳукм тайёрланган. Ушбу баённома бўйича 55 киши отувга, 150 киши 10 йилга МТЛга ҳукм қилинган. Ушбу баённома билан Навоий вилояти, Кармана райони (собиқ Бухоро округи) дан ҳукм ўқилган 24 киши бўлган. Илмий изланишлар, илмий экспедициялар натижасида ана шу 24 кишидан айримларининг ўзи, айримларининг қариндошларини топилди.

Шулардан бири Карманалик **Сафар Умаровдир**. “Умаров Сафар - 1912 йил Кармана район Ўйрот қишлоғида туғилган, ўзбек, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. У қуролли босқинчи жиноий тўда билан алоқада бўлганликда,

талончилик қилганликдаги уйдирмалар билан айбланиб, ЎзССР ЖКнинг 78 - моддаси билан 10 йилга МТЛга ҳукм қилинган.”[1]

Умаров Сафар бобонинг ўғли Ҳамроқул Умаров билан суҳбат қилинганда у 1992 йилда отасининг сўзлари ёзиб олинган видеотасмани тақдим этди. Хотира сифатида олинган видеотасмада Сафар бобо ўз бошидан кечирган барча воқеалар тафсилотини батафсил баён қилган. Жумладан: “1932 йилда 5 йилга қулоқ қилиниб, ҳозирги Нарпай фермерлар уюшмасига қарашли қамишзор ичидаги махсус “қулоқлар қамоқхона”да бўлдим. У ерда канал, ариқ, зовурлар қазиш каби оғир меҳнатларга мажбур қилиндим. 1937 йилнинг ёз ойларида озод этилдим. Орадан 20 кун ўтиб-ўтмай Кармана бозорида акам билан юрганимда 2 нафар милиция ходими олиб кетди ва Конимех райони марказидаги вақтинча сақлаш камерасида декабрь ойигача ушлаб турилдим. Декабрь ойида суд ҳукмини ўқиб эшиттирмасдан тўғридан-тўғри “сен халқ душмани Файзулла Хўжаевнинг думисан, 10 йилга қамалдинг” деб озодликдан маҳрум қилдилар. Узоқ Шарқ ва Нижний-Тагелдаги қамоқхоналарда 10 йил гуноҳсиз ўтирдим. Ваҳоланки, мен ҳатто Файзулла Хўжаевни танимас эдим, у билан бирор марта ҳам суҳбатлашмаганман. 15 йил Кармананинг сувини ичмадим. 1947 йилда қамоқдан озод бўлиб, уйга қайтдим. Мени яна негадир “чарм плаш кийганлар” излай бошлади, мен Тожикистонга қочиб яширинишга мажбур бўлдим. 1949 йилда Қарши шаҳрида яшаб, ўша ердан уйландим. Хотиним Мушарраф билан 1951 йилда Карманага кўчиб келдим. Келган заҳотиёқ, мироб бўлдим. “Колхоз пахтасини сувга бостирди” деган айб билан терговга чақиришди, аммо қишлоқ совети раиси ва колхоз раисининг актга имзо чекмаганлиги сабабли навбатдаги қамоқдан қутилиб қолдим”[1].

Ўғли Ҳамро Умаровнинг сўзларига қараганда, отасининг хўжалиги колхоз тузумига қадар ўзига тўқ оила бўлиб, уйида тегирмон ва мой жувози бўлган, сўзларига кўпчилик одам қулоқ солган, маслаҳат олган, қишлоқ

[1] Репрессия. 1937-1938гг. Документы и материалы. Выпуск 4... - С. 493.
[1] Дала материаллари. Ҳ.Умаров хотираларидан ёзиб олинди (вафот этган). 2008 йил 4 апрель. Кармана, Уйрот.

камбағалларига ҳар доим уйидан ун, ёғ улашиб турган. Отаси қамоқдан қайтгач, умрининг охиригача деҳқончилик билан оила тебратган. Ҳамро Умаровнинг ўзи етмаганидек, 4 нафар ўғли ҳам “қулоқнинг ўғли”, “халқ душманининг фарзанди”, - деб ҳеч қаерга ишга жойлаша олмаган, узоқ йиллар руҳий ва маънавий азоб чеккан. Истиқлол, бу оилага эрк, фаровонлик ато этди. Эндиликда Сафар бобо фидойилик тимсоли сифатида “оқланди”, Ҳамро ака қишлоқда фаҳр билан бош кўтариб юришга муваффақ бўлди.

Ана шу машъум йилларда Кармана районининг Ҳазора қишлоғидан қатағон қилинган Бозор Қурбонов, Насим Боймуродов, Ходи Мавлонов, Шавқи Юнусов, Мардон Асомов, Жамол Омонов, Ҳалил Сақовлардан фақат Шавқи Юнусов 10 йилдан сўнг қайтиб келган[2].

Воқеалардан умумий хулоса шуки, қатағонлар совет давлати ўрнатилган илк кунларданоқ бошланган эди. Қатағонлар совет ҳокимиятининг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини зўравонлик билан таъминлаб берди. Қатағонлар ўзбек қишлоғидаги ижтимоий-сиёсий аҳволга оғир таъсир кўрсатди. Коллективлаштириш туфайли деҳонда ерга эгалик ҳисси ҳамда меҳнатидан манфаатдорлик йўқолди. Қулоқлаштириш натижасида нафақат тадбиркор, ишбилармон, бойлар, балки қишлоқ хўжалигининг таянчи бўлган ўрта ҳол қатлам ҳам қатағон қилинди. Сургун натижасида аҳоли ўз ер, ўз мулкидан, ўз оиласидан ажралди. Натижада қишлоқ эгаси камбағал-деҳқон бўлиб қолди. Бу эса иқтисодий ночор оқибатларга олиб келди.

“Катта террор” халқнинг руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Халқда қўрқув, ишончсизлик, умидсизлик, манфаатсизлик кайфиятини кучайишига сабаб бўлди.

[2] Ҳамидов Ҳ. Дарё соҳилидаги қишлоқ (Кармана тумани Ҳазора қишлоғи тарихидан кичик лавҳалар). – Тошкент, 2004. – Б. 49.

ХАТИРЧИ ТУМАНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ

Каромат Қурбонова, Навоий давлат университети тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ходими.

Халқни-халқ, миллатни-миллат, инсонни - инсонлигидан айирган “қатағонлик сиёсати” давлатнинг, тузумнинг оммавий жазолаш, қийноққа солиш, бегуноҳ халқни асоратда, тутқунликда ушлаб туриш, қўрқитиш, босим, тазйиқ ўтказиш қуролига айланди.

2024 йилнинг 19 июлида эълон қилинган **“Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”**ги Президент қарори Мустабид замонда қатағон қилинган минглаб оилаларнинг авлодлари қалбида янгича бир машъала ёқди, десак хато бўлмади.

Қарорда ҳозирги таҳликали даврда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини тиклаш ва илмий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш, шу асосда юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини кучайтириш, уларни бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш руҳида тарбиялаш асаосий мақсад қилиб олинган.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон бор экан, ўз тарихини, ўзини, ўзлигини билишга дахлдор ва бурчлидир. Уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихида халқимиз бошидан не-не синовлар, босқину-қирғинлар, адолату-адоватлар ўтди. Айниқса, XX аср тарихи халқиқмиз иродасини, матонатини, жасоратини “синади”.

XX асрнинг 20 - йиллар охиридан бошланган “мажбурий коллективлаштириш” сиёсати, бу билан бир вақтда ўтказилган “қулоқлаштириш”, халқларни “кўчириш” амалиёти, “депортatsiялар”, 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” сиёсати, Иккинчи жаҳон уруши даврида ГУЛАГ тизимидаги қатағонлар, 60-70-йиллардаги “зиёлилар қатағони”, 80-йиллардаги “Пахта иши” сиёсати ва қатағонлари росманасига халқнинг тинка-мадорини қуритди, мисли кўрилмаган, инсон “қадри йўқотилган” давр сифатида тарихди қолди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё Бюроси 1930 йил 28 январда “Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилади. Қарорда колхозчилик ҳаракати кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга асос бўлгани, деҳқонларнинг оммавий ҳаракати асосида бир қатор районларда ёппасига коллективлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани қайд этилган. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳукуматнинг қатағон сиёсати авж олаётганлигидан дарак берувчи ҳол эди[63].

Якка хўжаликларни жамоалаштириш, улар ихтиёридаги ерлар, ишчи кучлари ва от-уловларни умумлаштириш ҳисобига янги жамоаларга уюштиришнинг ҳам оғир қийинчиликлари бўлган. Коллективлаштириш ишида, аввало, ихтиёрийлик, деҳқонларнинг хоҳиш-иродаси тўла ҳисобга олиниши ҳукумат қарор ва ҳужжатларида кўрсатилган бўлсада, минг афсуслар бўлсинки, бу муҳим жараённи ўтказишда баъзида қўпол хатолар, мажбурлашлар, маъмурий чоралар қўллаш, шошма-шошарликлар бўлганки, бу деҳқонларнинг ташаббускорлиги ва эркини сўндиради[64]. 1930 йил 30

[63] *Қурбонов Х.* Қуйи Зарафшон воҳасида ўтказилган коллективлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. 2012. – Б. 61.
[64] *Холмуродов Р.* Хатирчи тумани тарихидан лавҳалар. – Т.: “Фан”. 1996. – Б. 48.

январда СССР ОГПУ коллегияси томонидан кенгаш чақирилиб, унда қулоқларни кўчириш масаласи алоҳида кўриб чиқилади. Жумладан, 2-тоифали қулоқларни СССРнинг шимолий районларига кўчириш ва уларнинг мулкларини мусодара қилиш кўзда тутилган. Ана шу амалиёт Самарқанд, Зарафшон, Бухоро округларида ҳам ваҳшиёна амалга оширилган. Ушбу ҳудуддаги қишлоқ аҳолиси, асосан, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Украинанинг ўзлаштирилмаган ерларига кўчирилган.

1932 йил 23 апрелда ВКП (б) МК қулоқ хўжаликларини кўчириш бўйича 20-рақамли махфий фармойиш билан ГПУ комиссияси тузилиб, улар жойларга юборилган. Канц Нарпайга, Марказий Ижроия Комитетидан Обидова Ромитанга, Ритман Пойариққа, марказкомдан Алмазов Карманага, Давлат Маҳмудхўжа ев Митанга, Ҳасанов Нуротага, молия комиссарлигидан Гончаров Хатирчига вакил бўлиб келганлар.

ГПУ комиссияси томонидан колхозга кирмаган ўртаҳол деҳқонларга нисбатан маъмурий усуллар қўлланилди, солиқлар оширилди, уларнинг ери, чорва моллари, от-улови мусодара этилиб, ўзлари қулоқ қилинди. Улар халқ душманига айлантирилди, юртидан бадарға қилинди. Қулоқлаштириш жараёнида ҳукуматнинг деҳқонларга нисбатан қаттиққўллик ва зўравонлик амалиёти бу ишнинг қарама-қарши натижа беришига олиб келди.

Қулоқ хўжаликлар 1932 йил 19-20 май кунлари район сарҳадидан республиканинг бошқа ҳудудларига сургун қилинган. Бу ҳақда Марказга юборилган ҳисобот телеграммада шундай дейилган: “Улардан 127 киши меҳнатга яроқлидир. Улардан 96 хўжалик, 388 киши йиғув пунктига олиб келинди. Бадарға этилаётган барча қулоқлар Хатирчи йиғув пунктидан 19 май ва 20 май эрталаб Зирабулоқ йиғув пунктига олиб келинган. Гончаров, Бобожонов”[65]. Ўзбекистон ХКС 1932 йил 21 майда “Қулоқ хўжаликлари белгилари тўғрисида”ги навбатдаги янги қарорни қабул қилди. Қарорга кўра,

[65] *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: “Шарқ”. 2003. – Б. 296.

қуйидаги белгиларга эга хўжаликларни қулоқ хўжалиги, деб топиш белгиланган:

- қишлоқ хўжалигида, ташкилотида, ишлаб чиқаришида ёлланма ишчи кучидан фойдаланган;
- ер майдонини тўлиқ ёки қисман ижарага берган;
- хўжалик ишлаб чиқариш, шамол ва сув кучи билан двигатель юритган, 150 сўмдан ортиқ фойда оладиганлар, ишлаб чиқаришда от кучидан фойдалан-ган;
- ижарага берилган ташкилот ёки қурилиш жойларидан олинадиган даромади 350 сўмдан ошиқча бўлган;
- савдо, даллоллик, карвонсарой, чойхона (йиллик даромад 300 сўмданошса) ва бошқа тадбиркорлик ишлари билан шуғулланган;
- судхўрлик билан шуғулланувчи;
- диний хизматчи, руҳоний, имом ва бошқалар, шулар жумласидан[66].

1932- 1933 йиллардаги очарчилик, қаҳатчиликдан бутун халқ қаттиқ азобга солинди. Шунда ВКП (б) Марказий комитети ва Халқ комиссарлари совети 1933 йил 8 майда “Деҳқонларни оммавий кўчиришни тўхтатиш, қамоққа олиш ва қамоқхона жойларини камайтириш тўғрисида”ги махфий деректив ҳужжат қабул қилади. Унга кўра, мамлакат бўйича 12000 хўжаликни сургун қилиш мўл жалланган. Ўрта Осиё минтақасидан 500 хўжалик Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган. Вахш водийсини ўзлаштириш учун 1935 йили Ўзбекистондан 1000 хўжалик Тожикистонга кўчириладиган бўлди.

Юқоридаги кўрсатмалар асосида “қулоқ хўжаликлари” рўйхати тузилади. Тузилган маълумотда “Нуротадан 53, Карманадан 73, Хатирчидан 53/99” меҳнатга яроқли қулоқ хўжаликлари рўйхатга олинган ва сургун қилинган. “Қулоқ хўжаликлари” рўйхатига киритилган оилаларнинг мол-мулки мусодара

[66] *Қурбонов Х.* Қуйи Зарафшон воҳасида ўтказилган коллективлаштириш сиёсати ва унингоқибатлари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. 2012. – Б. 73.

қилинган. Масалан, Хатирчи туманида 1400 та чорвадор хўжаликдан 27 та хўжалик мулки мусодара қилинган. Улардан 2100 та қоракўл ва 5117 бош бўрдоқи қўй мусодара қилинган. Мусодара қилинган қўйлардан 1200 таси совхозларга ва 500 таси колхозларга берилган. Жумладан, Хатирчида 1920 - 24 йиллар ҳокимлик қилган Саидмурод Эшон, инқилоб қўмитасининг раиси бўлган Саидаъзам Хўжаев, "Қўшчи" союзининг раиси, кейинчалик туман партия ташкилоти биринчи котиби бўлган Саид Содиқовлар "халқ душмани", Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовлар "миллатчи, ҳамфикрлари", деган сохта айб билан қамаб юборилди. Худди шунингдек, Хўжақул Эшон қишлоғида биринчи колхоз тузиб унга етакчилик қилган Эшмурод Абдиевни афғонларга пахта сотганликда айблаб, қамоқ жазосига ҳукм қилишган. Совет ҳукумати ўрнатиш ва мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилган кўплаб майда хизматчиларни ҳам большевиклар қатағон қилиб юборишди.

XX асрнинг 30-йилларида Хатирчи районида тузилган "учлик" комиссияси раиси Гончаров, аъзолари Бобохўжаев, Раҳматуллаевларнинг хулосаси билан шаҳарда чўпкори иморатлар қуришда машҳур бўлган Шамсуддин, пойафзалларга ўрик дарахти ёғочидан ҳамда мисдан мих ясовчи уста-михчагар Тўра Жўраев, ҳолвагарлар Ўрин Мўминов, Ғани бойвачча ва Абдусалом кулол, Бозор дарвоза гузаридан Ҳайдар Гадоев, Сув дарвозасидан Саид Хўжаев, Янгиработ қишлоқ шўросига қарашли Худдон қишлоғидан Икром Абдиев, Қўлва қишлоғидан Бобожон Ражабовлар ҳам, шунингдек, 1917-918, 1921-1922 очарчилик йилларида Хатирчи халқини буғдой донидан ёрма ош қилиб, жўхори тарқатиб, омон сақлаб қолган саховатпеша Абдухалилбойнинг ўғли Суннат Халилов кабилар қулоқ қилиб юборилган. Советлар томонидан олиб борилган қулоқлаштириш Хатирчи районида тобора авж олди. 1932 йил 17 майда Хатирчи райони "учлиги"нинг деҳқонлар ва камбағаллар билан ўтказган йиғилишида Чангир қишлоқ советига қарашли Турк, Оқ гумбаз қишлоқларидан 29 та оила қулоқ хўжалиги, деб топилган ҳамда Гончаров, Бобохўжаев, Раҳматуллаевлар имзоси билан баённомалар имзоланган.

Семитон қишлоғидан қулоқ қилинган Тилау (Тилов) Фай зиев, укаси Суюндиқ Файзиев, Ширин қишлоғидан Рўзи Қаландаров, Қўнғиротдан Даур (Давр) Умиров, Келачидан Аликул Муродов, Ҳаким Мулла Муродов, Шасвардан Раҳмонқул Алимов, Каттадан Санақул Дўсанов, Туркдан Назаркул Рашидов, Туркмандан Карим Ҳамроев, Жалойирдан Эшпўлат Тўхтапўлатов, Ортиқ Яхшибоев, Шойимқул Ҳошимов, Ҳайдар Омонбоев, Бойқобил Ҳакимов, Мамарасул Нурмуротов, Нормурод Жўраев, Галабекдан Нарзи Негматов, Қудрат Қурбонов ва бошқалар шулар жумласидан.

Қулоқлаштириш амалиёти билан бошланган сургун сиёсати оммавий тус олди. Бу борада сургун қилинадиган қулоқларнинг ўзига хос навбати тузилди. Биринчи навбатга – аксилинқилобий ва антисовет фаоллари; иккинчи навбатга концлагерларда отилган, қамалган ва маъмурий сургун қилинган қулоқларнинг оила аъзолари; учинчи навбатга – ижтимоий фаол бўлмаган, аммо коллективлаштиришга таъсир қилувчи қулоқ элементлари бор аҳоли қатлами киритилган. Тадқиқот юзасидан қилинган илмий сафар натижасида Хатирчи тумани Олтинсой фермерлар уюшмаси Оқтепа қишлоғидан хўжалиги қулоқ қилиниб, район ташқарисига сургун қилинган Назар Қобил Раҳматовнинг ўғли 108 ёшли Боли Ҳожи бобо Назаров ва 100 ёшли Бувиниёз ая ҳамда уларнинг авлодлари билан бўлган суҳбат натижасида айрим маълумотлар қўлга киритилди. Коллективлаштириш йилларида Боли Ҳожининг бобоси Раҳматилла, амакиси Йўлдош бой Ўролов ва бошқа қариндошлари қулоқ қилиниб, Бекободга сургун қилинган. Иккинчи укаси Мирза Қобил Раҳматов эса ўша йилларда қатағон қилиниб, отувга ҳукм этилган. Кейинчалик бобоси Раҳматилла ҳам Каттақўрғон турмасида отилган. Боли бобонинг учинчи укаси Облоқул Назаров хўжалиги билан қулоқ қилинган.

Уйида бор бўлган мол-мулк, кийим-кечакларгача олиб кетган ҳукуматдан нолиб: “Баҳона топилмаганда совет одамлари катта-катта солиқ солишар, бу солиқни эса тўлашнинг имкони йўқ эди. Ана шу солиқлар эвазига уйдаги яроқли буюмлар тўлов вазифасини ўтарди. Сўнгги чора эса қатағон, сургун, азоб-уқубат

эди. 1931–1932 йилларда уйимизда 1 та туя, 4 та от, 14 та қорамол ва юзлаб қўй бор эди. Коллективлаштириш даврида уларнинг барчасини ҳукумат одамлари олиб кетди, колхозга эмиш... У кундан бу кунга 4–5 литр сут берадиган, бола-чақа, рўзғорни тебратиб турган сигирдан маҳрум бўлганимиз ҳаммасидан ўтиб тушди.”, деб эслайди отахон. Архив ҳужжатларидаги маълумотлар таҳлилида “учлик”нинг 1932 йил 17 майдаги йиғилиш қарори билан Хатирчи райони Оқтепа қишлоғидан Назарқобил Раҳматов хўжалиги (3 жон), шунингдек, Муртазоқул Ўрозов хўжалиги (3 жон), Ўроз Неъматов хўжаликлари қаторида яна 7 та хўжаликнинг қулоқ қили- ниб, район ташқарисига сургун қилинганлиги маълум бўлди[67].

1934 йилга қадар амалга оширилган сургун ОГПУ, 1934 йилдан эса НКВД (ИИХК) “раҳнамолиги”да ва назоратида амалга оширилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1934 йилга қадар “қулоқлар сургуни”даги деҳқонлар – “махсус кўчкиндилар”, 1934–1944 йилларда – “меҳнат кўчкиндилари”, 1944 йилдан кейин эса – “махсус жойлаштирилган”лар (спецпоселенец) номи билан юритил- ган.

Айниқса, 1937–1938 йилларда советларнинг Ўзбекистонда амалга оширилган “катта террор” ёки “қулоқлар operatsiяси”, деб номланган қатағон сиёсати натижасида Зарафшон воҳасидаги Хатирчи районида ҳам қатағон қилинган “со-биқ қулоқ” ва деҳқонларнинг қисмати аламлидир. Иттифоқ Ички ишлар халқ комиссари, “темир нарком” номини олган Н.Ежов томонидан 1937 йил 30 июлда “собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш operatsiяси тўғрисида”ги 00447-сонли мутлақо махфий ва оператив буйруғи қабул қилинди. Бу буйруқ қатағоннинг оммавий тус олишига бош омил бўлди. Унга мувофиқ, 1937 йил 10 августдан то 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа

[67] Дала материалларидан. Ушбу маълумотлар Хуршид Қурбонов томонидан Оқтепа қишлоғида истиқомат қилган Боли бобо хотираларидан ёзиб олинди. 2008 йил 4 апрель.

олинган, улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8–10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Қатағон сиёсати белгиланган режа асосида босқичма-босқич амалга оширилган. Фақат 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида “учлик”нинг 1–32-сонли мажлис баённомалари қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинган 3083 кишидан 1688 киши отувга, 1369 киши 8–10 йил МТЛ (меҳнат тузатув лагери)га, 36 киши қамоқдан озод қилинишга ҳукм қилинган. Уларнинг 1543 нафари “собиқ қулоқ”, 781 нафари колхозчи деҳқон бўлган. “Кат-та террор” даврида қатағон қилинган кишиларнинг фақат Самарқанд ва Бухороокруглари бўйича жами сони 1300 нафарни, жумладан, Хатирчи районида ҳам улар кўпчиликни ташкил этади.

1937–1938 йилларда қатағон қилинган хатирчиликлар орасида Янгиобод қишлоғидан Икром Жалилов, Мухтор Рўзиев, Сўфидан Аҳмад Раҳмонов, Тошотардан Усмон Расулов, Болта қизилдан Эшмурод Йўлдошев, Қодир Намозов, Жаббор Сафаров, Чангирдан Чўти Муродов, Саройдан Турди Шодмонов, Чаросандан Ражаб Бердиев, Учқорадан Шодмон Бердиқулов, Қаричдан Муродил Муқимов, Мозордарбозадан Раим Муродов, Низом Бердиев, Янгидан Эргаш Холиқов, Сув дарвозадан Амин Холиқов, Келачидан Исроил Пардаев, Бўри Нуримов, Баҳриндан Шавқи Холмуродов, Чангирдан Бобон Расулов, Қоқдан Худойберди Юсупов, Полвонотадан Очил Ғаниев, Қоратепадан Ниёз Бобоев, Кориздан Қўқчор Абдураҳмонов, Ширидан Дўсмурод Қулмуродов, Тошпўлат Худойназаров, Олтинсойдан Асқар Абдуллаев, Учқорадан Иброҳим Тоғаев, Жўраободдан Бек Тошмуҳаммедов, Семитандан Ҳалил Ҳошимов, Каттадан Урумбой Каттабеков, Қудуқчадан Холмурод Иброҳимов, Галабекдан Яҳёхўжа Зикрияев каби юртдошларимиз шулар жумласидан.

Ана шу машъум йилларда Хатирчи тумани ҳудудидан қатағон қилинган-ларнинг айримларигина 10 йилдан сўнг қайтиб келган.

Юқорида келтирилган суд ҳужжатларида қўйилган ҳукмлардан

маълумки, ёлғон айблар қўйишда бир хил ёндашув ва нохолислик билан иш олиб борилган. Қатағонлар совет ҳокимиятининг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигини зўравонлик билан таъминлаб берган.

Қатағонлар ўзбек қишлоғидаги ижтимоий-сиёсий аҳволга оғир таъсир кўрсатди. Коллективлаштириш туфайли деҳқонда ерга эгалик ҳисси ҳамда меҳнатидан манфаатдорлик йўқолди. Қулоқлаштириш натижасида нафақат тадбиркор, ишбилармон, бойлар, балки қишлоқ хўжалигининг таянчи бўлган ўртаҳол қатлам ҳам қатағон қилинди. Бу даврнинг гувоҳи бўлган Полвон ота қишлоғида яшовчи 105 ёшли Бобоёр Каримовнинг хотирлашича, 1937–38 йилларда қишлоқ советининг раисидан тортиб ўртаҳол деҳқонлар, мироблар, ўқитувчилар, ҳаттоки, колхозчиларгача қатағон қилинди. Мактабларда таълим берадиган ўқитувчи зоти қолмаган.

Сургун натижасида аҳоли ўз ери, ўз мулкидан, ўз оиласидан ажралди. Натижада, қишлоқ эгаси камбағал-деҳқон бўлиб қолди. Бу эса иқтисодий ночор оқибатларга олиб келди. “Катта террор” халқнинг руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Сибирга сургун қилинган кишилар ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб чекишган. Сибирь ҳавосининг совуқлигидан маҳбусларнинг киприкларигача музлаб қолган, озиқ-овқат танқислигидан картошка ва пиёзнинг пўстлоғини еб жон сақлашган. Кўпгина маҳбуслар турли касаллик, очлик ва ҳавонинг совуқлигидан эрталабгача бормай ўлиб кетаверган. Майитларни эса, кафансиз, жанозасиз умумий ўрага кўмиб юборишади. Хатирчи ҳудудида ҳам совет тузуми душмани, деб ҳисобланган маҳбуслар учун қатор қамоқхоналар ташкил этилган. Хусусан, Зарафшон колхози ҳудудида 3 та (Янгиқурилиш маҳалласида, Чанқай қишлоғида, Зарафшон маҳалласида), Зарафшон дарёсининг чап соҳилидаги Исабойтепа қишлоғида битта қамоқхона бўлган.

Ҳозирги Зарафшон бозорининг ўрнида етти пахса баландликдаги девор билан ўраб олинган қамоқхонада турли сабаблар билан ўлиб кетган маҳбуслар ҳовли этагидаги ўрага кўмиб ташланаверган. Яқин-яқинларгача қамоқхона

ўрнининг ён-атрофларидан одам суяклари чиқиши фикримизнинг исботидир. Совет тузуми қатағон сиёсатининг қаттол устунларидан бири Каттақўрғон районига қарашли, Хатирчидан 4–5 километр узоқликда, Зарафшон дарёси бўйидаги Исабойтепа қишлоғида Андижон 54-колониясининг бўлими жойлашган эди. Қамоқхона бошлиғи Неъмат Шоев деган киши бўлган. Қамоқхона Саттор- бойвачча, Эгамбердибой, Омон “катта пой” каби бойларнинг хонадонларида (ҳозирги Усмон Назаров хонадони ўрнида) ташкил этилган бўлган. Бу қамоқхонада тахминан икки мингга яқин маҳбуслар сақланган. Хоналарга маҳбуслар сиғмасдан, қамоқхонанинг айвонларида ётишга мажбур бўлишган. Воқеаларнинг гувоҳи бўлган 95 ёшли Қамариддин Қаюмовнинг хотирлашича, маҳбуслар ниҳоятда юпун кийинган, оч-наҳор, касаллигидан оёғини зўрға судраб юришган. Ҳар куни тонгда қуролланган соқчилар қуршовида 15–20 тадан гуруҳ бўлиб, ишлатишга олиб чиқилган. Очликдан қийналаётган маҳбуслар баъзида тўрт-беш кетмон чопа олмасдан ўша жойда ўлиб қолаверган. Бундан ташқари, ярим кечасидан то тонггача бўлган оралиқда маҳбуслар жар ёнидаги кўл ёнида отиб ташланган ва ўша ерга кўмиб юборилган. Қишлоқдагилар баъзида ҳар кеча тинимсиз ўқ товушларини эшитишган. Мана шундай жараёнлар халқда қўрқув, ишончсизлик, умидсизлик, манфаатсизлик кайфиятининг кучайишига сабаб бўлди.

Умуман олганда бугунги кунда холис ва ҳаққоний тарихни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадида совет ҳукмронлиги даврида амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, қатағон сиёсатларини ўрганиш ва холис тарихни яратишда ҳуқуқий асослар яратилди. Шу ўринда бизнинг бош вазифамиз эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган ин-сонлар хотирасини абадийлаштиришдан иборат.

МУЛЛА БЕКЖОН -ХОРАЗМНИНГ ИЛҒОР МАОРИФЧИСИ ВА СИЁСИЙ АРБОБИ

Рахманова Ю.М. тарих фанлари номзоди, УрДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори, докторант

Илм зиё тарқатиш дунёнинг барча халқлари эътиқодларида эзгу вазифалардан саналади. Қримда вужудга келиб, Марказий Осиёга тарқалган жадидчилик ҳаракати мақсадли дастурларида айнан шу масала муҳим ўринлардан бирини эгаллаган. Жадидчилик фақат маърифатпарварлик ҳаракати бўлибгина қолмасдан ўз маслагини сиёсий партияларда акс эттирди. Марказий Осиё давлатлари ичида Хива хонлигида шу ҳаракатнинг бир оқими сифатида “Ёш хиваликлар” партияси ташкил топди. XX аср бошида Хива хонлигида кечган сиёсий ва маданий жараёнларда “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг етакчи пешқадамларидан бири Мулла Бекжон Раҳмон ўғли нинг (1887-1929)нинг ҳам муҳим улуши бор.

“Ёш хиваликлар” ўз олдиларига давр талабларига жавоб берувчи улуғ мақсадларни қўйган эдилар. Дастурларида даврнинг долзарб муаммоларидан бири маориф соҳасини ривожлантириш масаласи ҳам илгари сурилган бўлиб, вақф ерлари (масжид, мадрасаларга қарашли ерлар)дан тушадиган даромад ҳисобига болаларни бепул ўқитадиган мактаблар қуриш назарда тутилган эди. Лекин Хива хони “Ёш хиваликлар”ни доимо таъқиб остига олган.

Мулла Бекжон Раҳмонов Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган яширин ташкилот “Миллий иттиҳод” (1920—25) (“Миллий иттиҳод” -большевиклар режимига қарши курашда совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларга таянган ва ўз олдига Туркистонда миллий мустақил давлатни барпо этишни бош мақсад қилиб қўйган. “Миллий иттиҳод”нинг ўзагини ўз Ватанининг мустақил бўлиши йўлида курашга тайёр

бўлган тараққийпарвар зиёлилар ташкил этганлар) фаолиятига ҳам яқиндан ёрдам берган.

1920 йил 1 февралда Хива хони тахтдан туширилгач, ҳокимият муваққат инқилобий ҳукумат ревком қўлига ўтди. 1920 йил 9 апрелда муваққат инқилобий ҳукумат таркибида тармоқлар билан шуғулланувчи нозирликлар тузилиб, Мулла Бекжон Раҳмонов халқ маданияти ва маорифи нозири қилиб тайинланади. Шу кундан эътиборан Мулла Бекжон Раҳмонов ўлкада маданият ривожи учун қайғура бошлади. 1920 йил 2 апрелда Хива шаҳрида хоннинг Тошҳовли саройида Халқ музейи ташкил этилиб, унга Халқ маданияти ва маорифи нозири Мулла Бекжон Раҳмонов раҳбарлик қилди[68].

1920 йил 27-30 апрелда бўлиб ўтган бутун Хоразм меҳнаткаш Халқ вакилларининг 1-қурултойида "Хоразм Халқ Республикаси" ҳукумати сайланади. Ҳукумат таркибида "Ёш хиваликлар" партияси аъзолари фаол иш олиб бордилар. Шу йил июл ойи бошларида маориф нозирлиги 18 ёшга тўлган эркак ва қиз болаларни мактабга жалб қилиш мақсадида рўйхатга олади. Гарчи маҳаллий аҳоли бунга қаршилик билдирган бўлса ҳам ушбу қарор халқ таълими ривожи учун аҳамиятли эди.

Хивадаги муваққат инқилобий ҳукумат вакиллари маҳаллий ҳукумат аъзолари билан келиша олмай 1921 йил 28 ноябрда улардан бир гуруҳини қамоққа олдиради. Қамоққа олинганларнинг орасида Мулла Бекжон Раҳмонов ҳам бор эди. Мулла Бекжон ва бошқалар "Хоразм халқининг душмани" деб айбланадилар. Уларга олдин олий жазо ҳукм қилиниб, кейин 10 йил қамоқ муддати билан алмаштирилди. Лекин бу қарор яна ўзгартирилади ва жабрланувчилар қайтадан ҳукумат ишига жалб қилинадилар[69]. Жумладан Россиянинг комил ҳуқуқли вакили Гродецкий партия мажлисида Мулла Бекжонни ҳибсдан чиқаришни таклиф этади. Шунда Аҳмад Маҳмудов деган киши қарши чиқиб, Мулла Бекжон билан Бокуга Шарқ съездига вакил бўлиб

[68] Юсупов Полвонниёз Ҳожи. Ёш Хиваликлар тарихи. – Урганч: Хоразм, 2000. – Б. 28.
[69] Юсупов Полвонниёз Ҳожи. Ёш Хиваликлар тарихи. – Б. 45.

борганида Мулла Бекжон Рисқуловлар билан бирга бўлиб, Анвар пошшо билан иттифоқ тузганлигини айтади ва Мулла Бекжонни доим ҳибсда сақлаш таклифини киритади. Шунда Гродецкий яна сўз олиб, Мулла Бекжон Рисқуловлар билан аҳди-паймон қилган бўлса ҳозир биродар Рисқулов Тошкентда Нозирлар шўросига раис лавозимида ишламоқда деб ахборот беради ва эртасига ҳукуматга айтиб, Мулла Бекжонни ҳибсдан бўшаттиради[70].

Озодликка чиққан Мулла Бекжон таълим соҳасида қатор ишларни амалга оширади. Хусусан, мактаб болалари учун китоб ёзиб тайёрлаш учун уч кишидан иборат комиссия ташкил қилинади: Мулла Бекжон – раис, Гродецкий ва Бобо Охун Эшон аъзо қилинадилар. Шу тариқа хонликнинг қози қалони Бобоохун Салимов ва Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўқиб қайтган Мулла Бекжон Раҳмонов ҳамкорлигида жадид мактаблари учун “Алифбо” ва “Ўқиш китоби” каби дарсликлар яратилди[71].

Мулла Бекжон Раҳмонов нафақат бир неча ўқиш китоблари балки қатор публицистик, илмий асарларнинг ҳам муаллифи ҳисобланади.

У 580 га яқин Хоразмнинг халқ мақолларини тўплаб, “Оталар сўзи” номи билан 1923 йил Хива шаҳрида нашр қилдиради. Ушбу китобда жамланган асл мақолларда халқнинг ҳаётга муносабати, кузатувлари асосидаги ҳикматлари ўрин олган. Хусусан, “Эртага ош қолса давлат, иш қолса меҳнат”, “Ўз қадрини билмаган-киши қадрини билмас”, “Давлат-оғзибирчилик”, “Роҳат-меҳнатнинг орқасида”, “Тек юрган, тўқ юрар”, “Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?”, “Бир кун туз еган ерга 40 кун салом”, “Ота-она тахт этар-бахт эта билмас”, “Ишласанг тишларсан, ишламасанг нимани тишларсан”, “Дўст юзга, душман иза”, “Ўтни ковласанг ўчар, қўшнини ковласанг кўчар”, “Онасини кўр, қизини ол, қироғини кўр, безини ол”, “Ўғри бойимас, ёлғончи ялчимас” ва бошқалар. Асрлар давомида тўпланган бу мақолларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс.

[70] Юсупов Полвонниёз Ҳожи. Ёш Хиваликлар тарихи. – Б. 43.
[71] Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Тошкент, 1998. – Б. 81.

Мулла Бекжон Раҳмон ўғлининг Муҳаммад Юсуф Девонзода билан ҳамкорликда ёзилиб, нашр қилинган яна бир рисоласи “Хоразм мусиқий тарихчаси” деб номланади. Рисола Хоразмнинг мусиқа соҳасидаги асл тадқиқотлардандир. Асар 1925 йилда Москвада эски ўзбек ёзувида чоп этилган бўлиб, унда “Китобнинг моҳияти, Хоразм мусиқаси кечирган аҳволи, мақомларнинг тақсимоти ва усуллари ва таржимайи ҳоллар (мусиқа илмига ҳисса қўшганларнинг таржимаи ҳоллари-Ю.Р.)дур. Китобимизнинг одини “Хоразм мусиқий тарихчаси” деб одламоқни ўхшорли гўрдик”, дея қайд этилади[72].

Мулла Бекжон Раҳмон ўғли 1825 йилда ҳаттот Собир Худойберган ўғлига “Ҳилвати сўфиҳо” асарини кўчиртирган эди[73]. Ўз олдига Хива хонлигида кечган муайян воқеаларни акс эттиришни мақсад қилиб қўйган бу асар муаллифи кўп ҳолларда мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаётига оид маълумотларни ҳам келтириб ўтади. Бошқа манбаларда учрамайдиган Хива шаҳри ва ундаги шаҳар ҳаёти хусусидаги маълумотлар улар сирасига киради. Шу жиҳатдан бу асарнинг қиммати юксакдир.

Мулла Бекжон Рахмонов маданият соҳасининг театр йўналишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди[74].

Мулла Бекжон Рахмонов МИК иш бошқарувчиси (1921 йилдан), «Инқилоб қуёши» газетасининг муҳаррири (1920-1921) лавозимларида ҳам фаолият олиб борди. Унинг ташаббуси билан Хоразмда кўплаб мактаблар (ўзбек ва туркман тилларида) очилган, 1921 йил сентябрда Хивада халқ университети ташкил қилинган. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, Хоразм округи (вилояти) халқ маориф бўлими мудири (1925-26) ва бошқа лавозимларда ишлаган. Мулла Бекжон Рахмонов 1929 йилда Амударё (кеманинг ичи)да совет чекистлари томонидан фожиали ўлдирилди.

---

[72] Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 48 б.

[73] Ҳалвати сўфиҳо. – ЎзФА ШИ қўлёзмаси. Инв. № 7610. – 76 варақ.

[74] Собиров О., Қозоқов Э. Хоразм тарихидан лавҳалар (1920 йиллар). –Урганч, 1994. – Б. 26.

Асл юрт фарзандлари эл корига яраши, Ватан ривожи учун қайғурмоқни ўз шарафли бурчи дея билиши, Ватаним-орим, номусим, шарафим - шоним дея билмоқлари даркор. Мулла Бекжон Раҳмон ўғлининг ҳаёт йўли барча эллар ва барча халқлар ўғлонлари учун бирдек ибратлидир.



Мулла Бекчон Раҳмонов. Ёш хиваликлар партияси аъзоси,
ХХР халқ маданияти ва маорифи нозири,
ХХСР маориф нозири(1877-1929)

“ПАХТА ИШИ” ҲАҚИДА

Р.Қаршиев,
НавДУ профессори

80-йилларда собиқ Марказ томонидан ўзбек халқига нисбатан оммавий қатағонларнинг янги босқичи бошланди. "Пахта иши" деб ном олган ушбу сиёсий кампания орқали ўзбек халқи шаънига турли туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилиб, минг-минглаб бегуноҳ инсонлар жазога тортилди. КПСС МК сиёсатини ўйламасдан бажарган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша пайтдаги биринчи котиблари И.Усмонхўжаев ва Р.Нишоновнинг қатъиятсизлиги, узоқни кўра олмаслиги, сиёсий иродасининг заифлиги туфайли Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан ғаразли сиёсати қатағон тусини олди. Давлатга пахта етказиб бериш режасининг йил сайин ортиб бориши, уни бажариш, ҳосилдорликни сунъий равишда ошириш учун кимёвий моддаларнинг аёвсиз ишлатилиши, алмашлаб экиш ва бошқа агротехник қоидаларнинг қўполлик билан бузилиши туфайли тупроқ унумдорлиги кескин пасайиб кетди.

Пахтачиликдан келадиган даромаднинг марказ томонидан сунъий равишда камайтирилиши, ғалла ҳамда турли озиқ-овқат маҳсулотларининг четдан олиб келиниши, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий аҳволи ва моддий турмуш даражасининг ёмонлашуви пахта яккаҳокимлиги соҳасидаги калтабин сиёсатнинг оқибатлари эди.

“Пахта иши” кампанияси даврида Гдлян ва Иванов тергов гуруҳи томонидан юртимизда ҳаммаси бўлиб 25 минг кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, улар расмий суд ёки тергов-суриштирув ишлари ўтказилмасдан қамалди, 4 минг 500 киши жиноий жавобгарликка тортилди, 3 минг 600 нафар кишига турли даражадаги жазо чоралари қўлланди. Ўша вақтларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 4 нафар, вилоят партия қўмиталарининг эса 8 нафар котиби,

Ички ишлар вазирлигининг 20 нафар раҳбар ходими, шунингдек, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги депутатларнинг оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқлари топталиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳатто собиқ мустабид тузумнинг энг олий қонун чиқарувчи органи бўлмиш СССР Олий Совети депутати бўлган шахсларнинг 4 нафари Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби қабулхонасида ҳибсга олиниб, қўлига кишан солинди.

Энг даҳшатлиси-пахта сиёсатига умуман алоқаси бўлмаган қанчадан-қанча кексалар, кампирлар, ёш болали ва ҳомиладор аёллар ҳам ноқонуний тарзда қамалди. Зулм ва зўравонлик шу даражага етдики, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилганларга сохта айбномалар ва бўҳтонларни мажбурлаб тан олдириш учун уларнинг оила аъзолари –аёллари ва болалари қўшни хоналарга олиб кирилиб, қаттиқ қийноққа солинди. Жумладан Жиззах вилояти раҳбар ва хўжалик ходимларини ҳам четлаб ўтмади... Асрор Эргашев, Баҳром Маллаев, Абдурасул Абдумажидов, Азиз Саитқулов, Яхшилик Қобилов, Маҳкам Алимов- буларни яна рўйҳатини давом эттириш мумкин.

Биз ҳозирча Баҳром Маллаев ҳаёт йўлига боқамиз... 1947 йил 22 декабрь куни Самарқанд вилояти Булунғур туманида таваллуд топган. 1964 йил 11-сонли ўрта мактабнинг 10 синфини тугаллаб, комсомол йўлланмаси билан чўлни ўзлаштириш учун Жиззах вилоятига юборилади. Ёш Баҳром ўз фаолиятини Пахтакор тумани А.Икромов номли савхозда тракторчиликдан бошлайди. 1965 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кириб, 1971 йилда муваффақиятли тамомлаб, ўзи ишлаган савхозга қайтиб келади. 1971-1974 йилларда бош агроном ёрдамчиси, бош агроном вазифаларида ишлади. 1974-1975 йилларда эса Зафаробод тумани Уч Қаҳрамон савхозида партком, 1975-1976 йилларда бош агроном, 1977-1978 йилларда С.Раҳимов номли савхозда бош агроном, 1978 йилдан то 1986 йилгача директор, 1986 йилдан шу тумандаги Охунбобоев савхозида директор бўлиб 1988 йилгача ишлаган.

1988 йилнинг декабридан 1990 йилнинг февралигача “Пахта иши” бўйича Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида жазони ўтаган. Суд жараёнлари, ярим тунда олиб бориладиган тергов, қийноқлар... буларни барчаси Баҳром Маллаевгагина маълум эди.

1989 йил Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб сайлангач, халқимизга нисбатан адолатни тиклаш йўлидаги бу ҳаракатлар янада қатъият билан давом эттирилди. Бунда айниқса “пахта иши” бўйича жазога тортилганлар фаолиятига қонуний баҳо бериш бўйича махсус комиссиянинг тузилиши муҳим тарихий қадам бўлди. Комиссия ўз фаолиятини адолат тамойилларига амал қилган ҳолда фаолият олиб борди. Унинг ҳар бир хулосаси асосида Ўзбекистон Олий суди ноҳақ тазйиқ ва таъқибга учраган, қамоққа олинган юртдошларимизни оқлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилди. Шу тариқа қанчадан-қанча инсонлар ўз оиласи бағрига қайтди, юртимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит яхшиланди. Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқароларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида танлаган йўлдан қайтмади. Ўзбекистон Президентининг топшириғига биноан, инсоний шаъни топталган юртдошларимизни оқлаш, уларни эркин ҳаётга қайтариш бўйича бошланган ишлар қатъий давом эттирилди. Ўзбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деб аталмиш туҳматларни тўқиб чиқарган, биз ўзбекларга турли-туман шармандали тамғалар ёпиштирилган фожиали саҳифаларни ҳеч қачон унутмайди, бу даврда оддийгина инсоний ҳуқуқлар, ҳуқуқий меъёрлар бузилган, юз минглаб гуноҳсиз кишилар қамоққа ташланган, бинобарин, маҳаллий аҳолига нисбатан қирғин уюштирилган эди.

1990 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси Полвон-Зода раислигида иш қайта кўрилиб, жиноят содир этилмаган деб топилди ҳамда афв этилди. Олий Суд қарорига асосан афв этилиши билан бирга Баҳром Маллаевнинг олдинги мавқеини қонуний тикланди ҳамда давлат

мукофотлари қайтарилди. Шундан сўнг, С.Раҳимов савхозида бўлим бошлиғи вазифасида 1990 йилдан 1993 йилгача ишлади. 1993 йилдан 1999 йилгача С.Раҳимов савхозида директор лавозимида ишлади.

1999 йилдан 2000 йилгача Жиззах вилоят “Мева-сабзавотчилик” бошқаруви раиси, 2001 йилдан Жиззах вилояти Дўстлик туманида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, 2003 йилдан Жиззах вилояти ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлими мудири лавозимида, 2009 йилдан 2010 йилгача Жиззах вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Баҳром Маллаев ўз фаолияти давомида халқ фаровонлиги ва юрт равнақи учун бор куч-ғайратини аямади. Қаерда бўлмасин аҳолини шароитини яхшилашга ҳаракат қилди. Б.Маллаевни таниганлар ҳам ҳозирги кунда яхши ва унитилмас хотиралар билан эслашади:-“Бамисоли ҳазрати инсон, беқиёс ва бебаҳо”. Б.Маллаевни фарзандлари ҳам жуда олийжаноб, меҳнатсевар, оқила, зукко ва барчаси олий маълумотли, ўз касбининг моҳир усталаридир.

“НУРОТАНИНГ НУРЛИ ФАРЗАНДИ (ТУРСУНХЎЖА ЭШОНХЎЖА – ЭШОНИ СУДУР ҲАҚЛАРИДА)” НОМЛИ РИСОЛАНИ ЎҚИБ ...

Навоий давлат университети доценти, тарих фанлари доктори,
“Қатағон қурбонлари хотираси музейи” директори,
Хуршид Қурбонов

Аввало, Суюндиқ Мутафо Нуротоий ҳақида.

Нуротанинг асл фарзанди Чашма қишлоғида туғилиб, илк таълимни қишлоқ мактабида олди. Илмга ва адабиётга бўлган қизиқиш уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига чорлади. Олийгоҳни муваффақиятли тамомлаган ёш мутахассис илк фаолиятини тумандаги 10-сон мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик “Нуронома” газетаси

нашриётида бош муҳаррир, Навоий вилоят телерадиокомпаниясида, Тошкент шаҳридаги бир қатор нашриётларда масъул лавозимларда фаолият олиб борган.

Суюндиқ Мустафо таваллудида нафақат ота-онасини, балки жамиятни “суюнтир”ган, хурсанд қилган, шу билан бир қаторда Муҳаммадга муммат бўлган “танланган” инсондир.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг “Қатағон қурбонлари илмий меросини чуқур ўрганиш ва уларнинг номларини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори, “Сиёсий қатағон қурбонларини номма-ном аниқлаш тўғрисида”ги фармойишлари XX асрда қатағон қилинган юртдошларимизни аниқлаш ва уларни хотира китобларига жамлаш ишлари янада жадаллашди.

Суюндиқ Мустафо айнан ана шу ишларда бизга кўмакдош бўлиб, муносиб ҳисса қўшиб, ҳудудлардан қатағон қилинган ислом уламолари тарихи ва тақдири ҳақида бир қатор китоблар чоп эттирди.

Асар ҳақида.

Миллий истиқлол халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини фидо этган, сиёсий қатағон қурбонлари бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрга ниш ва тадқиқ этиш, уларнинг номлари ва хотирасини абадийлаштириш бўйича кейинги йилларда юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, бу йилларда диний-уламолар беаёв қатағон қилинган. улардан бири Нурота фарзанди Эшони Судур бўлиб, ўтмишнинг не-не азоби бўлса, барчасини кўриб, миллат қаҳрамонларибан бири сифатида тарихга муҳрланди.

Нурота фарзанди Суюндиқ Мустафонинг Турсунхўжа Эшонхўжа ҳақидаги рисоланинг илк бобларида советларни ҳокимият тепасига келиши (1917 йил воқеалари), туркистон халқларининг миллий-озодлик учун ҳаракатлари, 1918-1935 йилларда юрт озодлиги учун курашган фидойилар тарихи (“босмачилик” деб ном берилган жараёнлар), саводли, илмли, эътиқодли, молу давлатли, кўпчиликка тўғри йўлни кўрсат иш салоҳияти

бўлган қатламнинг таъқибга учраши, “Катта қирғин”, яъни 1937-1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар, жумладан аёллар ва болалар қатағонлари ҳақида фикр билдирилган.

Бугунги мустақиллик шарофати билан қатағон қилинган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, уларнинг шонли тарихини яратиш борасидаги ислоҳотлар ҳақида атрофлича далилий манбалар билан баён қилинган.

Ушбу китоб нуроталик ватанпарвар сиймо , ўз умрини юрт мустақилли ги йўлида фидо айлаган қатағон қурбони Турсунхўжа Эшонхўжа ўғили - Эшони Судур ҳақларида бўлиб, мазкур сиймога советлар томонида 1928 йилда очилган жиноят иши ва ҳукм материаллари ҳамда хотиралар асосида ёзилган.

Рисолада асосий мавзу Бухоронинг сўнгги амири “Судур” унвони билан сийлаган чинаккам ватанпарвар ва совет босқинчиларига қарши курашчи, Нурота фарзанди Эшони Судур - Турсунхўжа (1872 - 1936) нинг ҳаёти ва қисмати, қатағонлик азоблари илмий асосда таҳлил қилинган.

Бу борада ОГПУ нинг Зарафшон округи хужжатлари орасида (№2502-сон) Турсунхўжа Эшонхўжаевга тегишли йиғма жилднинг топилганлиги ва унда юртдошимизнинг ЎзССР ЖКнинг 69, 78, 242-моддалари билан жиноят иши қўғатилганлиги, 1928 йилнинг 11 августида Катақўрғон турмасига юборилганлиги аниқланган.

Китобда Эшони Судурнинг шахсияти оида қизиқарли маълумотлар келтирилган бўлиб, айниқса юртдошларининг у ҳақидаги фикрлари алоҳида сатрларда баён қилинганлиги, унинг шахсиятини туранроқ очиб беришга хизмат қилади.

Жумладан, Миртош бобо, Довуд бобо, Самадов Аҳмадқул, Раҳмонқул бобо, Уста Раҳмон, Караматулло эшон, Жуманазаров Сайид муаллим, Сирож Аслонов, муаллим, Фазлиддин бобо Баҳромов, Фозил бобо Шоназаров, Ражаб бобо, Аҳмаджон Эшон Атожон Эшон ўғли, Исматов Хайриддин муаллим, Уста Сафар Соҳибов, Хайриобод қишлоғилик Нўъмон бобо Чўттиев, Чуялик

тўқсон ёшли Ўроз бобо Жиянов, Жилонтамғалилик Ёқуб оқсақол Жиянов, Балиқчиоталик (Қўшработ) Умиркул оқсақол, Қўшработлик Абдураззоқ оқсақол, Жўшлик Жумабой бобо Қурбоновларнинг мулоҳазалари асарни янада мукаллаштиришга хизмат қилган.

Таърифларда Эшони Судурнинг хизматлари алоҳида эътироф этилган. Унинг соддагина турмуш кечирган оилада истиқомат қилганлиги, савдо ва савдогарликка қизиқиши, фаолиятини тузфурушликдан бошлаб, сўнгра нуроталик ҳунармандлардан қўлда тўқилган бўз, қалами ва олачалари савдоси билан шуғулланиб, Бухоро амирлиги тасарруфидаги бозорларга чиқариб, савдо сирларини пухта ўрганганлиги жуда қизиқ.

Аср бошларида катта савдога ўтиб, қоракўлчилик билан шуғуллан увчилардан қоракўл терилар сотиб олиб, аввалида Бухоро, сўнгра Франция иш билармонлари билан ҳамкорликда ишлганликлари таъкидланади.

Унинг Нурота шаҳри, Қўшработ, Чуя ҳудудларида тегирмон, жувозхоналар қурганиб, ерларни ўзлаштириб, катта мулкдорга айлана бориб, 1910 - йилларда Турсунхўжа Бухоронинг таниқли бойлари сафидан ўрин олганлиги, айниқса, Файзулла Хўжаевнинг отаси - йирик қоракўлчи савдогар Убайдуллохўжа билан ҳамкорликда Бухоро, Самарқанд, Оренбург, Петрбург, Афғонистон бозорларигача кириб борганлиги асарда талқин қилинади.

Айниқса, у Нуротага картошка, помидорнинг ҳосилдор уруғларини олиб келганлиги, 100 туплаб балхи тут келтирганлиги, рус гилоси ва акатsiя дарахтлари экишни жорий этгани, ўндан ортиқ ноёб гулларнинг уруғини келтиргани, 1899 йилда биринчи бўлиб , Нуротага патефон олиб келганлиги унинг тарихий шахс эканлигидан далолатдир.

Эшони судур ҳалоллик ва инсонийлик фазилатлари орқали етим-есирларнинг бошини силагани, очарчилик заонасида аҳолига таом тарқатганлиги, ночор болаларнинг тўйларини қилиб берганлиги қайд қилинган. Бундан ташқари Нуротадаги бир қанча тарихий обидалар, масжидларни таъмирлашга қўшган ҳиссаси янада улуғвордир.

Асарда Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон ҳамда Колесов билан боғлиқ тарихий воқеликларнинг баён қилинганлиги айнан шу даврда Нурота тарихи билан билан узвий боғланганлиги, тарихчилар учун муҳим фактлардир.

XX асрнинг 1-чорагида Нурота, Кармана ҳудудларида фаолият олиб орган Мулла Абдуқаҳҳор ҳақидаги фактлар янада муҳим бўлиб, йигирма қўрбоши бирлашган 1500 аскарнинг Олий бош қўмондони бўлган Абдуқаҳҳҳорнинг Бухоро, Кармана, Конимех, Нурота атрофларидаги қўрбоши гуруҳларини бирлаштириб, Бухоро ва Кармана вилоятларида қизил армияга қарши курашлари диққатга сазовор.

Мулла Абдуқаҳҳор билан бир сафда бўлган Метан Полвон, Наим Полвон,Шукур Хўжа, Жўра Амин,Хайит Амин, Остон Қоровулбеги (Остонча), Ўрмон Полвон (Нуротадан), Саид Мансур (Хатирчидаги Пармидон атрофидан), Мурод Мешкоб, Азимхўжа, Ҳамро Полвон, Тош Мурдашуй, Хушвақт (Нуроталик бўлиб, эл орасида Хушбоқ пучуқ лақаби билан аталган), Абдурасул афанди (Нуротадан), Оға Гулбек (Нуротадан), Азим Юзбоши (Нуротадан), Ёдгор Хўжа (Нуротадан), Исфар Ҳожи (Карманадан), Абдулла Бобоёр (Карманадан), Рўзи Мерган (Кар ма надан), Қурбон Назар (Карманадан), Тўхтамурод Қўрбоши (Хатирчидан), Сирож Хўжа (Нуротадан), Нодира қиз (Карманадан), Қорача Мерган (Хатирчидан) каби сардорлар ҳақидаги маълумотларнинг келтирилгани, ўша давр тарихшунослиги учун янги манбаларнинг очилиши билан белгиланади. Бу борада эса Эшони Судурнинг қўрбошиларга берган ёрдамлари алоҳида сатрларда баён қилинади.

Китобда 1937-1938 йилларда қатағон қилинган Нуроталик 23 шахснинг номма-ном келтирилганлиги, уларнинг миллат фарзандлари сифатида тараннум қилинганлиги ва беайб “айбланган”лигини ўқиш мумкин.

Эшони Судурнинг тергов маълумотлари, меморандумлари батафсил келтирилган бўлиб, бу фактлар асл ҳолида таржима қилинган ва инсон ҳаётини

таҳқирлаш учун қанқадан-қанда юртдошлари терговга тортилганлигини кўрсатиб турибди.

Асарнинг кейинги бобларида Эшони Судурнинг савдога киришиши, деҳқончиликдаги ўзгаришларига сабаб бўладиган фаолиятлари, қатағонга тортилган бошқа оила аъзолари ва уларнинг тақдири батафсил баён қилинган.

Умуман олганда, ушбу рисола орқали Нурота фарзанди Турсунхўжа Эшонхўжа – Эшони Судур ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш мумкин. Бундан ташқари у кишининг замондошлари бўлганлар ва оила аъзоларининг ҳам қисматлари битилганки, бу Зарафшон воҳаси ва Нурота тарихи учун муҳим манба бўлиб хизмат қилажак.

HOJI MUIN SHUKRULLO O‘G‘LI DRAMATURGIYASIDA MILLIY O‘ZLIKNI ANGLASH VA MA’NAVIY-AXLOQIY INQIROZ TANQIDI (“TO‘Y” DRAMASI MISOLIDA)

Navoiy davlat universiteti
o’qituvchisi MuftillayevaUmida

Hoji Muinning XX asr boshlaridagi faoliyati Turkistonda jadidchilik harakati, ma’rifiy islohotlar va milliy-madaniy jarayonlarning rivojlanishi bilan bog‘liq holda namoyon bo‘lgan. Uning dramaturgik va publitsistik asarlarida o‘sha davr jamiyatining ijtimoiy-maishiy muammolari, ta’lim masalalari hamda ma’rifiy qarashlari ifodalangan. Jadidlar matbuot va usuli jadid maktablari qatorida teatrni ham xalq ongiga tez va samarali ta’sir ko‘rsatuvchi muhim ijtimoiy-ma’rifiy vosita deb bilganlar[75]. Mahmudxo‘ja Behbudiy ta’kidlaganidek, teatrda voqealar amaliy harakatlarda namoyon bo‘lgani bois uning ta’sir kuchi kitob mutolaa qilishdan ko‘ra yuqoridir[76]. Behbudiyning 1911-yilda yozilgan “Padarkush” dramasi jadid teatrining poydevori sifatida jaholat oqibatlarini fosh etib, ma’rifat yo‘nalishini

[75] Rahmatullayeva D. Jadid teatri: tarixiy drama. – Toshkent: “San’at” nashriyoti, 2004. – B. 8.
[76] Behbudiy M. “Teatr nadur?” // “Oyina” jurnali. – 1914. – 29-son. – B. 550.

belgilab berdi va jamoatchilik tomonidan ma’naviy hamda tarbiyaviy ahamiyatga ega asar sifatida e’tirof etildi.

M.Behbudiy an’analarini davom ettirgan holda Samarqand jadid muhiti vakillari orasida dolzarb ijtimoiy-ma’naviy muammolarni qamrab olgan yuqori darajada g‘oyaviy-badiiy saviyadagi dramatik asarlarni yaratgan taraqqqiyparvar Hoji Muin Shukrullo o‘g‘li alohida ajralib turadi”[77]. Ma’rifatparvar “Padarkush” asaridagi qarashlar ta’sirida, dramaturgiya sohasidagi faoliyatini boshlagan [78]. Hoji Muin teatrni shunchaki ko‘ngilochar maskan emas, balki “millat ko‘zgusi” sifatida baholagan. Uning sahna asarlari o‘sha davrdagi Turkiston jamiyatining turli sohalardagi dolzarb muammolarini badiiy jihatdan atroflicha aks ettirgani bilan tarixiy ahamiyatga ega [79]. XX asr boshlarida jadid adabiyotida jaholat va ma’rifat o‘rtasidagi to‘qnashuv hamda millatning ijtimoiy-ma’rifiy qoloqlik sharoitidagi holati Hoji Muinning Nusratullo Qudratullo bilan hamkorlikda yaratgan ilk dramasi “To‘y” (1914), shuningdek, muallifning ijodiy faoliyatida alohida o‘rin tutuvchi “Mazluma xotin”, “Eski maktab – yangi maktab” hamda “Ko‘knori” pyesalarida atroflicha aks ettirilgan[80]. Mazkur dramalar adib ijod maktabining asosiy qismini tashkil etadi. Hoji Muinning vaqtli matbuotda chop etilmagan va qo‘lyozma manbalari saqlanib qolmagan “Juvonbozlik qurboni”, “Boy ila xizmatchi”, “Qozi ila muallim” hamda M.Behbudiy vafotiga bag‘ishlangan “Maorif qurbonlari”[81] dramalari esa ilmiy jamoatchilikka faqat nomlari orqali ma’lum.

Uning dramatik ijodining boshlanish nuqtasi bo’lgan “To‘y” dramasining yaratilish va mualliflik tarixi xususida adabiyotshunoslikda yagona ilmiy qarash mavjud emas. Masalan, tadqiqotchi M.B. Solihov “Teatr adabiyoti haqida ba’zi

[77]Ҳалимов С. Адабиётга дахлдор ижод // Самарқанд. – 1998. – № 32. – Б. 1..
[78] Каримов Н. “Муқаддас ғоя”. “Ўзбекистон санъати ва адабиёти”. 1999. №-50-Б.2
[79]Темиров Р. И. Ҳожи Муин Шукрулло ўғлининг жадидчилик фаолиятидаги ўрни ва мероси // Inter Education & Global Study. – 2026. – Vol. 4, Issue 2. – Б.14.
[80] Қаҳрамон Р. «Ўзбекистон XX асрда». Биринчи жилд (1900–1939). Тошкент: «Фан» нашриёти, 2024 йил. – Б. 173.
[81] Ризаев Ш. Жадид драмаси. — Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1997. — Б. 112.

mulohazalar” manbasida pyesa muallifi sifatida Nusratullo Qudratullo o‘g‘liga nisbat beradi[82].

Biroq Sirojiddin Ahmad “Sharq yulduzi” jurnalidagi ilmiy izlanishida Hoji Muinning “Ravshan” taxallusi ostida e’lon qilingan maqolasidagi “To‘yni men yozganman” degan e’tirofiga[83] shuningdek, “Oyina” va boshqa davriy matbuot sahifalaridagi axborotlarga tayanib, adibning ushbu drama mualliflaridan biri ekanligini isbotlab bergan. Drama g‘oyaviy yo‘nalishi bo‘yicha M. Behbudiyning “Padarkush” asariga uyg’un bo‘lib, aynan har ikki dramada tarbiya jarayoni e’tibordan chetda qolgani shuningdek, resurslarning ortiqcha marosimlarga sarflanishi natijasida mulkdorlar qatlamida yuzaga kelgan ijtimoiy-iqtisodiy muammolar ham aks ettirilgan [84].

“To‘y”dagi Mirzo, “Mazluma xotin”dagi Muallim va “Eski maktab – yangi maktab”dagi Komilboy obrazlari g‘oyaviy-amaliy jihatdan o‘zaro mushtarak bo‘lgan. Ularning har biri jamiyatni ma’rifat hamda ta’lin va tarbiya bilan qurollantirish g‘oyalarining faol targ‘ibotchisi hisoblangan. Obrazlar o’rtasidagi dunyoqarash va maqsadlar bir xilligi “To‘y” pyesasining mualliflaridan biri Hoji Muin bo’lganligi muayyan ilmiy dalil hisoblanadi. Asardagi syujet chiziqlari va obrazlar talqinida Hoji Muin dramaturgiyasiga xos g‘oyaviy-uslubiy izchillik ko‘zga tashlanadi

Mazkur dramaning markaziy g‘oyasi maishiy isrofgarchilik va bid’at marosimlarning jamiyat hamda oila iqtisodiy barqarorligiga salbiy ta’sirini ochib berishga qaratilgan. Asarda XX asr boshlaridagi Turkiston jamiyatiga xos bo‘lgan ma’naviy-axloqiy inqiroz va iqtisodiy qashshoqlik muammolari badiiy-ijtimoiy jihatdan atroflicha tahlil etilgan[85]. Dramada konservativ diniy-huquqiy institutlar (mulla va qozilar)ning jamiyatdagi o‘rni hamda mulkdorlar qatlamining moliyaviy

[82] Қаршийева Г. “Ҳожи Муин Шукрулло драматургиясининг ғоявий бадиий хусусиятлари” Тарих фан. бўйича фал. док. (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Б-32
[83] Сирожиддин Аҳмад. Ҳожи Муин // Шарқ юлдузи. – 2003. – № 4. – Б. 14.4
[84] https://oyina.uz/uz/article/4688 2025.10.10
[85] Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи (1900–2007). – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 39.

resurslaridan ijtimoiy-ma’rifiy maqsadlarda foydalanmaslik muammosi obrazlar tizimi va syujet orqali asoslab berilgan.

Hoji Muin va Nusratullo Qudratullo o‘g‘li tomonidan yaratilgan to‘rt pardali “To‘y” dramasida 16 ta obraz ishtirok etadi. Ushbu obrazlar orqali XX asr boshlaridagi Turkiston jamiyatida mavjud bo‘lgan turli ijtimoiy qatlamlarning iqtisodiy holati, qarashlari va turmush tarziga oid masalalar yoritilgan. Obrazlar faoliyati va ular o‘rtasidagi munosabatlar orqali jamiyatdagi ichki ijtimoiy-iqtisodiy muammolarning sabab va oqibatlari ko‘rsatilgan.

Asarning asosiy mazmunini Turkiston jamiyatining ijtimoiy-iqtisodiy holatiga ta’sir ko‘rsatgan ichki muammolardan biri - ortiqcha marosim xarajatlari masalasi tashkil etadi. Mualliflar ushbu muammoni xatna to‘yi misolida yoritganlar. Asarda xatna marosimining o‘zi emas, balki uni o‘tkazish jarayonida oilaning iqtisodiy imkoniyatlariga mos kelmaydigan darajada mablag‘ sarflanishi tanqid qilinadi.

Dramaning o‘ziga xos jihatlaridan biri voqealar markaziga nikoh to‘yi emas, balki xatnat to‘yining qo‘yilganligidir. Bunday udumlarimiz diniy urf-datlarimizdan biri sifatida e’tirof etilgan bo‘lsa-da, mualliflar bu to’y bilan bog‘liq ortiqcha xarajatlarning iqtisodiy oqibatlariga e’tibor qaratadilar. Asarda oilaning mavjud mablag‘larini marosimga sarflashi natijasida moliyaviy qiyinchilikka duch kelishi va oqibatda oilada ko’plab muammolarning paydo bo’lishi, xususan, farzand ta’lim-tarbiyasii hamda uning kelajak hayotiga ta’sir qilishi ko‘rsatilgan.

Mualliflar tomonidan ko‘tarilgan mazkur muammo XX asr boshidagi Turkistonning mustamlaka sharoitidagi ijtimoiy-iqtisodiy vaziyati bilan ham bog‘langan. Aholining iqtisodiy imkoniyatlari cheklangan bir sharoitda mavjud mablag‘larning marosim xarajatlariga ortiqcha sarflanishi oilalarning iqtisodiy holatini yanada murakkablashtirgan. Shu sababli asarda oilaning iqtisodiy imkoniyatlaridan oqilona foydalanish, ortiqcha xarajatlarni kamaytirish va mablag‘larni farzandlarning ta’lim-tarbiyasi hamda kelajagiga yo‘naltirish masalasi ilgari surilgan.

Birinchi parda - “Maslahat oshi”da muammoning boshlanish sababi ko‘rsatilgan. Boy xatna to‘yini o‘tkazish uchun 15 000 so‘m mablag‘ ajratadi, bu mablag‘ni uch kunlik ko‘pkari, bazm, chopon kiydirish va boshqa to‘y xarajatlariga sarflashni rejalashtiradi. Demak, pardadagi asosiy masala to‘y o‘tkazishning o‘zi emas, balki mavjud mablag‘ning qanday maqsadga sarflanishidir.

Bu masalada Boy va bank xizmatchisi Mirzoning qarashlari bir-biridan farq qiladi. Boy mablag‘ni marosim xarajatlariga yo‘naltirishni ma’qul ko‘rsa, Mirzo uning 5 000 so‘mini farzandlarning ta’limiga sarflashni taklif qiladi. U Boyni ogohlantirib: “To‘y va azalarda pul isrof qilish odati faqat bizning Turkistonda urf bo‘lib qolgan. Boshqa mamlakat musulmonlari bunday ahmoqlikni aslo qilishmaydi. Shuning uchun ular kundan-kunga boyib, biz esa bu isrofgarlik sababli mol-mulkimizdan ayrilib, moddiy qiyinchiliklarga tushyapmiz... Shu o‘n besh ming so‘m puldan besh ming so‘mini sarflab o‘g‘illaringizni o‘qitsangiz ular bilimli bo‘ladi, qolgan o‘n ming so‘mingiz yoningizda qoladi”, — deb ta’kidlaydi. Ularning qarashlaridagi farq orqali mualliflar mablag‘dan foydalanishning ikki xil yondashuvini ko‘rsatadilar: birinchisi — to’y va marosim uchun xarajatlarini ustun qo‘yish, ikkinchisi — mavjud mablag‘ni farzandlarning ta’limiga yo‘naltirish.

Boyning qarori natijasida oilaning mavjud mablag‘i to’y xarajatlariga sarflanadi, Mirzoning ta’lim uchun mablag‘ ajratish haqidagi taklifi esa: “Sening bir qatra jon xoling bor, menga nasihat qilasan. Men sendan hali to‘y masalasini so‘raganim yo‘q”, — deya keskin rad etiladi[86]. Bu holat keyingi pardalarda rivojlanadigan iqtisodiy muammoning dastlabki sababini belgilaydi. Demak, birinchi pardada iqtisodiy inqirozga olib keluvchi qaror va munosabatlar ko‘rsatilgan.

Ikkinchi pardada birinchi pardadagi marosim rejalari amaliyotga ko‘chib, soxta dabdababozlik, jamiyatdagi tabaqalanish va ma’naviy inqiroz jarayonlari ochiq

[86] Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997. 110–114.

ko‘rsatiladi. Pardadagi asosiy masala — Boyning va uning atrofidagilarining to’y jarayonidagi xatti-harakatlari hamda pul va nufuzga bo‘lgan munosabatidir. Mehmonlar uchun dabdabali dasturxon yoziladi, ularga qimmatbaho choponlar (to‘nlar) va tuhfalar ulashiladi. Bu xatti-harakatlar orqali Boy xatna to‘yini xalqqa xolis ehson qilish uchun emas, balki jamiyatda soxta obro‘ orttirish va o‘z mavqeyini ko‘rsatib qo‘yish uchun o‘tkazayotganini namoyon etadi.

Pardada jamiyatdagi ijtimoiy tabaqalanish va adolatsizlik yaqqol ko‘rinadi. Boy to‘yga kelgan boylar va nufuzli shaxslarga alohida ehtirom ko‘rsatib, ularni izzat-ikrom qiladi. Biroq oddiy xalq, fuqarolar hamda muhtojlarga nisbatan umuman boshqacha munosabatda bo‘ladi. Buni uning xizmatchisiga bergan: “Gadoylarni darvozadan kirgizma! Kambag‘alroq odam kelsa, o‘sha og’ilxona oldiga o‘tkaza qol! Ularga faqat osh va non bersang bo‘ladi. Shiravor, qand-pand hojat emas”, — degan ko‘rsatmasi tasdiqlaydi . Bu holat orqali mualliflar dabdabali to‘ylarning saxovat yoki diniy burch emas, balki xalq orasida moddiy jihatdan holatlarini ko’rsatib qo’yish uchun xizmat qilayotganini namoyish etganlar.

Shuningdek, pardada ma’naviy-axloqiy inqiroz masalalalari ham ochib beriladi. To‘yga taklif etilgan imom va oqsoqol kabi jamoatchilik vakillarining marosim jarayonida faol ishtirok etishi, ma’naviy-axloqiy masalalar yuzasidan fikr bildirishi bilan birga, o‘z xatti-harakatlarida ilgari surilgan qarashlarga zid holatlarga yo‘l qo‘yishi tasvirlangan. Demak, ikkinchi pardada birinchi pardada qabul qilingan noto‘g‘ri qarorning amaliy ijrosi namoyon bo‘ladi. Unda iqtisodiy isrofgarchilik bilan birga, jamiyatdagi ijtimoiy tengsizlik, soxtalik hamda ma’naviy-axloqiy inqirozga olib keluvchi salbiy jarayonlar atroflicha ochib berilgan

Uchinchi parda - “Mayxurlik majlisi”ning birinchi va ikkinchi sahnalarida xatna to‘yining o‘tkazilishi bilan bog‘liq jarayonlarning ijtimoiy va ma’naviy oqibatlari yoritilgan. Dastlab ortiqcha xarajatlar asosida tashkil etilgan to‘y marosimi keyingi voqealarda yoshlar ishtirokidagi turli ijtimoiy muammolarning yuzaga kelishiga sabab bo‘ladi. Shu jihatdan, mazkur parda birinchi pardada boshlangan iqtisodiy muammoning ijtimoiy oqibatlari bilan bir qatorda, marosim muhitining yoshlar

tarbiyasiga ta’sirini ham ko‘rsatgan. To‘y marosimining tashkil etilishida shariat va milliy an’analarga asoslangan marosim talablari bilan amaldagi holat o‘rtasidagi farq namoyon bo‘lgan. Birinchi pardada ortiqcha xarajatlarga qarshi bildirilgan fikrlarga qaramay, boy xonadonida tashkil etilgan to‘yda “musallasi shar’iy” nomi bilan alkogol iste’mol qilinishi kabi holatlar yuzaga kelgan. Natijada to’yning dastlabki diniy-ma’rifiy mazmuni o‘rniga ichkilikbozlik va ko‘ngilochar yig‘in shaklidagi muhit vujudga kelgan. Bu holat mualliflarning marosim amaliyotidagi o‘zgarishlarni tanqidiy baholaganini ko‘rsatadi. Mazkur jarayonda boyning munosabati ham muhim o‘rin tutgan. U o‘z xonadonida yoshlar ishtirokidagi ushbu yig‘inni tashkil etadi va 12 yoshli o‘g‘lining ham mazkur muhitda bo‘lishiga yo‘l qo‘yadi. Yoshlar tarbiyasiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan holatlarga barham berish o‘rniga, boyning ularga bevosita yoki bilvosita qo‘shilishi mualliflar tomonidan oiladagi tarbiya masalasining muammoli jihati sifatida ko‘rsatilgan. Shu bilan birga, to‘y xarajatlari va uning tashkil etilish shakli faqat oilaning moddiy ahvoliga emas, balki farzandlarning tarbiyasi va ijtimoiy muhitiga ham ta’sir ko‘rsatishi sahna davomida qayd etilgan.

Pardaning keyingi sahnalarida ushbu muhitning yoshlar xulq-atvoriga ta’siri yanada aniq ko‘rsatilgan. To‘yga yig‘ilgan o‘smirlar - Orziqul, O‘lmas va Tesha o‘rtasidagi kelishmovchiliklar jinoiy harakatlargacha borib yetadi. Bu voqealar orqali mualliflar yoshlarning ta’lim va ma’rifatdan chetda qolishi, bo‘sh vaqtining mazmunli faoliyat bilan to‘ldirilmasligi hamda nazoratsiz muhitda shakllanishi bilan bog‘liq muammolarga e’tibor qaratilgan. Jadidlar yoshlar masalasini har doim ta’lim masalasidek jamiyatning eng muhim nuqtlaridan deb bilganliklarini ushbu sahna voqealarida ko’rish mumkin. Shunday qilib, uchinchi pardada to‘yga sarflangan ortiqcha mablag‘larning oqibati faqat iqtisodiy zarar bilan cheklanmasligi ko‘rsatilgan.

Yakuniy qismda katta miqdorda iqtisodiy xarajatlar to’ydan so’ng yuzaga kelgan moliyaviy inqiroz hamda ijtimoiy halokat (bankrotlik) bosqichini ochib beruvchi mantiqiy pardadir. Ushbu qismda ishlatilgan pullardan so‘ng yuzaga kelgan qat’iy

iqtisodiy va moliyaviy oqibatlar aniq faktlar orqali ko’rsatilgan. Isrofgarchilikka asoslangan to‘y xarajatlari oqibatida 15 000 so‘m mablag‘ to‘liq sarflanib, mulkdor do‘konining kassasida 133 so‘m 23 tiyin qolgani voqealar so’ngida ma’lum bo‘ladi. Shu bilan birga, kredit muammosi (Moskva banki) oldidagi 5 000 so‘mlik qarzni to‘lash muddati (23-aprel) yetib kelgani, mablag’ yetishmasligi sababli mulkdorning savdo do‘koni va mulklari muhrlanishi kabi xavfli holatlar yuzaga keladi. Sahna oxirida to’y egasining: “O‘n to‘qqiz ming so‘mni bekorga to‘yga isrof qildim. Hozir g‘aladonimda ikki yuz so‘mcha ham pulim yo‘q. Axir xuddi shu bugun bankka besh ming so‘m topshirmasam, do‘konim muhrlanadi (yopiladi). Ana! Bundan ham ortiq balo bo‘ladimi?”[87], - degan so’zlaridan to’y va marosimlarga ajratilgan katta miqdordagi pullar mulkdor qatlamni to‘g‘ridan-to‘g‘ri bankrotlikka yetaklagani o’z isboti dramada ko‘rsatilgan.

Eshnazar bergan ma’lumotlarga ko‘ra, uch kunlik ko‘pkarida 10 kishi ot ostida qolib halok bo‘lgan yoki majruh bo‘lgan, 17 kishiga jismonan tan-jarohat yetqazilgan, 19 kishi og‘ir kasallikka chalingan. Bu faktlar marosim xarajatlarining nafaqat moddiy yo’qotish, balki ko’plab insonlarga jismonan va ruhan zarar yetqazganligi bilan bogliq salbiy holatlar ham ochib berilgan. Boy iqtisodiy inqiroz holatiga tushgach , to’yni o’tqazish vaqtida undan manfaat ko‘rgan soxta ijtimoiy muhit (Xidirboy va boshqalar) unga nisbatan munosabatini o‘zgartiradi va moliyaviy yordam berishni rad etadi. Xidirboyning bu holatga: “Do‘stim to‘yida yegan palovimizning har bir luqmasi ming so‘mga tushar ekan-da”, — degan munosabati manfaatlarga asoslangan ijtimoiy munosabatlarning zaif va vaqtinchalik xarakterga ega ekani isbotlanadi. Mualliflar so’ngi qism orqali Turkiston aholisining ma’naviy va moddiy tanazzul jarayonida nafaqat tashqi ma’muriy-siyosiy omillar, shuningdek, ichki iqtisodiy bilimlarning yetarli emasligi hamda marosimlarga mablag’ning ortiqcha sarflanishi mazkur jarayonda muhim

[87] Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997. 168–172

omillardan biri bo‘lganini ko‘rsatadi. Birinchi pardada Mirzo obrazi tomonidan ilgari surilgan 5 000 so‘mni ta’limga sarflash taklifi rad etilmaganda edi, oila va uning xo‘jaligi bunday ijtimoiy-iqtisodiy va ma’naviy halokatga uchramagan bo‘lar edi.

Ushbu drama XX asr boshlaridagi Turkiston jamiyati hayotini aks ettiruvchi muhim tarixiy manbadir. Asarda jadid dramaturglari to’y va urf-odatlar muammosini markaziy o‘ringa olib chiqishgani tasodif emas. Ko‘plab ijtimoiy-siyosiy muammolar mavjudligiga qaramay, to‘ylardagi “kim o‘zarga” qilingan asossiz isrofgarchilik millat kelajagi — farzandlar ta’limi va tarbiyasiga to‘sqinlik qilayotgan asosiy omil edi. Mualliflar ortiqcha marosim xarajatlarining iqtisodiy va ijtimoiy oqibatlarini ko‘rsatishni maqsad qilganlar: agar mablag‘lar ta’lim va ma’rifatga emas, balki ijtimoiy mavqeni namoyish etishga yo‘naltirilsa, bu holat oilaning moddiy imkoniyatlarini cheklashi va jamiyatning ma’rifiy rivojlanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Drama orqali jadidlar to’y va marosim xarajatlarini me’yorlashtirish hamda mablag‘larni farzandlar ta’limiga yo‘naltirish masalasini jamiyatning milliy-iqtisodiy va ma’rifiy rivojlanishi bilan bog‘liq muhim omil sifatida ilgari surganlar.

“To‘y” dramasi ilk bor 1914-yilning oxirlarida “Turon” truppasi tomonidan sahnalashtirilgan. Ushbu drama o‘z davrida xalq orasida juda katta olqishlar bilan kutib olganligi Abdurauf Muzaffarzoda “Sadoyi Turkiston” gazetasining 1915-yil 2-yanvarda chiqqan 54-sonidagi “Milliy kechamiz” sarlavhali maqolasida bayon qilgan[88]. Nusratillo Qudratillo va Hoji Muinning “To‘y” dramasi Toshkentning mashhur “Kolizey” teatrida tomoshabinlar xohishi bilan sahnalashtirilgani va unda ko‘tarilgan fojia o‘ta ta’sirli hamda tabiiy chiqqani ta’kidlanadi. Ushbu spektakl namoyishi jadidlar tomonidan milliy ma’rifat va o‘zlikni anglashga qaratilgan madaniy-ma’rifiy tadbir bo‘lgani sababli matbuotda va jamoatchilik orasida “Milliy kecha” deb atalgan. Abdulla Avloniy ushbu drama haqida yozgan maqolasida, eng

[88] Muzaffarzoda A. “Milliy kechamiz” // Sadoyi Turkiston. – 1915. – 2-yanvar. – №54. – B. 3.

avvalo, topilgan moliyaviy boylikning qadriga yetishga va uni behuda isrof qilmaslikka chaqiradi[89]. Hoji Muinning “To‘y” dramasi va Avloniyning ushbu da’vati milliy boylikni asrash va isrofgarchilikka barham berishda jadid ma’rifatparvarlarining birlikdagi harakatlari natijasini ko‘rsatadi.

To‘y va milliy an’analarimizdagi dabdababozlik hamda maishiy isrofgarchilikka qarshi kurash masalasi faqat Hoji Muin ijodida emas, balki davlat siyosati va davrning boshqa jadid dramalarida ham markaziy o‘rinda turgan. Xususan, Buxoro amiri Said Olimxonning 1911-yil mart oyidagi farmoni bilan to‘ylarda ortiqcha taomlar hamda dabdabali marosimlar taqiqlangani[90], shuningdek, Abdulla Qodiriyning “Baxtsiz kuyov”[91] (1915) hamda Abdulla Badriyning “Juvonmarg”[92] (1915) dramalarida ham dabdabali to‘y va maishatbozlik ortidan qarzdor bo‘lish, mol-mulkni boy berish hamda oilalar halokati yoritilgani Hoji Muin ilgari surgan qarashlarining asoslanganligini tasdiqlaydi.

Hoji Muin ushbu ijtimoiy-iqtisodiy masalalarni 1919-yilda “Mehnatkashlar tovushi” gazetasida chop etilgan “To‘y va aza marosimi haqinda”[93] hamda 1924-yilda “Zarafshon” gazetasida e’lon qilingan “To‘y-ta’ziya isroflari”[94] maqolalarida izchil davom ettirgan. Sho‘rolar hokimiyatining dastlabki yillarida (1917–1923-yillar) ma’muriy taqiqlar joriy etilgan bo‘lsa-da, mas’ul shaxslarning yetarli nazorati mavjud emasligi sababli dabdababozlik va mol-mulkni garovga qo‘yish holatlari saqlanib qolgan. Bu holat Hoji Muin ijodida to‘y bilan bog‘liq ortiqcha xarajatlar muammosi alohida bir voqea sifatida emas, balki Turkiston jamiyatining ichki ijtimoiy-iqtisodiy muammolaridan biri sifatida uzoq muddat davomida yoritilganini ko‘rsatadi.

[89]Авлоний А. Танланган асарлар. – Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2009. – Б. 18.
[90] https://oyina.uz/uz/article/1202 03.10.25y
[91] Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997. – Б. 176.
[92] Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997. – Б. 198.
[93] Hoji Muin. To‘y va aza marosimi haqinda // Mehnatkashlar tovushi. – 1919, 22-mart. – № 68.
[94] Hoji Muin. To‘y-ta’ziya isroflari // Zarafshon. – 1924, 24-mart.

FOYDALANILGAN MANBALAR VA ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Авлоний А. Танланган асарлар. – Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2009. – 240 б.
2. Behbudiy M. «Teatr nadur?» // «Oyina» jurnali. – 1914. – № 29. – B. 550.
3. [Hoji Muin]. Dar daka razi pinhan, xohad shud oshkora [Parda ortidagi yashirin sir oshkor bo‘lajak] // Mulla Mushfiqiy. – 1928. – 12-fevral. – № 4. – B. 5.
4. Hoji Muin. To‘y va aza marosimi haqinda // Mehnatkashlar tovushi. – 1919. – 22-mart. – № 68.
5. Hoji Muin. To‘y-ta’ziya isroflari // Zarafshon. – 1924. – 24-mart.
6. Каримов Н. «Муқаддас ғоя» // Ўзбекистон санъати ва адабиёти. – 1999. – № 50. – Б. 2.
7. Muzaffarzoda A. «Milliy kechamiz» // Sadoyi Turkiston. – 1915. – 2-yanvar. – № 54. – B. 3.
8. Қаҳрамон Р. Ўзбекистон XX асрда. Биринчи жилд (1900–1939). – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2024. – 416 б.
9. Қаршиева Г. Ҳожи Муин Шукрулло драматургиясининг ғоявий-бадиий хусусиятлари: Тарих фан. бўйича фал. док. (PhD) дисс. – Самарқанд, 2022. – 150 б.
10. Rahmatullayeva D. Jadid teatri: tarixiy drama. – Toshkent: «San’at» nashriyoti, 2004. – 128 b.
11. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1997. – 256 б.
12. Сирожиддин Аҳмад. Ҳожи Муин // Шарқ юлдузи. – 2003. – № 4. – Б. 140–148.
13. Темиров Р. И. Ҳожи Муин Шукрулло ўғлининг жадидчилик фаолиятидаги ўрни ва мероси // Inter Education & Global Study. – 2024. – Vol. 4, Issue 2. – Б. 12–18.
14. Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи (1900–2007). – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2010. – 352 б.
15. Ҳалимов С. Адабиётга дахлдор ижод // Самарқанд. – 1998. – № 32. – Б. 1.
16. Oyina.uz portal materiallari:
17. Buxoro amiri farmoni va to‘ylar haqida // Oyina.uz madaniy-ma’rifiy portali. – URL: https://oyina.uz/uz/article/1202 (murojaat qilingan sana: 03.10.2025).
18. Jadid ma’rifatparvarligi va teatr // Oyina.uz madaniy-ma’rifiy portali. – URL: https://oyina.uz/uz/article/4688 (murojaat qilingan sana: 10.10.2025).

МУНДАРИЖА

TARIXIY HAQIQAT, VOHA XOTIRASI VA MA'NAVIY MEROS

Muallif: prof M.Kalonov..... 3

ЖАДИДЧИЛИКНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ЖАДИДЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАМДА СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Muallif: Бахтиёр Ҳасанов — тарих фанлари доктори, профессор, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори..... 4

XX АСР 20–30-ЙИЛЛАРИДА ДИН АРБОБЛАРИНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

Muallif: Зикруллаев Мурод Файзуллаевич — Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари..... 15

ҚАТАҒОНГА ТЕНГ "САФАРБАРЛИК"

Muallif: Хуршид Қурбонов — тарих фанлари номзоди, доцент, Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори..... 22

АГАР ЭШИКНИ ИЧКАРИДАН КИМДИР ОЧМАСА...

Muallif: Дилнавоз Раҳматова — Қарши давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори..... 40

ҚЎҚОНЛИК ЖАДИДЛАР МУАЗЗАМ АЯ ВА ХЎЖАХОН ДОМЛА

Muallif: Эрбўтаева Ўғилой — тарих фанлари номзоди, доцент, Гулистон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори..... 45

ЖИЗЗАХЛИК МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

*Muallif:**Бахтигул Эргашева** А.Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти тузилмасидаги "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори* 53

ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ БЎЛГАН УЧ БУЮК СИЙМО

***Азралшоҳ Ҳамраев** Бухоро давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори*..... *57*

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВДАН ПАТИФОН ВА МИЛТИҚ СОВҒАСИНИ ОЛГАН, ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ ҒОЗҒОНЛИК САНГТАРОШ УСТА АБДУРАҲИМ ТУРДИЕВ ҲАҚИДА

*Muallif:**Баҳром Ирзаев, тадқиқотчи*.....*77*

ШОҲИДЛАР ХОТИРАСИДАГИ ҚАТАҒОНЛАР (карманалик юртдошлар қисмати)

Muallif: Дилшод Саибов — Навоий давлат педагогика институти тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ходими..... 87

ХАТИРЧИ ТУМАНИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ

Muallif: Каромат Қурбонова — Навоий давлат университети тузилмасидаги "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ходими..... 95

МУЛЛА БЕКЖОН — ХОРАЗМНИНГ ИЛҒОР МАОРИФЧИСИ ВА СИЁСИЙ АРБОБИ

Muallif: Рахманова Ю.М. — тарих фанлари номзоди, УрДУ тузилмасидаги "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори, докторант..... 105

"ПАХТА ИШИ" ҲАҚИДА

Muallif: Р. Қаршиев — Навоий давлат университети профессори..... 110

"НУРОТАНИНГ НУРЛИ ФАРЗАНДИ (ТУРСУНХЎЖА ЭШОНХЎЖА — ЭШОНИ СУДУР ҲАҚЛАРИДА)" НОМЛИ РИСОЛАНИ ЎҚИБ...

Muallif: Хуршид Қурбонов — тарих фанлари доктори, Навоий давлат университети доценти, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори..... 113

HOJI MUIN SHUKRULLO O'G'LI DRAMATURGIYASIDA MILLIY O'ZLIKNI ANGLASH VA MA'NAVIY-AXLOQIY INQIROZ TANQIDI ("TO'Y" DRAMASI MISOLIDA)

Muallif: Muftillayeva Umida — Navoiy davlat universiteti o'qituvchisi..... 118